

ANJUMAN | KONFERENCLAR | CONFERENCES

O'ZBEKISTONDA ILMIY TADQIQOTLAR:

DAVRIY ANJUMANLAR

DAVRIYLIGI: 2018 | 2022

2022

ERNEST XEMINGUEY
(1899-1961)

Chol qushlar va ayniqsa, belinim oziq
axtariib uchgan, ammo deyarli hech qachon
uni topolmaydigan jumlil va nozik dengiz
qaldirg'ochlariga axtariib ketar va qushlar
turmushi, qirin-qora va katta, kuchli
qushlarni hisobga olmayanda, buning kun
kechirishimizga qaraganda ham juda og'ir.
Okean gohida shu qadar ham beshim dollar
ekan, nima uchun qushlarni mana bu
dengiz qaldirg'ochlari singari nozik va
shikasta qilib yaratganlar. Okean saxsi va
go'zal, ammo u go'ho to'xtatdan shunday
shaf-qatsiz bolib ketadiki, uning ustidagi
oziq dindagi chary urib chonib, o'zi va
mangli ovoz bilan bir-birlariga jo' bolib
uchgan bu qushlar unga nisbatan
beshinoya zalf va mo'ri ko'rinadi.

"CHOL VA DENGIZ" ASARI

AVGUST

№43



CONFERENCES.UZ

Toshkent shahar, Amir
Temur ko'chasi, pr.1, 2-uy.

+998 97 420 88 81

+998 94 404 00 00

www.taqiqot.uz

www.conferences.uz



**ЎЗБЕКИСТОНДА ИЛМИЙ
ТАДҚИҚОТЛАР: ДАВРИЙ
АНЖУМАНЛАР:
9-ҚИСМ**

**НАЦИОНАЛЬНЫЕ ИССЛЕДОВАНИЯ
УЗБЕКИСТАНА: СЕРИЯ
КОНФЕРЕНЦИЙ:
ЧАСТЬ-9**

**NATIONAL RESEARCHES OF
UZBEKISTAN: CONFERENCES
SERIES:
PART-9**

ТОШКЕНТ-2022



УУК 001 (062)
КБК 72я43

“Ўзбекистонда илмий тадқиқотлар: Даврий анжуманлар:” [Тошкент; 2022]

“Ўзбекистонда илмий тадқиқотлар: Даврий анжуманлар:” мавзусидаги республика 43-кўп тармоқли илмий масофавий онлайн конференция материаллари тўплами, 31 август 2022 йил. - Тошкент: «Tadqiqot», 2022. - 70 б.

Ушбу Республика-илмий онлайн даврий анжуманлар Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегиясида кўзда тутилган вазифа - илмий изланиш ютуқларини амалиётга жорий этиш йўли билан фан соҳаларини ривожлантиришга бағишланган.

Ушбу Республика илмий анжуманлари таълим соҳасида меҳнат қилиб келаётган профессор - ўқитувчи ва талаба-ўқувчилар томонидан тайёрланган илмий тезислар киритилган бўлиб, унда таълим тизимида илғор замонавий ютуқлар, натижалар, муаммолар, ечимини кутаётган вазифалар ва илм-фан тараққиётининг истиқболдаги режалари таҳтил қилинган конференцияси.

Масъул муҳаррир: Файзиев Шохруд Фармонович, ю.ф.д., доцент.

1. Ҳуқуқий тадқиқотлар йўналиши

Профессор в.б., ю.ф.н. Юсувалиева Рахима (Жахон иқтисодиёти ва дипломатия университети)

2. Фалсафа ва ҳаёт соҳасидаги қарашлар

Доцент Норматова Дилдора Эсоналиевна (Фарғона давлат университети)

3. Тарих саҳифаларидаги изланишлар

Исмаилов Ҳусанбой Маҳаммадқосим ўғли (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси)

4. Социология ва политологиянинг жамиятимизда тутган ўрни

Доцент Уринбоев Хошимжон Бунатович (Наманган муҳандислик-қурилиш институти)

5. Давлат бошқаруви

Доцент Шакирова Шоҳида Юсуповна «Тараққиёт стратегияси» маркази муҳаррири

6. Журналистика

Тошбоева Барнохон Одилжоновна (Андижон давлат университети)

7. Филология фанларини ривожлантириш йўлидаги тадқиқотлар

Самигова Умида Ҳамидуллаевна (Тошкент вилоят халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳудудий маркази)



8.Адабиёт

PhD Абдумажидова Дилдора Рахматуллаевна (Тошкент Молия институти)

9.Иқтисодиётда инновацияларнинг тутган ўрни

Phd Вохидова Мехри Хасанова (Тошкент давлат шарқшунослик институти)

10.Педагогика ва психология соҳаларидаги инновациялар

Турсунназарова Эльвира Тахировна (Навоий вилоят халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳудудий маркази)

11.Жисмоний тарбия ва спорт

Усмонова Дилфузахон Иброхимовна (Жисмоний тарбия ва спорт университети)

12.Маданият ва санъат соҳаларини ривожлантириш

Тоштемиров Отабек Абидович (Фарғона политехника институти)

13.Архитектура ва дизайн йўналиши ривожланиши

Бобохонов Олтибой Рахмонович (Сурхандарё вилояти техника филиали)

14.Тасвирий санъат ва дизайн

Доцент Чариев Турсун Хуваевич (Ўзбекистон давлат консерваторияси)

15.Муסיқа ва ҳаёт

Доцент Чариев Турсун Хуваевич (Ўзбекистон давлат консерваторияси)

16.Техника ва технология соҳасидаги инновациялар

Доцент Нормирзаев Абдуқайом Раҳимбердиевич (Наманган муҳандислик-қурилиш институти)

17.Физика-математика фанлари ютуқлари

Доцент Соҳадалиев Абдурашид Мамадалиевич (Наманган муҳандислик-технология институти)

18.Биомедицина ва амалиёт соҳасидаги илмий изланишлар

Т.ф.д., доцент Маматова Нодира Мухтаровна (Тошкент давлат стоматология институти)

19.Фармацевтика

Жалилов Фазлиддин Содиқович, фарм.ф.н., доцент, Тошкент фармацевтика институти, Дори воситаларини стандартлаштириш ва сифат менежменти кафедраси мудири

20.Ветеринария

Жалилов Фазлиддин Содиқович, фарм.ф.н., доцент, Тошкент фармацевтика институти, Дори воситаларини стандартлаштириш ва сифат менежменти кафедраси мудири

21.Кимё фанлари ютуқлари

Рахмонова Доно Қаххоровна (Навоий вилояти табиий фанлар методисти)



22.Биология ва экология соҳасидаги инновациялар

Йўлдошев Лазиз Толибович (Бухоро давлат университети)

23.Агропроцессинг ривожланиш йўналишлари

Доцент Сувонов Боймурод Ўралович (Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш мухандислари институти)

24.Геология-минерология соҳасидаги инновациялар

Phd доцент Қаҳҳоров Ўктам Абдурахимович (Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш мухандислари институти)

25.География

Йўлдошев Лазиз Толибович (Бухоро давлат университети)

Тўпламга киритилган тезислардаги маълумотларнинг ҳаққонийлиги ва иқтибосларнинг тўғрилигига муаллифлар масъулдир.

© Муаллифлар жамоаси

© Tadqiqot.uz

PageMaker\Верстка\Саҳифаловчи: Шахрам Файзиев

Контакт редакций научных журналов. tadqiqot.uz
ООО Tadqiqot, город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000

ИҚТИСОДИЁТДА ИННОВАЦИЯЛАРНИНГ ТУТГАН ЎРНИ

1. Ихтиёр Закиров САНОАТ ВА ТАДБИРКОРЛИК ЗОНАЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ БЎЙИЧА ХОРИЖ ТАЖРИБАСИ	8
2. Джаббаров Азизбек Ядгарович ХОРИЖ АМАЛИЁТИДА ҲУДУДЛАРНИ ОБОДОНЛАШТИРИШ ВА РИВОЖЛАНТИ- РИШ БЎЙИЧА МАҲАЛЛИЙ БЮДЖЕТЛАРНИНГ ХАРАЖАТЛАРИ САМАРАДОРЛИГИ ТАЪМИНЛАШ	13
3. Жабборов Бахриддин Рашидович ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ ФАОЛИЯТИДА РАҚАМЛИ ТРАНСФОРМАЦИЯНИ АМАЛГА ОШИРИШ МАСАЛАЛАРИ	15
4. Бўриев Динар Ботиржонович ТИЖОРАТ БАНКЛАРИНИНГ РАҚАМЛИ ФИЛИАЛЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ МАСА- ЛАЛАРИ	17
5. Шухратов Достонбек Элшодбек ўғли КАПИТАЛ БОЗОРИ ВА УНИНГ АСОСИЙ ВАЗИФАЛАРИ	19
6. Файзиллаев Жохонгир Дилшод ўғли ДАВЛАТ ИНВЕСТИЦИЯ ХАРАЖАТЛАРИ САМАРАДОРЛИГИ БАҲОЛАШ ТАМОИЛ- ЛАРИ	21
7. Зилола Абдумажитова ЗЕЛЕНЬЙ БАНКИНГ – НОВОЕ НАПРАВЛЕНИЕ БАНКОВСКОГО БИЗНЕСА	23
8. Назаров Илхом Абдирашитович ТИЖОРАТ БАНКЛАРИДА ЯНГИ МОЛИЯВИЙ ХИЗМАТЛАРНИ ЖОРИЙ ЭТИШ АСОСЛАРИ	25
9. Саттарова Мафтуна Хакимжановна ЎЗБЕКИСТОНДА ИСЛОМ БАНК МАҲСУЛОТЛАРИНИ ЖОРИЙ ЭТИШ БЎЙИЧА ИЛК ҚАДАМЛАР	27
10. Мирзаахмедов Улуғбек Равшанбек ўғли ЎЗБЕКИСТОНДА ДАВЛАТ МОЛИЯСИНИ ИСЛОҲ ҚИЛИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ	29
11. Шералиев Нурали Рўзиали ўғли МАҲАЛЛИЙ БЮДЖЕТ ТИЗИМИ ИЖРОСИНИ ТАЪМИНЛАШ МАСАЛАЛАРИ	31
12. Даминов Отабек Уткир ўғли ЭЛЕКТРОН ТИЖОРАТ ОПЕРАЦИЯЛАРИНИ СОЛИҚҚА ТОРТИШ МАСАЛАЛАРИ	33
13. Полванов Шамсиддин Аслиддин ўғли РИВОЖЛАНГАН МАМЛАКАТЛАРДА ҚЎШИЛГАН ҚИЙМАТ СОЛИҒИ ҲИСОБИ	35
14. Кумушев Санжар Жасур ўғли ДАВЛАТ БОШҚАРУВИДА СТРАТЕГИК РЕЖАЛАШТИРИШДА ФОРСАЙТ АМАЛИЁТИ	37
15. Султанова Муниса ЎЗБЕКИСТОНДА ИНФЛЯЦИОН ТАРГЕТЛАШ РЕЖИМИГА ЎТИШ ИМКОНияТЛАРИ	39
16. Мирзаахмедов Улуғбек Равшанбек ўғли ЎЗБЕКИСТОНДА ДАВЛАТ МОЛИЯСИНИ ИСЛОҲ ҚИЛИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ	41
17. Отабоев Улуғбек Мирзахамдамович ТИЖОРАТ БАНКЛАРИНИНГ ЖАҲОН МОЛИЯ БОЗОРЛАРИДАГИ ФАОЛИЯТИ ТУРЛАРИ	43

18. Шокиров Феруз Баходирович БЮДЖЕТДАН ТАШҚАРИ ЖАМҒАРМА ДАРОМАДЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ МА- САЛАЛАРИ	45
19. Рахимов Хамза Низомиддинович МАҲАЛЛИЙ БЮДЖЕТ ДАРОМАДЛАРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ	47
20. Собиров Элдорбек Козимжон ўғли БАНК ТИЗИМИДА РАҚАМЛИ МОЛИЯВИЙ ХИЗМАТЛАРНИНГ АҲАМИЯТИ	49
21. Мадрахимов Бахтиёржон Абдувоҳид ўғли “КОРПОРАТИВ БОШҚАРУВ МОДЕЛЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШДА ОПТИ- МАЛЛАШТИРИШ МОДЕЛЛАРИНИНГ ЎРНИ”	51
22. Мадрахимов Бахтиёржон Абдувоҳид ўғли “КОРПОРАТИВ БОШҚАРУВ ЖАРАЁНЛАРИНИ ИҚТИСОДИЙ МАТЕМАТИК МОДЕЛЛАШТИРИШ ОРҚАЛИ КОРПОРАТИВ БОШҚАРУВ МОДЕЛЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ”	56
23. Нормўминов Жуманазар Равшанович ЎЗБЕКИСТОНДА БЮДЖЕТ ТИЗИМИ БЮДЖЕТЛАРИНИНГ ҒАЗНА ИЖРОСИНИ ТА- КОМИЛЛАШТИРИШ	58
24. Отажонов Нейматжон Аминбой ўғли ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ ДАРОМАДЛАРИНИ ШАКИЛЛАНТИРИШДА СОЛИҚЛАРНИНГ ТУТГАН ЎРНИ ВА АҲАМИЯТИ	60
25. Ф.Г.Пардаев ЙЎЛ ФОНДЛАРИ МОЛИЯВИЙ РЕСУРСЛАРИДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШ	63
26. Oripova Gulira‘no Nodirovna ECONOMIC ANALYSIS AS AN INTEGRAL PART OF AUDIT	66
27. Озатбекова Озодахон Нодирбек қизи, Озатбеков Юсупхон Фарход ўғли, Гуламов Абдулазиз Абдуллаевич КОМПАНИЯНИНГ ИНВЕСТИЦИЯ ҚИЙМАТИНИ БАҲОЛАШ УСУЛЛАРИ	68



ИҚТИСОДИЁТДА ИННОВАЦИЯЛАРНИНГ ТУТГАН ЎРНИ

САНОАТ ВА ТАДБИРКОРЛИК ЗОНАЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ БЎЙИЧА ХОРИЖ ТАЖРИБАСИ

Ихтиёр Закиров

Банк-молия академияси магистранти

Аннотация. Мазкур илмий мақолада эркин иқтисодий, саноат ва тадбиркорлик зоналарини ташкил этишнинг имлий-назарий асослари билан таништириб ўтилган. Шунингдек, иқтисодий ва саноат зоналарини ташкил этиш бўйича Хитой Халқ Республикаси тажрибаси таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: *ЭИХ, саноат зонаси, преференция, солиқ таътили, эркин иқтисодий зона, кичик саноат зоналари, тўғридантўғри инвестициялар*

Аннотация. Данная научная статья знакомит с научно-теоретическими основами создания свободных экономических, промышленных и предпринимательских зон. Также анализируется опыт Китайской Народной Республики в организации экономических и промышленных зон.

Ключевые слова: *СЭЗ, промышленная зона, преференция, налоговые каникулы, свободная экономическая зона, малая промышленная зона, прямые инвестиции*

Кириш

Эркин иқтисодий ҳудудлар жаҳон ҳўжалигининг муҳим бўғини сифатида, хорижий инвестицияларни жалб қилишда ўзининг ижобий самарасини кўрсатмоқда. ЭИХлар турли давлатларда турли кўринишларда мавжуд бўлиб, уларни асосан бир хусусият, яъни мана шу ҳудудларда жорий қилинган имтиёзли шароит, бирлаштириб туради. Мана шундай имтиёзли муҳит чет эл инвестицияларини жалб қилишнинг энг самарали йўлларида бири ҳисобланади. ЭИХлар ҳозирги кундаги интеграциялашув ва глобаллашув жараёнларининг йирик омилларидан ҳисобланади, чунки айнан ЭИХлар чет эл инвесторларини жалб қилиш орқали капиталнинг интернационаллашувига сабаб бўлади ва трансмилий компанияларнинг кириб келиши орқали интеграциялашув жараёнларини янада юқори босқичга олиб чиқади.

Ўзбекистон иқтисодиётининг жаҳон ҳўжалиги тизимига интеграциялашуви шароитида мамлакатимизда экспортга йўналтирилган иқтисодий ривожланиш сиёсатини амалга ошириш ва экспортбоп маҳсулотларни ишлаб чиқариб, хорижга экспорт қилиш, шунингдек, импорт ўрнини босувчи юқори технологияларга асосланган ишлаб чиқаришни жорий қилишда эркин иқтисодий ҳудудлардан фойдаланиш, шунингдек, мамлакатимизда “очиқ эшиклар сиёсатини” амалга ошириш ҳамда хорижий сармоядорларни жалб қилиш борасида ривожланган давлатларнинг, айниқса, жаҳон ҳўжалигида тезкор суръатларда ривожланган мамлакатларнинг, жумладан, Хитой, Германия, Франция, Япония, Жанубий Корея, Сингапур каби мамлакатларнинг ташқи савдо-сотиқ сиёсати тажрибаларидан унумли фойдаланиш миллий иқтисодиётимизнинг тараққиётига ижобий самара беради. Шунга кўра, миллий иқтисодиётни шакллантиришда ташқи иқтисодий фаолиятни эркинлаштириш орқали мамлакатнинг ташқи савдо-сотиқжараёнини ва экспорт салоҳиятини юксалтириш масаласи, мамлакатимизда бозор иқтисодиётига ўтишнинг ўзига хос жиҳатларини ҳисобга олишни, айниқса, жаҳон иқтисодиёти амалиётида тўпланган тажрибалар ва халқаро қонун-қоидалар асосида мамлакатимизда эркин иқтисодий ҳудудларни ташкил қилиш борасида ва уларни тартибга солиш усулларини янада такомиллаштириш зарурлигини талаб этади. Эркин иқтисодий ҳудудларни ташкил этишда ва ундаги фаолиятларни самарали олиб боришда хориж мамлакатларининг тажриба ва усулларида унумли фойдаланиш ҳозирги куннинг муҳим масалаларидан бири ҳисобланади.

Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг таъкидлашича,



2017 йилда мамлакатимизда 12 та эркин иқтисодий ва 45 та саноат зонаси фаолияти йўлга қўйилди ҳамда бу ташкилий чоралар ҳудудларни жадал ривожлантириш имконини бермоқда. Яқин вақт ичида яна 50 та янги саноат зонасини ташкил этиш бўйича амалий ишлар олиб борилмоқда[1]. Мазкур иқтисодий ҳудудларни ташкил этиш ва уларнинг самарадорлигини оширишнинг нақадар долзарблик касб этишини англатади.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили

Тадқиқот мавзуси доирасида эркин иқтисодий, саноат ва тадбиркорлик зоналарини ташкил этиш масаласида қатор тадқиқотлар олиб борилган. Хусусан, мазкур соҳани ўрганишга дунёнинг етакчи иқтисодчи олимларидан О.А.Ахмадеева, О.В.Любова[2], О.Н.Беленов, Т. Ю.Смолянинова, Ю. В.Шурчкова[3], М.И.Беркович, Н.И.Антипинар[4], А.О.Егорова, С.Н.Кузнецова[5] катта ҳисса қўшган. Бу олимларни ишлари минтақа иқтисодиётини таҳлил этиш ва уларни ривожлантириш масалаларига ҳамда россия ҳудудларида индустриал парклари ва саноат паркларини ташкил этиш, молиялаштириш уларни ривожлантириш масалаларига қаратилган. Индустриал парклари ва саноат парклари ва зоналари ҳудудий жиҳатдан жуда катта булиб уларда йирик саноат корхоналарини жойлаштириш ва ривожлантириш муаммолари қаралади.

Хусусан, Россия иқтисодчи олимларидан Т.П.Данко[6] ва Ю.И.Кузнецов [7] ЭИХни «қулай инвестиция муҳитини яратиш учун ҳамда ишлаб чиқаришни, савдо-сотиқни, илмий фаолиятни рағбатлантирувчи омил, механизм», деб биладилар.

Ўзбекистонлик олимлар Н.Ғ.Каримов[8], Ш.А.Қорабоев, Г.А.Инамова[9] ва бошқалар тадқиқот олиб борганлар.

Хусусан, Ш.А.Қорабоев ва Г.А.Инамова[9] фикрича, эркин иқтисодий зоналарни муваффақиятли фаолият юритиши ҳамда Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантиришда уларни ҳаётга кенгроқ татбиқ этишда қуйидаги ҳолатларга алоҳида эътибор бериш керак:

- эркин иқтисодий зоналарни яратиш Ўзбекистоннинг ички ва ташқи сиёсати элементларидан бири ҳисобланади;
- эркин иқтисодий зоналарнинг барпо этилиши давлатнинг, минтақаларнинг, тадбиркорлик субъектларининг, аҳолининг қизиқишлари мутаносиблигига асосланган бўлиши, мақсади ва функциялари йўналтирилганлиги бўйича жавоб бера олиши керак.

Тадқиқот методологияси

Тадқиқот методологиясини танлашда унинг тўғри танланганлиги жуда муҳимдир, чунки тадқиқот методологияси ҳар қандай тадқиқотда доимо асосий ўринни эгаллайди. Нотўғри танланган тадқиқот методологияси бутун ишга зарар этказиши ва тадқиқот жараёнини секинлаштириши мумкин. Методологияни танлашда биз учта асосий жиҳатга амал қиламиз: тадқиқотимиз учун энг оқилона танлов нима, маълумотларни тўплашда қандай усуллардан фойдаланмоқчимиз ва қандай амалий саволларга жавоб топишимиз керак. Ўзбекистонда мазкур соҳанинг ҳуқуқий-норматив асослари тайёрлигини ўрганиб, олдимизга қўйган вазифамиздан келиб чиқиб, эмпирик ва назарий даражадаги усуллардан, яъни индукция, дедукция, таҳлил ва синтез, кузатув усулларидан фойдаланилади.

Таҳлил ва натижалар

Жаҳон амалиётига назар ташлайдиган бўлсак, Хитой эркин иқтисодий ҳудудлар барпо этиш орқали ўзининг иқтисодий салоҳиятини юқори нуқталарга кўтаришга эришган мамлакатлардан бири ҳисобланади. Эркин иқтисодий ҳудудларнинг самарали моделлари яратилиши Хитой иқтисодий тизимида туб ўзгаришларни юзага келтиргани ҳолда, мамлакатнинг жаҳон иқтисодиётида етакчи ўринни эгаллашига замин яратган.



1-жадвал

Хитойда “очиқ” иқтисодиётга ўтишга қаратилган ислохотлар хронологияси[10]

Давр	Ислохотлар
1949-1960 йиллар	Марказий режалаштирилган иқтисодий тизим даври
1970 йиллар	Социал бозор иқтисодиётига ўтишнинг бошланиши
1979	Шеньжен, Жухай ва Шаньтоуда учта МИЗларнинг ташкил этилиши
1980	Сиамеда МИЗнинг ташкил этилиши
1988	Хаинанда МИЗнинг ташкил этилиши
1997	Саноат марказлари ва ғарбий ҳудудларнинг инвестицион жозибadorлигини янада ошириш
1999	Мамлакат ғарбий минтақасини ривожлантириш стратегияси ишлаб чиқилди
2017	Хеbei МИЗ ташкил этилди

Хитойда эркин иқтисодий ҳудудлар фаолиятининг ривожланиши бевосита мамлакатда инвестицион фаолиятни жадаллаштириш, ички бозорни ҳимоя қилиш ва яратилаётган миллий маҳсулотнинг рақобатбардошлигини оширишга хизмат қилмоқда. Ҳозирги кунда, Хитойда эркин иқтисодий ҳудудларни ташкил этиш механизмида қўйидаги мақсадлар кўзда тутилади:

- хорижий инвестицияларни кенг жалб қилишга имкониятлар яратиш;
- хомашё импортини оширган ҳолда, экспортбоп тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш;
- мамлакат ҳудудида жойлашган мавжуд эркин иқтисодий ҳудудларнинг ўзаро алоқаларини ривожлантириш;
- ривожланишнинг паст тенденцияси мавжуд бўлган иқтисодий шартшароитда, юқори технологиялар асосида ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш;
- эркин иқтисодий ҳудудларда, шунингдек, улардан ташқари ҳудудларда меҳнат ресурслари бандлигини тўла таъминлаш;
- маҳаллий корхоналар фаолиятига тўсқинлик қилмаган ҳолда, экспорт қилишга қодир бўлган йирик компанияларни ўзида мужассам этган иқтисодий ҳудудларни ташкил этиш[10].

XX асрда Хитой иқтисодиёти ривожланишидаги энг муҳим хусусиятларидан бири - турли кўринишдаги эркин иқтисодий ҳудудларнинг барпо этилиши ҳисобланади. Чунки жаҳонда дастлаб, айнан, Хитойда эркин иқтисодий ҳудудларни ташкил этиш орқали иқтисодиётда таркибий туб ўзгаришлар амалга оширилди. Хитойда эркин иқтисодий ҳудудларнинг 1979-2000 йиллар оралиғида ривожланиши саккизта босқични ўз ичига олади[11].

Биринчи босқичда махсус иқтисодий ҳудудларнинг ташкил этилиши (1979-1981 йй.), дастлабки 4 та махсус эркин иқтисодий ҳудудлар Гонгконг, Макао ва Тайван яқинидаги географик ҳудудларни ҳисобга олган ҳолда, Фуцзянь ва Гуандун провинцияларида ташкил этилди. Ушбу махсус эркин иқтисодий ҳудудларда замонавий хорижий технологиялар, асбоб-ускуналар, халқаро капитални кенг жалб қилиш ва самарали бошқарув тажрибаларини ўзлаштириш мақсадида ҳамда иқтисодий имтиёзлар тақдим этилиши баробарида, Хитой очиқ иқтисодий сиёсатида асос солинди.

Иккинчи босқичда очиқ қирғоқбўйи шаҳарларининг ташкил этилиши (1984 й.), яъни махсус эркин иқтисодий ҳудудларни ташкил этиш тажрибасига асосланган ҳолда, саноат тармоқларини модернизациялаш ва хорижий инвестицияларни жалб этиш мақсадида, 14 та очиқ қирғоқбўйи шаҳарлари очилди. Тўртта махсус иқтисодий ҳудудлар ва очиқ қирғоқбўйи шаҳарлар билан биргаликда, Хитойнинг дастлабки эркин иқтисодий ҳудудларнинг чегаралари ташкил этилди.

Учинчи босқич очиқ қирғоқбўйи ҳудудларини ташкил этилиши (1985-1987 йй.) билан тавсифланади. 1985 йилда очиқ қирғоқбўйи ҳудуд Чангжин дарёси, Зужиан дельтаси, шунингдек, Циаме, Жангжу ва Гуангжоу шаҳарлари ўртасида очилган бўлса, 1987 йилда Лиандонг ва Шандонг ярим ороллари очиқ иқтисодий ҳудудларга айлантирилди.

Тўртинчи босқичда 1988 йилга келиб, катта очиқ қирғоқбўйи ҳудудлари ташкил этилган бўлиб, (1988 й.) очиқ қирғоқбўйи иқтисодий ҳудудлар кенгайтирилиб, Хангжоу, Нангжин ва Шенгян каби провинциал шаҳарларни ҳам ўз ичига олган, бир юз қирқта шаҳар ва



қишлоқлар қирғоқбўйи ҳудудига қўшиб юборилди. Натижада 1988 йилда ташкил этилган йирик қирғоқбўйи иқтисодий ҳудуд 160 млн. аҳолидан иборат 9 та провинция, 288 та шаҳар ва қишлоқларни ўз ичига олган эди.

Бешинчи босқичда Пудун янги иқтисодий ҳудудини ташкил этилган (1990 й.). Пудун янги иқтисодий ҳудудини ривожлантиришдан кўзланган асосий мақсад, Шангхай ва Чангжин дарёси водийсини тез суръатларда иқтисодий ривожланишига катта таъсир кўрсатиш эди. Ушбу босқичнинг ўзига хос хусусиятларидан бири - эркин иқтисодий ҳудудларнинг жанубий қирғоқбўйи ҳудудлардан шимол томонга ҳамда қирғоқбўйи ҳудудларидан ички ҳудудларга қараб кенгайишида эди.

Олтинчи босқич очик ички ва чегара ҳудудларининг ташкил этилиши билан бошланди (1992 й.). 1992 йилдан бошлаб, эркин иқтисодий ҳудудлар ички ва чегара ҳудудлари томон кенгайтирилди. Мамлакат ичидаги 19 та провинциал шаҳарлар, Чангжианг дарёси бўйидаги 5 та порт шаҳри ва чегара ҳудудларида жойлашган 13 та шаҳарни қамраб олувчи очик иқтисодий ҳудудларда хорижий инвесторлар учун кенг имтиёзлар берилди. Очик ички ва чегара ҳудудларида халқаро савдо муносабатлари жадал суръатларда ўсиши кузатилиб, замонавий технологияларга асосланган саноат парклари барпо этилди.

Еттинчи босқич чегара ўсувчи учбурчаклар ва буюк очик ҳудудларнинг ташкил этилиши билан тавсифланади (1993-1998 йй.). 1992 йилдан кейинги даврда, асосан, ички ҳудудлар ва чегара ўсувчи учбурчаклар ҳисобига эркин иқтисодий ҳудудларнинг кенгайиши кузатилди. 1992-1993 йилларда Хитой ва қўшни мамлакатлар расман Тумен дарёси ва Лангканг Мекон дарёсининг ўсувчи учбурчакларини тасдиқладилар.

Ва ниҳоят, саккизинчи босқичда Буюк Ғарбий ривожланиш доирасида эркин иқтисодий ҳудудлар ташкил этилиши (2000 й.), Хитойда ҳудудий тенгсизликни бартараф этиш, ёқилғи ва бошқа ресурслардан самарали фойдаланиш ҳамда барқарор иқтисодий ривожланишни сақлаб қолиш мақсадида ғарбий эркин иқтисодий ҳудудларни ривожлантириш бошланди.

Зеро, Тибетда эркин иқтисодий-техникавий ҳудудини ривожлантириш Буюк ғарбий эркин иқтисодий ҳудудларини ташкил этишнинг асосий йўналишларидан бири ҳисобланади[11].

Бугунги кунда Хитойда 6 та эркин иқтисодий ҳудудлар фаолият олиб бориб, улардан 4 таси мамлакатнинг Жануби-Шарқий қирғоқларида жойлашгандир:

Шанътоу эркин иқтисодий ҳудудида нефть-кимё, порт инфратузилмаси, кийим-кечак, оёқ-кийим, электроника маҳсулотлари ишлаб чиқариш соҳасида хорижий капитал иштирокидаги 3000 дан ортиқ лойиҳалар амалга оширилади. Иқтисодий ҳудудига жалб қилинаётган инвестицияларнинг 95 %и Гонконг, Тайван ва Сингапурга тегишлидир.

Шеньчжень эркин иқтисодий ҳудудида 17 500 тадан ортиқ корхоналар фаолият олиб бориб, жалб қилинаётган инвестицияларнинг 85 %дан ортиғи

Гонконг ҳиссасига тўғри келади. Хорижий инвестицияларнинг асосий қисми атом энергетикаси, электроника, машинасозлик, молиявий сектор ва юқори замонавий технологиялар соҳаларига кириб келмоқда.

Чжухаи эркин иқтисодий ҳудудида хорижий капитал иштирокидаги 4980 тадан ортиқ корхоналар фаолият юритмоқда. Хорижий инвестициялар хизмат кўрсатиш, оғир саноат, электроника, порт ва йўл қурилиши соҳаларига жалб қилиниб, уларнинг 80 %и Гонконг, Макао, Тайвань ва Сингапур ҳиссасига тўғри келади.

Сяминь эркин иқтисодий ҳудудида хорижий капитал иштирокидаги 4150 дан ортиқ корхоналар фаолият юритиб, жалб қилинган инвестицияларнинг 80%и Тайвань ҳиссасига тўғри келади. Электроника, текстиль, озиқ-овқат саноати ва кимё саноати инвестициялашнинг асосий соҳалари ҳисобланади.

Хаинань эркин иқтисодий ҳудудида 7320 тадан ортиқ корхоналар фаолият олиб бориб, хорижий инвестицияларнинг умумий ҳажми 22,3 млрд. АҚШ долл.ни ташкил этади[10].

Жаҳон иқтисодиётида етакчи ўринга эга бўлган Хитойда ҳам эркин иқтисодий ҳудудлар фаолиятида ўзига хос камчиликлар йўқ эмас. Бундай камчиликлар таркибига эркин иқтисодий ҳудудларни ташкил этилишининг асосий мақсади ҳисобланган, саноат ишлаб чиқариш корхоналарини мамлакатнинг ривожланган ҳудудларидан ривожланиш даражаси паст ҳудудларга ўтказилиши, ишчиларни иш билан таъминлаш, маҳсулот ишлаб чиқаришда халқаро андозаларга тўла риоя этишни таъминлаш муаммолари тўлиқлигича ҳал этилмаганлиги ҳисобланади. Шу боисдан, эркин иқтисодий ҳудудларни ташкил этишда шошилмасдан пухта ўйланган усулларга таянган ҳолда фаолият юритиш талаб этилади.



Чунки узоқ муддатли дастурларнинг қандай унум билан ишлашини олдиндан башорат қилиш қийин.

Хулоса

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, Хитойнинг бугунги кундаги иқтисодий ривожланишида эркин иқтисодий ҳудудларнинг самарали фаолияти муҳим ўрин эгаллайди. Уларга кўп миқдорда хорижий инвестициялар ва замонавий технологияларнинг кириб келиши мамлакат иқтисодий фаровонлик даражасининг юқори ва барқарор бўлишини таъминламоқда. Тадқиқотлар натижасида ўрганилган тажрибалардан республикада эркин-иқтисодий ҳудудларни ташкил этишда фойдаланиш, айниқса, солиқ ва божхона имтиёзларини шакллантириш ҳамда инфратузилмани таъминлашда Хитой тажрибасидан фойдаланиш муҳим аҳамият касб этади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси, 2020 йил 24 январь.
2. Ахмадеева О. А., Любова О. В. (2013) Индустриальные парки как основа развития регионов на примере Чистопольского муниципального района Республики Татарстан // Стратегия устойчивого развития регионов России. № 18. С. 8-20.
3. Беленов О. Н., Смольянинова Т. Ю., Шурчкова Ю. В. (2013) Индустриальные парки: сущность и основные характеристики // Региональная экономика и управление. Электронный научный журнал. № 1 (33). С. 66-76.
4. Беркович М.И., Антипина Н.И. (2013) Особенности и классификация
5. индустриальных парков: региональный аспект // Вестник Костромского
6. государственного технологического университета. № 1 (3). С. 25-28.
7. Егорова А. О., Кузнецова С. Н. (2016) Промышленные парки как платформа для развития человеческого и финансового капитала // Научное обозрение. № 18. С. 138-141.
8. Данько Т.П. (1998) Свободные экономические зоны в мировом хозяйстве. – М.: «ИНФРА-М» – С. 31.
9. Кузнецов Ю.И. (1998) Свободные зоны и национальная экономика. М.: Дрофа, 199 с.
10. Каримов Н. Ғ. (2016) Ўзбекистонда қулай инвестицион муҳитни шакллантириш орқали инвестицион жозибадорликни ошириш истикболлари. “Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журнали. № 5
11. Қорабоев Ш.А., Инамова Г.А. (2018) Эркин иқтисодий зоналар фаолиятини ривожлантириш масалалари. “Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журна-ли. № 1, январь-февраль
12. Чао В. (2013) Особенности экономического роста СЭЗ Китая. Экономика и управле-ние. №2. 68 с.
13. Шухунь Г. (2013) Эволюция развития свободных экономических зон в Китае. Журнал Европейской экономики. Том 11 (№2). С.201-202



ХОРИЖ АМАЛИЁТИДА ХУДУДЛАРНИ ОБОДОНЛАШТИРИШ ВА РИВОЖЛАНТИРИШ БЎЙИЧА МАҲАЛЛИЙ БЮДЖЕТЛАРНИНГ ХАРАЖАТЛАРИ САМАРАДОРЛИГИ ТАЪМИНЛАШ

Джаббаров Азизбек Ядгарович
Банк-молия академияси талабаси

Аннотация. Мазкур тезисда ҳудудларни ободонлаштириш ва ривожлантириш фаолиятини молиялаштиришнинг асосий манбаи сифатида маҳаллий бюджет харажатларини самарали бошқариш ва режалаштириш амалиёти билан яқиндан танишиб чиқилган.

Калит сўзлар: *маҳаллий бюджет, бюджет ижроси, бюджет тақчиллиги, йиллик смета, бюджет сўрови, натижага йўналтирилган бюджет*

Давлат бюджетининг таркибий қисми бўлган маҳаллий бюджетларнинг шакллантириш ва ижро этиш жараёнида мавжуд муаммо ва камчиликлар, уларни ҳал этиш масалалари, маҳаллий бюджет харажатларини тўғри режалаштириш, улардан оқилона фойдаланишнинг асосий йўналишларини аниқлаш ва бу йўналишларда ажратилган маблағларни самарали харажати амалга ошириш муҳим ўрин тутди.

Бюджет харажатлари самарадорлигини оширишнинг шартномавий модели Канада, Буюк Британия, Австралия, Янги Зеландия, ЖАР давлатларига хос ҳисобланади. Янги Зеландияда, мисол учун, вазирликлар ва улар қарамоғида бўлган ташкилотлар ўртасидаги шартномавий тизим қўлланилади. Ушбу тизимнинг мазмун-моҳияти қўйидагилар:

1. Давлат белгиланган (маълум) даврдаги ривожланишнинг асосий устувор йўналишларидан хабардор қилади.

2. Бюджет ташкилотлари ўзларининг имконият даражаларини маълум қиладилар (таълим муассасаси қанча таълим олувчи, тарбияланувчи, ўқувчи, талаба қабул қилаолиши мумкин).

3. Давлат ўзи томонидан қанча молиялаштиришга тайёр эканлигини маълум қилади.

Ҳар бир вазирлик натижаларни аниқ белгилаб беради, яъни қарамоғидаги ташкилотлар қандай даража бюджет хизматлари кўрсатишга эришишлари лозим. Ташкилотлар ҳам ўз навбатида бюджет харажатларини амалга оширишда белгиланган эркинликларга (чекловларсиз)га эга бўладилар, бироқ қўйилган натижага эришиш учун жавобгар бўладилар. Вазирликга қарашли бўлган ташкилотлар олдиндан келишилган натижага эришиш даражаси васарфланган молиявий ресурслар тўғрисида ҳисобот топширадилар. Вазирликлар топширилган ҳисоботлар асосида қарамоғидаги ташкилот билан келгусида ушбу шартномани давом эттиришни, бекор қилишни ёки бошқа давлат ташкилоти ёки тижорат ташкилотлари билан янги шартнома имзолашни ҳал қиладилар. Бундай тизим рақобатбардошликни ва бюджет маблағларидан самарали фойдаланишга имкон яратади.¹

Австралияда натижага йўналтирилган бюджетлаштиришга асосланган бюджет жараёни ислохотлари 20 йилдан кўпроқ олдин бошланган. Ҳукумат томонидан бюджет лойиҳасини тайёрлашда жамият аҳамиятига эга бўлган пировард натижа, яъни ҳар бир аниқ соҳалар, ижтимоий, иқтисодий, миллий хавфсизлик соҳалар бўйича пировард натижага эришиш белгиланди. Парламент ушбу натижаларга эришиш учун зарур бўлган маблағни ажратишни тасдиқлайди.

Австралияда бюджет дастурларини баҳолашда бошқа мамлакатларга қараганда тўлиқ ва тизимли баҳолаш, яъни натижалар тўғрисидаги маълумот бюджетни тартибга солувчи ва қарор қабул қилишга асос бўлиб амал қилади. Қайд этиш лозимки, натижа кўрсаткичлари ва молиялаштириш ўртасида алоқа мавжуд: тармоқ вазирликлар белгиланган дастурларга бюджет маблағлари ва натижавийликни аниқ мақсадли кўрсаткичларини оладилар.

Австралияда натижа кўрсаткичлари иккига микдор (quantitative) васифат (qualitative), яъни микдор жихатдан баҳолаш мумкин бўлган ёки жамоат ва экспертлар фикри асосидасифат томонини баҳолашга ажратилган.²

1 Румянцев Е.Е. Новая экономическая энциклопедия.— М.: ИНФРА - М, 2005.— 692 с.

2 Шахмалов Ф.И. Теория государственного управления.— М.: ЗАО «Издательство «Экономика», 2002.— 562 с.



Жамиятнинг талабларига жавоб бераоладиган самарали ва рақобатбардош давлат бошқарувини яратиш, бюджет харажатлари самарадорлигини ошириш мақсадида Қозоғистонда 2007 йил № 1297 Президент қароригаасосан “Натижага йўналтирилган давлат режалаштириш тизимини жорий этиш Концепцияси” тасдиқланди. Жаҳоннинг кўпгина давлатларида бюджет харажатларини оптималлаштиришда кўрсатилаётган бюджет хизматлари сифатини ва давлат ва маҳаллий ҳокимиятлар фаолият натижаларини баҳолашда жамоат назоратидан кенг фойдаланиб келинмоқда.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Шахмалов Ф.И. Теория государственного управления.— М.: ЗАО «Издательство «Экономика», 2002. — 562 с.
2. Румянцева Е.Е. Новая экономическая энциклопедия.— М.: ИНФРА - М, 2005.— 692 с.



ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ ФАОЛИЯТИДА РАҚАМЛИ ТРАНСФОРМАЦИЯНИ АМАЛГА ОШИРИШ МАСАЛАЛАРИ

Жабборов Бахриддин Рашидович

Банк-молия академияси талабаси

Аннотация: Мазкур илмий тезисда муаллифнинг тижорат банкларида рақамли трансформацияни амалга ошириш долзарблиги, рақамли технологияларнинг банк фаолиятини ривожлантиришга аҳамияти борасидаги шахсий фикр ҳамда мулоҳазалари келтириб ўтилган. Шунингдек, сўнги йилларда рақамли банк хизматлари бозорида рўй берган тенденциялар билан яқиндан таништириб ўтилган.

Калит сўзлар: рақамлаштириш, рақамли банк, трансформация, рақамли технологиялар, масофавий банк хизматлари

Ҳозирги кунда рақамли технологиялар инсонлар турмуш-тарзининг ажралмас қисмига айланиб улгурди. Уларнинг аҳамияти янги босқичга кўтарилди ва қамров кўлами сезиларли равишда ортиб борди. Буни одамлар ҳар қачонгидан ҳам кўпроқ вақтини интернетда ўтказаятганлигида ҳам кўриш мумкин. Дунё бўйлаб интернетдан фойдаланувчиларнинг сони 4,54 миллиардга етди, мазкур кўрсаткич 2019 йилга нисбатан 7,0 фоизга (яъни, 298 миллион) ошди. Глобал даражада 2020 йилга келиб 3,80 миллиард ижтимоий тармоқ фойдаланувчиси мавжудлиги статистик маълумотлардан аниқланган бўлиб, бу ўтган йилга нисбатан 9 фоиздан кўпроқ (321 миллион) экан. Шунингдек, дунёда 5,19 миллиарддан ортиқ киши мобил телефонлардан фойдаланади ва фойдаланувчилар сони ўтган йил давомида 124 миллионга (2,4 фоиз) ўсди[1].

Рақамли технологиялар кўплаб молиявий тўсикларни бартараф этишга ёрдам бермоқда. Бу эса мижозлар учун янги молиявий хизматларни қулай нархларда таклиф қилиш имконини берди. Ахборот технологияларидаги сўнги ўзгаришлар мутлақо янги хизмат тушунчаси ва муҳитини яратди, бу эса одамларнинг хизматларни сотиб олиш ҳамда сотиш усулларини ўзгартирди.

Крис Скиннер ўзининг "Банк соҳаси истиқболлари" китобида айтганидек: бўлажак банк соҳаси электрон операциялар орқали расмийлаштирилган виртуал молиявий муносабатларга асосланган рақамли бозордир. Бинобарин, банк соҳасида рақамли технологиялар нафақат янги имкониятлар очадиган, балки унинг ажралмас ҳаётий таркибий қисмига айланивчи муҳим компонент саналади; Бу бир вақтнинг ўзида унинг устунлиги, ҳам заифлиги саналади. Устунлиги молиявий секторнинг технологиядан фойдаланиш, жорий этиш ва қўллаб-қувватлаш қобилиятида бўлса, камчилиги эски операциялар ҳамда инфратузилмалардан тўлиқ электрон бизнесга ўтиш муаммосидалиги билан характерланади[2].

Рақамлаштириш банкларга мижознинг ахборотларини қайта ишлаш жараёнларини макон ҳамда замоннинг таъсирини инобатга олмаган ҳолда тезлаштириш, ривожлантириш учун янги имкониятларни очишга ёрдам беради. Телефон (T-banking), интернет (e-banking) ва мобиль (m-banking) банкинг каби рақамли банкинг каналларининг пайдо бўлиши мижозларнинг хизматлардан фойдаланиш усулларини ўзгартириб, анъанавий банк хизматларини сиқиб чиқаришга олиб келади. Жабоноун ва Ал-Тамаи (2003) шунингдек, банклар оммавий мижоз учун катта хизмат кўрсатиш майдонини таъминлашга бўлган эҳтиёжнинг юзага келишининг олдини олади, чунки мижоз рақамли платформалар орқали керакли хизматлардан банкга ташриф буюрмасдан фойдаланиш имкониятига эга бўлади [3].

Ўзбекистон амалиётида “рақамли банк” атамаси илк марта Марказий Банк Бошқарувининг 2018 йилда “Банкларни рўйхатга олиш ва фаолиятини лицензиялаш тартиби”га ўзгартишлар киритиш тўғрисида”ги қарорида киритилди. Мазкур ҳужжатга кўра “рақамли банк” - инновацион технологиялар ёрдамида масофадан туриб банк хизматларини кўрсатувчи банк ёки унинг таркибий бўлинмасига нисбатан қўлланилиши кўрсатиб ўтилган. Хусусан, инновацион банк технологиялари орқали масофавий банк хизматлари кўрсатишни такомиллаштириш Марказий банкнинг асосий вазифаларидан бири сифатида белгилаб олинди [4].

Таъкидлаб ўтиш керакки, 2020 йилга қадар Ўзбекистонда банкларни рақамлаштириш даражаси паст бўлган ва мамлакатимизда битта ҳам тўлиқ рақамли банк мавжуд эмас эди.



2020 йил январь ойида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Грузиянинг ТБС Банкига Тошкент шаҳрида ўз шўъбасини очиш учун дастлабки рухсатнома берди ҳамда апрель ойида эса ТБС Банк акциядорлик тижорат банки банк фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқи учун лицензия олди. Шунингдек, 2020 йил март ойида Марказий банкнинг Банк назорати кўмитаси Тошкент шаҳрида “Анор Банк” рақамли банкни ташкил этиш учун дастлабки рухсатнома беришга қарор қилди.

Қисқа вақт ичида банклар фаолиятини рақамлаштириш инқилоб даражасида ижобий тенденцияларга эришди. Ҳозирги кунда мижозлар мобил телефон орқали товарлар учун тўловни иловани босиш орқали тўлаши ёки банк балансини текшириши одатий ҳолга айланиб улгурди. Илғор технологиялар мижозларнинг эҳтиёжларини ўзгартиришига, янада мураккаб амалиётларни ҳам масофавий каналлар оқрали амалга оширишга бўлган талабларини шакллантиришга олиб келди.

“Best Bank Awards 2020” танлови доирасида Asiamoney бизнес нашри “Агробанк”ни “Ўзбекистондаги энг яхши рақамли банк” деб тан олди. Ҳозирда Агробанк томонидан 260 000 га яқин мижозлари унинг мобил иловасидан, 52 118 таси эса бизнес-иловасидан фойдаланмоқда, бу эса уларга онлайн тарзда мурожаат қилиш ҳамда кредит олиш имконини беради. Агробанк амалиётида банк микрокредитларини бир неча дақиқада тасдиқлаши имкони яратилганлиги эътирофга лойиқдир. Бунда банк томонидан кўп каналли рақамли банк платформасини ишлаб чиқиб, унга кредит скоринг дастурини жорий қилди, шу билан бирга, ўз мижозлари учун электрон савдо майдончасини ишга туширди.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, рақамли банкнинг асосий вазифаси мижоз билан кун давомида 24/7 режимда унинг молиявий эҳтиёжлари, истаклари, орзулари ва фикрларига ҳамроҳ бўлишдир. Ижтимоий яқкаланиш бугунги пандемия шароитида одатий ҳолга айланди. COVID-19 пандемияси бутун дунё бўйлаб барча бозорлар ва тармоқларга, шунингдек, кундалик ҳаётга таъсир кўрсатди. Бироқ, ушбу рақамли дунёда пул оқими коронавируснинг тарқалиши ёки турли тўсиқлар шароитида тўхтаб қолмайди. Бу ижобий устунликлар рақамли технологияларга бўлган эҳтиёжнинг жадал суръатлар билан ўсиб боришига ижобий таъсир кўрсатмоқда.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Digital 2020. Global digital yearbook. Essential digital data for every country in the world. [Электронный ресурс]. URL: <https://wearesocial.com/global-digital-report-2020>. (дата обращения: 02.05.2020)
2. Скиннер К. Будущее банкинга / К. Скиннер. Предисловие. – 2007.
3. Jabnoun, N. Измерение воспринимаемого качества обслуживания в коммерческих банках ОАЭ // Международный журнал торговли и менеджмента, Vol. 13 № 2, с. 29-53.
4. Постановление Правления Центрального банка Республики Узбекистан. «О внесении изменений и дополнения в положение о порядке регистрации и лицензирования деятельности банков». [Зарегистрировано Министерством юстиции Республики Узбекистан 31 июля 2018 г. Регистрационный № 2014-13].




ТИЖОРАТ БАНКЛАРИНИНГ РАҚАМЛИ ФИЛИАЛЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ МАСАЛАЛАРИ

Бўриев Динар Ботиржонович
Банк-молия академияси талабаси

Аннотация. Мазкур тезисда тижорат банклари филиалларининг виртуаллашуви, рақамли банк технологиялари асосида банк хизматларини кўрсатишда сунъий интеллектдан фойдаланиш амалиёти билан яқиндан таништириб ўтилган.

Калит сўзлар: рақамлаштириш, рақамли молиявий хизматлар, масофавий банк хизматлари, *m-banking*, банк маҳсулотлари, инновация, трансформация

Банк филиали - биз билганимиздек - деразалар ортида кассалар ва иш столи компьютерлари ўрнатилган кабиналарда терлаб-пишиб ишлаётган оқ бўйинбоқ бойлаган банк ходимлари ишловчи ҳудуд сифатида қараладиган бир пайтда, замонавий технологиялар унга бўлган тасаввурни буткул ўзгартириш имконини яратмоқда. Бунинг натижасида банк филиалини молиявий технологиялар ёрдамида қайта ихтиро қилиниши керак. Аксарият мижозлар энди чўнтаклариди смартфон кўринишида банк олиб юрадилар ва фақат нақд пул олиш ёки баъзан маслаҳат олиш учун ҳақиқий филиалга ташриф буюришади.



1-расм. АҚШ банклари филиаллари ва бўлимларининг ёш гуруҳлари бўйича оммабо-
плиги (фоизда)

Глобал миқёсда молия институтлари филиаллар орқали амалга оширилган транзакция миқдори қараганда онлайн амалга оширилган транзакциялар миқдори ортиб бормоқда. 2000 йилларнинг охиридаги молиявий инқироздан бери АҚШнинг 10 000 дан ортиқ банк филиаллари ёпилди, бу кунига ўртача учта филиал ёпилганлигини англатади.¹

Жисмоний шахслар билан интернет ва уяли алоқа орқали тўғридан-тўғри ўзаро алоқа каналларини такомиллаштириш филиаллар ва банклар филиаллари орқали амалга оширилган битимларнинг сонини кўпайтирди. АҚШда ўтказилган тадқиқот шуни кўрсатадики, 18 ёшдан 54 ёшгача бўлган шахслар банклар билан алоқа қилишнинг янги усулларига ўтишга катта қизиқиш билдирмоқда (1-расм).

Интернетдан фойдаланувчилар сони тобора кўпайиб бормоқда. Смартфонлар ва бошқа замонавий алоқа воситаларининг тарқалиши турли банклар ва жисмоний шахслар ўртасидаги масофани иложи борица камайтирди, улар ўзаро ахборот алмашинувининг ҳажми ва интенсивлигини бир неча маротаба ошириб, энг янги технологияларни чакана савдо-сотиқнинг асосий ва истикболли каналига айлантирмоқда.²

Кредит ташкилотларининг сотувларининг самарадорлигини оширишдаги ролининг ўзгариши, филиал ва бўлимларнинг жойлашуви ва дизайни, қўлланилаётган чакана банк

¹ McKinsey&Company. A bank branch for the digital age. Global Banking Practice July 2018, Copyright © McKinsey& Company. www.mckinsey.com/client-service/financial_services

² Danny Tang. Branch Transformation in the Digital Era, Copyright IBM Corporation 2018



хизматларини сотиш ва маслаҳатли хизмат кўрсатиш технологиялари, ходимларнинг малакаси каби жиҳатларни ўз ичига олади. Филиал ва бўлимлар тармоғини ўзгартириш банклар учун маълум муаммолар келтириб чиқаради”, аммо улар жисмоний шахслар билан имкон қадар самарали ўзаро алоқани ташкиллаштириш учун тузилмавий ўзгартириш (реструктуризация) ни амалга оширишга мажбур.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, рақамли банкнинг асосий вазифаси мижоз билан кун давомида 24/7 режимда унинг молиявий эҳтиёжлари, истаклари, орзулари ва фикрларига ҳамроҳ бўлишдир. Ижтимоий яккаланиш бугунги пандемия шароитида одатий ҳолга айланди. COVID-19 пандемияси бутун дунё бўйлаб барча бозорлар ва тармоқларга, шунингдек, кундалик ҳаётга таъсир кўрсатди. Бироқ, ушбу рақамли дунёда пул оқими коронавируснинг тарқалиши ёки турли тўсиқлар шароитида тўхтаб қолмайди. Бу ижобий устунликлар рақамли технологияларга бўлган эҳтиёжнинг жадал суръатлар билан ўсиб боришига ижобий таъсир кўрсатмоқда.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. McKinsey&Company. A bank branch for the digital age. Global Banking Practice July 2018, Copyright © McKinsey& Company. www.mckinsey.com/clientservice/financial_services
2. Danny Tang. Branch Transformation in the Digital Era, Copyright IBM Corporation 2018



КАПИТАЛ БОЗОРИ ВА УНИНГ АСОСИЙ ВАЗИФАЛАРИ

Шухратов Достонбек Элшодбек ўғли
Банк-молия академияси талабаси

Аннотация. Мазкур илмий мақолада капитал бозорининг хусусиятлари, унинг мамлакат молия тизимининг муҳим дастакларидан бири сифатидаги ўрни ва аҳамияти борасида муаллифнинг фикр-мулоҳазалари келтириб ўтилган. Шунингдек, капитал бозори, унинг таснифланиши ҳамда бозор объектлари ҳамда предмети борасида молия-иқтисод йўналишида изланиш олиб борга олимларнинг фикр ҳамда мулоҳазаларидан иқтибослар келтирилган.

Калит сўзлар: капитал бозори, фонд бозори, қимматли қоғозлар бозори, опцион, варант, акция, облигация, давлат облигациялари, қарз қимматли қоғозлари

Ҳозирги вақтда Ўзбекистон иқтисодиётининг янада кучли, барқарор ва мутаносиб ривожланган ҳолда майдонга чиқиши, жаҳон бозорида мустақкам ўрин эгаллаши, халқимизнинг ҳаёт даражаси ва фаровонлигини ошириш бўйича жиддий иш олиб борилмоқда.

Мазкур олиб борилаётган ислохотлар капитал бозорини ҳам четлаб ўтаётгани йўқ. Президент Ш.Мирзиёев ўз маърузасида капитал бозорини ривожлантириш ҳақида қуйидаги фикрларни билдириб ўтади: “Яна бир муҳим масала – юртимизда фонд бозори, фонд биржасини янада ривожлантириш учун Қимматли қоғозлар бозорини мувофиқлаштириш ва ривожлантириш маркази ишини тубдан қайта ташкил этиш лозим”¹.

Бунда капитал бозорининг ўрни бекиёс. Капитал бозори – ҳукумат, юридик ва жисмоний шахсларнинг қимматли қоғозларни чиқариш, жойлаштириш ҳамда уларнинг муомаласи билан боғлиқ муносабатлари тизими. Ҳар қандай бозор маконини икки қутбга бўлиш мумкин. Улардан бирида капитал етказиб берувчилар – бўш пул маблағларига эга бўлган ва уларни сақлаш ҳамда кўпайтиришни истовчи юридик ва жисмоний шахслар, шунингдек, давлат туради. Иккинчисида эса – янги ишлаб чиқаришни бошлаш, ишлар, хизматлар кўрсатиш ёки ишлаб турган қувватларни замоналаштириш, кенгайтириш, қайта таъмирлаш учун зарур бўлган бошланғич ёки қўшимча капиталга муҳтож бўлган бозор субъектлари туради.

Капитал бозорининг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

Сафарбарлик. Эмитентлар учун қўшимча маблағларни сафарбар этиш имкониятини беради. Қимматли қоғозлар бозорининг асосий фазилати шундаки, ҳар бирини алоҳида олганда кичик маблағ сарфлаш ниятида бўлган, лекин кўп сонли сармоя эгаларини жалб қилишга, яъни коллектив инвестиция қилиш схемаларини қўллаш имкониятини беради.

Жамғариш. Жамғарманинг ўсишини таъминлайди (жисмоний ва ҳуқуқий шахслар). Қимматли қоғозлар кам деганда даромад келтирадиган сармоя қўйиш усули бўлмоғи лозим.

Қайта тақсимлаш. Инвесторларнинг бўш молиявий ресурслари иқтисодиётнинг рақобатбардош тармоқларига қайта тақсимлайди.

Суғурталаш. Бозор иқтисодиёти субъектларини корхоналарнинг турли хил таваккалчиликларидан суғурталанишини таъминлайди.

Мулкий ҳуқуқ. Мулкий ҳуқуқ муносабатлари. Одатда инвесторлар ўзлари пул қўяётган бизнесни ичкаридан назорат қилишни маъқул кўрадилар.

Даромад келтириш. Қимматли қоғозлар эгаларига курсдаги фарқ эвасига даромад олиш имкониятини беради.

Ҳисоблашиш (тўлов). Бозор субъектлари ўртасидаги ўзаро ҳисоб-китобларда тўлов воситаси (вексел). Бундан ташқари, биржада котировка қилинувчи юқори ликвидли активлар, инвестор томонидан янги корхона устав фондига улуш бадалига берилганда қўшимча баҳолашсиз қабул қилиниб олинади.

Гаров (кафолат). Кредит ва бошқа молиявий ресурсларни олиш учун гаров ёки кафолат воситаси. Қимматли қоғозлар гаров воситаси сифатида жуда қулайдир. Кўчмас мулк гаровга қўйилганда уни баҳолаш ва унинг ҳолатини аниқлаш узоқ вақт талаб қилинадиган тартибот

¹ Мирзиёев Ш.М. «Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз» Т.: Ўзбекистон, Б22, 2017 йил



бўлиб, мулк мулкдор зиёнига баҳоланиши мумкин.¹

Инновация. Қимматли қоғозлар бозор субъектларининг инновация фаоллигини оширади. Қимматли қоғозлар бозорида мустаҳкам обрўга эга бўлган компаниялар учун инновация фаолиятини молиялаштириш деярли муаммо эмас.

Конъюктура. У ёки бу хўжалик субъектининг ёки бир бутун тармоқнинг ҳолати ёки рейтингини объектив баҳолаш имконияти.

Индикаторлик. Қимматли қоғозлар иқтисодий ўсишнинг индикатори сифатида баҳоланади.

Тартибга солиш. Капиталнинг бир тармоқдан иккинчи тармоққа оқиб ўтиши, шунингдек мулккий муносабатларнинг қайта тақсимланиши.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Атаниязов Ж., Алимардонов Э. «Халқаро молия муносабатлари» – дарслик – Т.: Ўзбекистон файлсуфлари джамийати нашриёти, 2014, 433 б.

2. Д.Р. Вахитов, Г.Н. Белицкая, Г.Т. Гафурова “Финансы” учебно-практическое пособие. – Казань, Институт экономики, управления и права, 2013г, 158 стр.

¹ Бегматов А.С., Хамидулин М.Б., Бўтабоев М.Ш. Корпоратив маданият ва корпоратив бошқарув.- Т: «Академия» нашриёти, 224 б.



ДАВЛАТ ИНВЕСТИЦИЯ ХАРАЖАТЛАРИ САМАРАДОРЛИГИ БАҲОЛАШ ТАМОИЛЛАРИ

Файзиллаев Жохонгир Дилшод ўғли
Банк-молия академияси талабаси

Аннотация. Мазкур тезисда давлат инвестиция дастурлари самарадорлигини баҳолаш усулбёти билан яқиндан танишиб ўтилган. Бунда ҳар бир усулнинг ўзига хос хусусиятлари, инвестицион лойиҳа самарадорлигини баҳолашдаги афзалликлари ва камчиликларига алоҳида тўхталиб ўтилган.

Калит сўзлар: инвестиция, инвестицион лойиҳа, рентабеллик, лойиҳа эксплуатацияси, инвестицион портфель, самарадорлик тамойиллари

Ижтимоий аҳамиятдаги кўрсаткичларнинг ўзгаришлари кўриб чиқилганда биз тамомила бошқача вазиятга тушиб қоламиз. Мисол учун, лойиҳа амалга оширилиши натижасида экология бузилиши самарасини янги иш ўринлари яратилиши самарасини солиштириш жуда қийин.

Инвестиция лойиҳалари самарадорлигини баҳолашнинг уч тойифага ажратилувчи маълум бир умумий тамойиллари мавжуд:

1-жадвал

Инвестициялар самарадорлигини баҳолаш тамойиллари¹

Методологик	Методик	Операцион
1. Ижтимоий йўл қўйиш мумкинлиги 2. Тизимлик 3. Комплекслик 4. Адекватлик 5. Ресурсларнинг ҳақ асосида олиниши 6. Самаранинг манфий бўлмаслиги ва максималлиги 7. Солиштириш мумкинлиги 8. Фойда келтириш 9. Лойиҳанинг турли иштирокчилари мавжудлиги ва улар манфаатларини мувофиқлаштириш 10. Усулларнинг рад қилиб бўлинмаслиги	1. “Лойиҳа билан” ва “лойиҳасиз” вазиятларни таққослаш 2. Уникаллик 3. Ўлчамлик 4. Субоптимизация 5. Ўтмишнинг бошқарилмаслиги 6. Динамик ўзгарувчанлик 7. Пулнинг вақтий қиммати 8. Ахборотнинг нотўлиқлиги 9. Капитал тузилмаси 10. Кўп валюталик	1. Кўрсаткичларнинг ўзаро боғлиқ бўлиши 2. Моделлаштириш 3. Лойиҳани амалга оширишнинг ташкилий-иқтисодий механизми 4. Лойиҳанинг кўп босқичлилиги 5. Ахборотнинг аҳамияти 6. Давлат сиёсати билан боғланганлиги 7. Ахборотий мувофиқлаштирилганлик 8. Услубий мувофиқлаштирилганлик 9. Симплификация 10. Баҳолаш тартиботларининг универсаллаштирилиши

Кўп ҳолларда лойиҳа самарадорлигини баҳолаш икки босқичда ўтади:

1. лойиҳанинг умумий баҳоланиши (лойиҳани ишлаб чиқишни давом эттириш керакми?);

2. лойиҳа самарадорлигининг аниқ баҳоланиши.

Капитал қурилиш бўйича лойиҳаларнинг ижтимоий-иқтисодий асосланиши соф иқтисодий мақсадга мувофиқлигидан ташқари, яна қуйидаги кесимларда ҳам лойиҳанинг амалга оширилиши оқибатлари баҳоланиши лозим:

- янги логистик имкониятларнинг пайдо бўлиши билан боғлиқ равишда товар ва хизматлар бозорининг кенгайиши сабабли маркетинг вазиятининг ўзгариши;

- қуриладиган йўл ёқасида ёки объект яқин атрофида доимий истиқомат қиладиган аҳолининг манфаатларига лойиҳанинг бевосита таъсири билан боғлиқ ижтимоий жиҳат;

- давлат аҳамиятига эга объект жойлашган локал ҳудудлар ривожланиши эҳтиёжларига марказий ҳокимият органларини эътибори ошиши билан боғлиқ институционал самара;

- қурилиш объекти билан боғлиқ равишда вужудга келтириладиган коммуникациялар, алоқа воситалари, темир йўллар ёки тезкор автойўллар қурилиши ҳудудларида умумий коммуникацион тармоқларининг такомиллаштирилишидан маҳаллий аҳоли оладиган ижобий

¹ Максимова В.Ф. Инвестиционный менеджмент: Учебно-практическое пособие. – М.: Изд. центр ЕАОИ., 2007. – 214 с.



самара билан боғлиқ инфратузилмавий самара;

- лойиҳа бўйича объектлар қурилиш ҳудудида атроф-муҳитга етказилиши мумкин бўлган зарар эҳтимоли юқори бўлган ҳолда экологик шароитга тузатиб бўлмас ўзгаришларнинг экологик таҳлили;

- ижтимоий-жамоатчиқ аҳамиятига эга бошқа эффектлар.¹

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, инвестициявий лойиҳалаштириш амалиётида лойиҳаларнинг ижтимоий-иқтисодий самарадорлигини асослашни ўтказишга имкон берадиган ҳамма тан олувчи усуллар ва критериял баҳолаш тизимлари мавжуд эмас. Лойиҳаларнинг ижтимоий-иқтисодий асосланиши услубиётининг нисбатан ривожланмай қолганига кўп ҳолларда ижтимоий самарадорлик иқтисодий самарадорлик билан ихтилофга кирар экан.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Максимова В.Ф. Инвестиционный менеджмент: Учебно-практическое пособие. – М.: Изд. центр ЕАОИ., 2007. – 214 с.

2. Маршал В. Мейер. «Оценка эффективности бизнеса». Учебник. -М.: Вершина, 2006-562 стр.

¹ Маршал В. Мейер. «Оценка эффективности бизнеса». Учебник. -М.: Вершина, 2006-562 стр.



ЗЕЛЕНЫЙ БАНКИНГ – НОВОЕ НАПРАВЛЕНИЕ БАНКОВСКОГО БИЗНЕСА

Зилола Абдумажитова

Магистрант Банковско-финансового Академии

Аннотация. В данном тезисе подчеркивается социальная актуальность и важность внедрения модели зеленого банкинга. Также представлены мнения и комментарии, высказанные в предыдущих исследованиях, и взгляды автора на будущее данной банковской модели в Узбекистане.

Калит сўзлар: *социальная эффективность, «зеленая» экономика, «зеленые» кредиты, продовольственная безопасность*

На сегодняшний день в Узбекистане в банковскую систему внедряется зеленое финансирование. В соответствии с постановлением Президента «Об утверждении Стратегии по переходу Республики Узбекистан на «зеленую» экономику на период 2019—2030 годов» от 4 октября 2019 года разработана стратегия. В ней определены задачи по привлечению инвестиций и внедрению системы «зеленого» кредитования, активизации частного сектора в финансировании проектов, обеспечивающих переход к «зеленой» экономике, а также стимулированию банковской системы в данном направлении. Одним из первых банков в Узбекистане по внедрению зеленого банкинга является АО «Узпромстройбанк» в поддержке Всемирного банка.

Узпромстройбанк поддерживает зеленую экономику в Узбекистане 4 марта текущего года

Узпромстройбанком в целях ознакомления работников средств массовой информации (СМИ) с проектами, запускаемыми на основе механизма «зеленого» финансирования организован пресс-тур в предприятия города Ташкента.

Согласно постановлению Президента страны от 4 октября 2019 года об утверждении Стратегии перехода на «зеленую» экономику Республики Узбекистан в период 2019-2030 годов, разработана стратегия правительства на эти годы.

В нем определены вопросы поддержки «зеленых» инвестиций, в частности, «зеленого» кредитования, активизации частного сектора в финансировании проектов по переходу на «зеленую» экономику, а также стимулирования банковской системы к «зеленым» инвестициям.¹

В системе Узпромстройбанка совместно со Всемирным банком осуществляется работа операций кредитования на основе данного механизма. В разработанной к 2018 году Банком при содействии консультантов Международной финансовой корпорации и Европейского банка реконструкции и развития программе трансформации также особое место отведено «Green banking».

До настоящего времени банком профинансированы в три этапа 20 «зеленых» проектов на общую сумму 91 млн. долл. США.

В частности, на Ташкентском трубном заводе имени В.Л.Гальперина реализуется проект по производству труб различного диаметра, теплопроводы (арматурные), крепежители, электроиды и другой продукции.

Как отмечалось, объект оснащен энергосберегающими технологиями, обеспечен необходимой сырьевой базой. Производственная мощность составляет поставку в год 350 тысяч тонн металлических изделий из стали.

За счет профинансированных до настоящего времени банком таких проектов в таких отраслях, как металлургия, нефтегаз, химическая, энергетика и других сэкономлено 268 975 МВт.с электроэнергии и 107 080 м³ природного газа.

Развитие системы «Green banking» еще более активизируется в процессе трансформации Банка. Крупными финансовыми институтами и корпорациями мира высоко оценена осуществляемая в данном направлении работа, и особое значение имеет предложение дополнительных ресурсов для финансирования.

В ходе пресс-тура очередным адресатом журналистов стало предприятие «Pergament

¹ Постановление Президента Республики Узбекистан, от 04.10.2019 «Об утверждении стратегии по переходу Республики Узбекистан на «зеленую» экономику на период 2019 — 2030 годов»



quality exclusive”. Здесь гости наблюдали за работой второй линии предприятия по выпуску винильных обоев на основе флизелина, и получили подробную информацию о данном процессе. На первом этапе проекта предприятие имело мощность производства 2 миллионов 640 тысяч рулонов обоев в год, теперь этот показатель увеличился вдвое. Для этого Банком за счет средств кредитной линии Международного банка реконструкции и развития выделен кредит в эквиваленте равном 3 825 000 евро.

В целом, “зеленое” финансирование является продуктом научно-практических исследований, направленных на решение актуальных экологических проблем планеты. При этом особое значение имеет производство и внедрение в практику передовых технологий в сфере альтернативной энергетики. Поэтому в системе Узпромстройбанка данный механизм принят в качестве одного из приоритетных направлений. В учреждении намечено довести данный метод кредитования в ближайшей перспективе до 70-80 процентов.

Список использованной литературы:

1. Постановление Президента Республики Узбекистан, от 04.10.2019 “Об утверждении стратегии по переходу Республики Узбекистан на «зеленую» экономику на период 2019 — 2030 годов”



ТИЖОРАТ БАНКЛАРИДА ЯНГИ МОЛИЯВИЙ ХИЗМАТЛАРНИ ЖОРИЙ ЭТИШ АСОСЛАРИ

Назаров Илхом Абдирашитович
Банк-молия академияси талабаси

Аннотация. Мазкур илмий тезисда Ўзбекистон амалиётида банк хизматлари сифатини яхшилаш, янги турдаги банк хизматларини ишлаб чиқишнинг ҳуқуқий асослари борасидаги муаллифнинг шахсий фикр-мулоҳазалари келтирилган.

Калит сўзлар: рақамлаштириш, рақамли молиявий хизматлар, масофавий банк хизматлари, *m-banking*, банк маҳсулотлари, инновация, трансформация

Ўзбекистон Республикаси банк тизимини ривожлантириш олдида турган асосий вазафалардан бири бу банк хизматлари сифатини ошириш, хизматлар кўламини кенгайтириш ва уларни ривожланган давлатларбанклари даражасига етказишдан иборат.

Юртбошимиз таъбири билан айтганда, бу борада замонавий банк хизматларини ривожлантириш ва банк хизматларини оммабоплигига алоҳида эътибор қаратиш лозим. Ўзбекистон Президентининг 2017 йил 7 февралдаги фармони билан қабул қилинган “2017–2021 йилларда Ўзбекистонни ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси”да ҳам “банк тизимини ислоҳ қилиш, банклар депозит базасининг капитализациясини чуқурлаштириш ва барқарорлигини ошириш, уларнинг молиявий барқарорлигини ва ишончлигини мустаҳкамлаш, истикболли инвестицион лойиҳалар ҳамда кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектларини кредитлаштиришни янада кенгайтириш” вазифаси белгилаб берилган.¹

Ўзбекистонда ҳам банк тизимини ривожлантириш, янги турдаги банк хизматлари таклиф қилиш ҳамда хизмат кўрсатиш сифатини ошириш борасида бир қатор ишлар амалга оширилди. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2018 йил 23 март куни “Банк хизматлари оммабоплигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорида 2018 йил 1 апрелга қадар тижорат банклари билан биргаликда хорижий валютанинг олди-сотди операциялари амалга оширилишини ва халқаро тўлов карталаридан пул маблағларининг хорижий ёки миллий валютадаги муддатли омонатларга ўтказилишини таъминловчи жисмоний шахсларнинг ҳисобварақларини масофадан туриб бошқариш тизимини жорий этиш ҳақида таъкидлаган. Бу қарорнинг қабул қилиниши Ўзбекистон Иқтисодиётида масофавий банк хизматларини ривожланишига кенг шароит очиб беради. Шунингдек, масофавий банк хизмати ривожланиши аҳолини банкга бўлган ишончини оширади ҳамда аҳоли ўзи истаган банкга мижоз бўлиш қулайлигини яратади.²

Шунингдек, мазкур қарорда банк фаолиятининг илғор халқаро тажрибасини ўрганиш ҳамда банк хизматлари ва маҳсулотларининг янги турларини жорий этиш; банклар филиаллари ва мини-банклар қопланишини ҳамда банк хизматларига бўлган эҳтиёжларни ҳисобга олган ҳолда банклар филиаллари ва мини-банклари тармоғини кенгайтириш; филиалларнинг кредит ажратишда бош банклар билан қўшимча келишувсиз мустақил қарорлар қабул қилиш бўйича ҳуқуқларини кенгайтириш; транзакцияларнинг хавфсиз ва узлуксиз амалга оширилишини таъминловчи миллий чакана тўлов тизимини тузиш ва ривожлантириш; қулай тўлов хизматларини яратиш ва ривожлантириш; нақд пулсиз тўловларни амалга оширишда инновацион маҳсулотларни, шу жумладан, бевосита мулоқотсиз ва мобиль технологияларни ривожлантириш ҳамда илгари суриш; бевосита мулоқотсиз ва мобиль технологияларни, биринчи навбатда, ижтимоий-маиший хизмат кўрсатиш, транспорт, савдо, умумий овқатланиш соҳаларида, айниқса, ҳудудларда жорий этиш; халқаро тўлов тизимлари билан ўзаро ҳамкорликни таъминлаш ва бошқалар.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, рақамли банкнинг асосий вазифаси мижоз билан кун давомида 24/7 режимда унинг молиявий эҳтиёжлари, истаклари, орзулари ва фикрларига

¹ Ўзбекистон Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “2017–2021 йилларда Ўзбекистонни ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси”ни тасдиқлаш тўғрисида”ги Фармони

² Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2018 йил 23 март куни “Банк хизматлари оммабоплигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори



хамроҳ бўлишдир. Ижтимоий яққаланиш бугунги пандемия шароитида одатий ҳолга айланди. COVID-19 пандемияси бутун дунё бўйлаб барча бозорлар ва тармоқларга, шунингдек, кундалик ҳаётга таъсир кўрсатди. Бироқ, ушбу рақамли дунёда пул оқими коронавируснинг тарқалиши ёки турли тўсиқлар шароитида тўхтаб қолмайди. Бу ижобий устунликлар рақамли технологияларга бўлган эҳтиёжнинг жадал суръатлар билан ўсиб боришига ижобий таъсир кўрсатмоқда.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “2017–2021 йилларда Ўзбекистонни ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси”ни тасдиқлаш тўғрисида”ги Фармони
2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2018 йил 23 март куни “Банк хизматлари оммабоплигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори



ЎЗБЕКИСТОНДА ИСЛОМ БАНК МАҲСУЛОТЛАРИНИ ЖОРИЙ ЭТИШ БЎЙИЧА ИЛК ҚАДАМЛАР

Саттарова Мафтуна Хакимжановна

Банк-молия академияси магистранти

Телефон: (97) 085-85-50

sattarova2021@mail.ru

Аннотация. Мазкур тезисда Ўзбекистонда ислом банк хизматлари бозорини ривожлантириш борасидаги илк қадамлар тўғрисида маълумотлар келтирилган. Ислом банк хизматларининг жорий этилиши натижасида эришиладиган ютуқ ва камчиликларга алоҳида тўхталиб ўтилади.

Калит сўзлар: *Ислом Тараққиёт Банки, Халқаро Молия Корпорацияси, Осиё Тараққиёт Банки, Ислом тадқиқотлар ва тренинглари институти, Халқаро ислом савдо молия корпорацияси, исломий молия*

Ислом динига эътиқод қилувчилар кўпчиликини ташкил қилишига қарамай, Ўзбекистонда шу вақтгача Исломий молия соҳаси Марказий Осиёдаги қўшни мамлакатларга қараганда деярли ривожланмаган, ваҳоланки ушбу соҳанинг ривожланишида мамлакат жуда катта салоҳиятга эга.

Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев ҳам 2020 йил 29 декабрдаги Олий Мажлисга Мурожаатномасида “мамлакатимизда ислом молиявий хизматларини жорий этиш бўйича ҳуқуқий базани яратиш вақти-соати келди. Бунга Ислом тараққиёт банки ва бошқа халқаро молия ташкилотлари экспертлари жалб этилади” деб, таъкидлаган эдилар[1].

Сўнги йилларжа йирик халқаро молиявий ташкилотлар (Ислом Тараққиёт Банки Гуруҳи, Халқаро Молия Корпорацияси, Осиё Тараққиёт Банки ва б.) экспертлари томонидан эътироф этган. Шу билан бирга, сўнги йилларда халқаро молия ташкилотлари билан ҳамкорликда ушбу йўналишда баъзи бир ишлар амалга оширилди.

Жумладан: Ислом Тараққиёт Банки (IsDB) ва унинг гуруҳи таркибига кирувчи ташкилотлар, хусусан Хусусий Тармокни Ривожлантириш Ислом Корпорацияси (ICD), Халқаро ислом савдо молия корпорацияси (ITFC) ва Ислом тадқиқотлар ва тренинглари институти (IRTI) мамлакатда ислом молияси ривожланишида ўз ҳиссаларини қўшган ҳолда, ҳозирги кунга қадар 2 миллиард АҚШ долларида зиёд маблағни Исломий молия тамойиллари асосида молиялаштириш мақсадларига йўналтирган[2].

Шунингдек, таълим соҳасида ҳам сезиларли ишлар амалга оширилди. Ўзбекистонда Ислом молияси бўйича бир қанча тренинглари ўтказилди, ўзбекистонда Ислом молиясига оид китоблар нашр этилди.

Малайзиялик профессор Судин Ҳоруннинг «Исломий молиялар ва банк тизими: Фалсафаси, тамойиллари ва амалиёти», қозғоғистонлик тизимчи Ерлан Байдаулетнинг «Исломий молия асослари» ва россиялик Ринат Беккиннинг «Исломиқтисодий модели вазамон» китоблари шулар жумласидандир.

Шунингдек, мамлакатда ислом молия хизматлари га бўлган талабнинг юқорилигини иноба тга олган ҳолда ICD нинг Маслаҳат гуруҳи ҳозирги кунда Ўзбекистоннинг 6 та тижорат банки, жумладан, Капиталбанк, Трастбанк, Азия Альянс банк, Агробанк, Қишлоқ Қурилиш банк ва Ипак Йўли банкларида Ислом дарчалари (Исломий молия хизматлари кўрсатувчи шохобча) очиш бўйича иш олиб бормоқда. Ушбу дарчалар 2021 йилнинг бошида ишга туширилувчи бўлмоқда. Бундан ташқари, Алоқабанк, Халқ банки, Универсал банк ва Даврбанкларда ҳам ислом дарчалари очирилиши бўйича ишлар олиб борилаётган.

Шуни айтиш мумкинки, исломий молиявий хизматлар соҳаси Ўзбекистоннинг порлоқ келажаги учун муҳим мил, пойдевор ва ривожланиш иштиқоли бўлади, натижада ўз маданиятида Исломнинг чуқурлиқларини акс эттирган мамлакатга хорижий инвесторларнинг қизиқиши орти ади ва ҳуқуқат ушбу имкониятдан халқ фаровонлиги ҳамда мамлакатнинг барқарор ривожланиш ида тўлақонли фойдаланишга эришиши мумкин бўлади.

Юқорида келтирилган маълумотларга асосланиб, Ўзбекистонда ислом банк хизматларининг кенг қамровли жорий этилиши мамлакат учун қуйидаги имкониятларни очиши мумкин:



- хориждан келатган инвестициялар ҳажмини ошириш ва диверсификациялаш;
- банк тармоғида ҳалол ва шаффоф рақобат муҳитини яратиш ҳамда банк тизимида активлари-ни диверсификациялаш имкониятини яратиш;
- аҳоли ва бизнес вакиллари ихтиёрида бўлган бўш пул маблағларининг қисқисиди ётқизиш ва жамиятида мақсима-лиштириш роқибатини таъминлаш;
- мамлакатда капитал бозорини ривожлантириш ва диверсификациялаш;
- кўп-лаб янги иш ўринлари яратиш;
- аҳолининг молиявий саводхонлигини ошириш орқали, молия бозоридаги фаоллигини кўтариш;
- ислом молия хизматлари индустриясини ривожлантириш орқали мамлакатда инфратузилмани мувофиқлаштириш ва янгилаш;
- янги молиявий муассасаларни ташкил қилиш;
- камбағалликка қарши курашишда давлат дастури билан малга оширишга ҳисса қўшиш;
- янги ўналишда кадрлар тайёрлашда дастури яратиш.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси, 2021 йил Ўзбекистон Республикаси Президентининг расмий веб-сайти, www.president.uz
2. Исхаков И.Р. Операционная структура исламского финансового института, ориентированная на реализацию долевых методов // Актуальные проблемы экономики и права. – 2014. – № 2(30). – с. 12-16.



ЎЗБЕКИСТОНДА ДАВЛАТ МОЛИЯСИНИ ИСЛОҲ ҚИЛИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ

Мирзаахмедов Улуғбек Равшанбек ўғли
Банк-молия академияси талабаси

Аннотация. Мазкур тезисда таълим тизимида бюджетдан ажратилаётган маблағлар самарадорлиги таҳлили амалга оширилган. Ўзбекистон таълим тизимининг қамров даражаси ўрганилган. Таълим соҳасининг бир қанча самарадорлик кўрсаткичлари келтириб ўтилган. Шу билан биргаликда, муаллимнинг таълимга йўналтирилаётган харажатлар самарадорлигини ошириш бўйича таклиф ва тавсиялари келтирилган.

Калит сўзлар: таълим тизими, таълим қамрови, иш ҳақи фонди, йиллик смета, бюджет сўрови, иш соатлари, мактабгача таълим

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгандан сўнг, жамиятнинг ижтимоий, иқтисодий ва маданий ривожининг барчатармоқларини, жумладан, таълим тизимини ислоҳ қилиш йўлидададил одимламоқда. Чунки, чуқур ислохотларни амалга ошириш, бозор иқтисодиётига ўтиш, биринчи навбатда, кадрлар салоҳиятига, уларни касбий етуқлик жиҳатидан тайёрлигига боғлиқ. Бу ўз навбатида таълим тизимини тубдан ислоҳ этиш заруриятини туғдиради.

Айни замонда, миллий иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида халқ таълим тизими самарадорлигини янада оширишнинг зарурлиги, айниқса, таълим соҳасида иш ҳақи харажатларининг такомиллаштириш масалаларини янада чуқурроқ ўрганиш ва халқ таълимига ажратилаётган харажатларининг фойдаланиш самарадорлигини ошириш йўллари излаб топишни тақозо этмоқда.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга йўллаган Мурожаатномасида “мактаб таълимини тубдан яхшилаш ва унинг сифатини ошириш, муаллимларга муносиб шароит яратиш борасидаги ислохотлар жадал давом эттирилади. Келгуси йили 30 та янги мактаб куриш, 320 та мактабни таъмирлаш ва моддий-техник базасини яхшилаш мақсадида бюджетдан 2 триллион сўм ажратилади.

Соҳада ягона “электрон таълим” тизимини жорий этишга келгуси 2 йилда 250 миллиард сўм йўналтирилади” – деб, таъкидлаган.¹

Бизга маълумки, 2008 йилдан бошлаб халқ таълимига қарашли умумтаълим мактаблари ҳамда мактабгача таълим муассасалари ҳар йили Молия ва Халқ таълими вазирликлари томонидан ишлаб чиқилган “Ўқувчи (тарбиланувчи)лар сонидан келиб чиққан ҳолда умумтаълим мактаб (мактабгача таълими) бюджетини шакллантириш тартиби тўғрисида”ги Низомга мувофиқ молия йили учун маблағ ажратилади. Ушбу қўшма қарор шартларидан келиб чиқиб муассаса бюджети шаклландан сўнг умумтаълим мактаблари учун 8 фоиз ва мактабгача таълим муассасалари учун 16 фоизгача низомдан келиб чиққан ҳолда режалаштирилаётган маблағ билан муассаса томонидан ҳисобланган ҳақиқий харажатлар ўртасида фарққа рухсат этилади.

Мактабгача таълим муассасалари ҳамда умумтаълим мактабларининг улушининг кўпайиб бориши тендецияси ушбу муассасаларга болалар қамровининг кўпайиб бориши билан изоҳланади.

Умумий қилиб олганда ҳозирги кунда олиб борилаётган молиявий ислохотлар замирида натижавийликка катта эътибор қаратилмоқда. Халқ таълими тизимида иш ҳақи харажатларига ажратилаётган маблағларнинг натижавийлигини белгиловчи меъзон аниқ ишлаб чиқилмаганлиги ва бу борада бир қатор ишларни амалга ошириш зарурияти туғилмоқда. Хусусан иш ҳақларининг самарадорлигини аниқлаш учун индикаторларни ишлаб чиқиш ва ҳаётга тадбиқ этиш лозим.

Умумтаълим мактабларида иш ҳақларининг самарадорлигини ўқитувчи ва ўқувчиларнинг билим даражаларига боғлиқ ҳолда аниқроқ белгилаб олиш кераклигини таъкидлаб ўтиш керак. Худудларда методолия бўлимлари томонидан ҳар чоракда ҳам ўқитувчи, ҳам ўқувчиларнинг билим даражаларини синовдан ўтказиб, синов натижалари бўйича худудий

¹ Ш.Мирзиёев, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси, Халқ сўзи, 29.12.2020 й.



молия органларига маълумотлар бериб бориш лозим. Бунда белгиланган малака тоифалари миқдорларидаги базавий тариф ставкаларнинг фоизларида синов натижаларидаги фоизларга мос равишда иш ҳақлари ажратилиши керак. Бу ўз навбатида ажратилаётган маблағларни самарали ишлатилиши белгилайди.¹

Мактабгача таълим муассасаларида вужудга келаётган асосий муаммо бу гуруҳлар тўлиқлигидир. Айнан бир гуруҳга ажратилаётган маблағлар гуруҳлар тўлиқлиги ҳисобга олинмасдан бир хилда ажратилиши бюджет маблағини самарадорлигини пасайиб кетишига олиб келмоқда. Мисол учун, гуруҳлар тўлиқлиги 100 % бўлган гуруҳ учун белгиланган штат бирликларидаги иш ҳақи ва гуруҳ тўлиқлиги 80% бўлган гуруҳ учун белгиланган штат бирликларидаги иш ҳақиси билан фарқланмаслиги самарадорликка салбий таъсир ўтказиши изланиш натижаларида ўз тасдиғини топди. Бу борада ҳам иш ҳақига ажратиладиган бюджет маблағини гуруҳ тўлиқлигига нисбатан ажратилса мақсадга мувофиқ бўларди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ш.Мирзиёев, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси, Халқ сўзи, 29.12.2020 й.
2. Срожиддинова З.Х. Ўзбекистон Республикаси бюджет тизими: Дарслик/ - Т.: 2010 йил

¹ Срожиддинова З.Х. Ўзбекистон Республикаси бюджет тизими: Дарслик/ - Т.: 2010 йил



МАҲАЛЛИЙ БЮДЖЕТ ТИЗИМИ ИЖРОСИНИ ТАЪМИНЛАШ МАСАЛАЛАРИ

Шералиев Нурали Рўзиали ўғли
Банк-молия академияси талабаси

Аннотация. Мазкур тезисда маҳаллий бюджет ижроси, унинг самарадорлигини ошириш борасидаги олиб борилган тадқиқотлар, ҳамда олимларнинг фикр-мулоҳазалари билан яқиндан танишиб чиқилган. Шу билан биргаликда маҳаллий бюджетлар ижросини назорат қилиш бўйича илғор хорижий мамлакатлар тажрибалари таҳлил қилиб ўтилган.

Калит сўзлар: *маҳаллий бюджет, бюджет ижроси, бюджет дефицити, бюджет профицити, дотация, субсидия*

Хозирги кунда бюджет харажатларини оптималлаштиришда бюджет маблағларидан фойдаланиш самарадорлигини оширишнинг муҳим воситаларидан бири ҳисобланади. Барча соҳалардаги бюджет муассасаларининг молиявий хўжалик фаолиятини самарали олиб бориши, қарорларни тайёрлаш ва қабул қилиш асослари бюджет харажатларини канчалик даражадасифатли режалаштирилишига боғлиқ. Бюджет жараёни ислохатлари натижасида режалаштириш бюджет даромад вахаражатлари натижасини ошириш, уларнинг иқтисодиётга таъсирини баҳолашдаги асосий дастак эканлиги маълум.

Бюджет харажатлари самарадорлигини оширишни асосий иккита йўл билан амалга ошириш мумкин:¹

- бюджет харажатларини камайтириш (иқтисод) қилиш йўли билан;
- режалаштирилган пул маблағларини ишлатилишидан эришилган натижалар сони (сифати)ни кўпайтириш йўли билан.

Биринчи ҳолатда белгиланган натижага эришишда харажатларни камайтириш ҳисобига эришилади ва қуйидаги шартлар асосида ифодаланади:

Натижа=const, Бюджет харажати → min.

Ушбу модел давлат харидларини танлов тизими, давлат эҳтиёжи учун керак бўлган товарларни пастроқ нархдасотиб олиш асосида қурилади. Бюджет харажатлари самарадорлигини оширишнинг иккинчи варианти қуйидаги моделга асосланади:

Натижа → max, Бюджет харажати =const.

Бу ҳолатда самарадорлик белгиланган бюджет харажатлари миқдорида максимал натижага эришишни билдиради, яъни харажатларни камайтириш эмас балки юқори самарага эришиш.

Жаҳон тажрибасида бюджет харажатларини самарадорлигини ошириш маъмурий ва шартномавий йўллари қўлланган ҳолда ҳамда натижаларни баҳолаш асосида олиб борилмоқда, яъни бюджет харажатлари самарадорлигини оширишнинг асосий иккита модели:

1. Маъмурий модель (АҚШ, Франция, Италия, Бразилия) – бунда бюджет харажатлари самарадорлигини оширишнинг асосий инструменти бюджетни молиялаштиришнинг дастурий-мақсадли усули ва дастурни баҳолаш механизми ҳисобланади. Бу моделда режалаштирилган натижалар кўрсаткичларини белгилаш юқори турувчи орган томонидан амалга оширилади, “юқоридан – пастга” кўринишида бўлади.²

2. Шартномавий модель (Канада, Буюк Британия, Австралия, Янги Зеландия, ЖАР) – бюджет харажатларини самарадорлигини оширишнинг асосий инструменти вазирликларaro ҳамда уларга қарашли муассасаларнинг шартномалар тизими ва уларни баҳолаш ҳисобланади.

Жаҳоннинг кўпгина давлатларида бюджет харажатларини оптималлаштиришда кўрсатилаётган бюджет хизматлари сифатини ва давлат ва маҳаллий ҳокимият органлари фаолият натижаларини баҳолашда жамоат назоратидан кенг фойдаланиб келинмоқда.

Сўнги 10 йилликда жаҳоннинг кўпгина мамлакатларининг бюджет сиёсати бюджет фаолиятининг барчасоҳаларида бюджет харажатлари оптималлаштириш ва самарадорлигини оширишга йўналтирилган бўлиб, бюджетни режалаштириш ва амалга оширишни натижага

1 Румянцева Е.Е. Новая экономическая энциклопедия. – М.: ИНФРА - М, 2005. – 692 с.

2 Ли.А.Н. Инновация в планировании расходов Государственного бюджета: Учебное пособие – Т.: Молия, 2014.



йўналтирилган бюджетлаштириш (НЙБ) усули асосида олиб борилмоқда.

НЙБ - бу давлат сиёсатининг устувор йўналишларини ҳисобга олган ҳолда давлат вазифа, функция ва мақсадлари бўйича бюджет маблағларини тақсимлашни таъминловчи, бюджет ижроси ва ижросини назорат қилиш, бюджет харажатларини режалаштириш усули бўлиб, асосий принципи ажратилган маблағ ва ишлатилишидан кўзланган натижа ўртасидаги боғлиқликни таъминлашдан иборат. НЙБнинг асосий элементи дастурий-мақсадли молиялаштириш усули ҳисобланади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Румянцева Е.Е. Новая экономическая энциклопедия.— М.: ИНФРА - М, 2005.— 692 с.
2. Ли.А.Н. Инновация в планировании расходов Государственного бюджета: Учебное пособие – Т.: Молия,2014.



ЭЛЕКТРОН ТИЖОРАТ ОПЕРАЦИЯЛАРИНИ СОЛИҚҚА ТОРТИШ МАСАЛАЛАРИ

Даминов Отабек Уткир ўғли
Банк-молия академияси талабаси

Аннотация. Мазкур тезисда электрон тижорат операцияларини солиққа тортиш бўйича ривожланган хориж тажрибаси билан яқиндан танишиб чиқилган.

Калит сўзлар: *электрон тижорат, e-xarid, онлайн-дўкон, интернет-майдон, электрон бизнес, мобиль платформа*

Ўзбекистонга қўшни бўлган ва МДХ га аъзо давлатларда барча учун янги ва жадал ривожланаётган соҳа бўлган электрон тижоратни солиққа тортиш борасидаги амалиётини ўрганиш мақсадга мувофиқ.

Мисол учун Қозоғистонда 2018 йилнинг 1 январидан бошлаб, янги Солиқ кодекси бўйича ўз фаолиятини онлайн-дўкон ёки интернет-майдонларда юритаётган тадбиркорлар учун солиқ имтиёзларини тақдим этиш кўзда тутилган. Хусусан, юридик шахслар корпоратив даромад солиғидан, яқка тартибдаги тадбиркорлар эса даромад солиғидан озод қилинадилар, аммо бунинг учун учта мажбурий шарт бажарилиши зарур:¹

- товарларга нақд пулсиз тўловларни амалга ошириш;
- ҳаридор билан шартномани онлайн режимда тузиш;
- тадбиркор ўз етказиб бериш хизматига эга бўлиши ёки товарни ташиш, жўнатиш ва етказиб бериш билан шуғулланадиган шахс билан шартнома тузиши лозим.

Белоруссияда эса электрон тижоратни солиққа тортишнинг махсус тартиби қисман кўзда тутилган. 2018 йилнинг 1 январидан бошлаб хорижий компаниялар томонидан кўрсатиладиган электрон хизматлардан ҚҚС ундирилишини кўзда тутувчи Солиқ кодекси кучга кирди. Бундан ташқари, электрон тижоратни амалга оширувчи хўжалик субъектлари солиққа тортишнинг соддалаштирилган тизимини қўллаши мумкин. Уларнинг ставкалари:

- 5% - ҚҚС тўловчи ташкилот ва яқка тартибдаги тадбиркорлар учун;
- 3% - ҚҚС тўловчи ташкилот ва яқка тартибдаги тадбиркорлар учун.

Озарбайжонда 2017 йилнинг 1 январидан бошлаб электрон савдога солиқ солиш, хусусан, қўшимча қиймат солиғи солишни (ҚҚС қиймати – 18%) назарда тутувчи қонун кучга кирди. Ушбу чоралар маҳаллий тадбиркорларни ҳимоя қилиш учун қабул қилинди, яъни юқорида айтилган хизматлар мамлакат ҳудудида норезидентлар томонидан Озарбайжон фуқаролари учун кўрсатиладиган бўлса, ҚҚС ҳаридорлардан олинади.

Булардан келиб чиқиб шуни айтиш мумкинки, электрон тижоратни жадал ривожлантиришнинг асосий элементларидан бири - бу давлат томонидан тақдим этиладиган солиқ имтиёзлари. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Электрон тижоратни жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорида электрон тижоратнинг ривожланишига туртки берувчи омиллаб белгилаб берилган.² Жумладан:

- электрон тижорат субъектлари савдо фаолиятини амалга оширишда тўлов терминалларида фойдаланган ҳолда тадбиркорлик субъектлари-нинг корпоратив банк карталари, шунингдек, электрон тўлов тизимлари орқали тўловларни қабул қилиш ҳуқуқига эгадирлар
- электрон тижорат орқали реализация қилинган уч минг АҚШ долларигача бўлган товарлар (хизматлар)ни экспорт қилиш Ташқи савдо операцияларининг ягона электрон ахборот тизимига киритилмасдан ва юк божхона декларацияси тўлдирилмасдан почта хизматларини кўрсатиш қоидаларига мувофиқ амалга оширилади;
- электрон тижорат орқали сотиладиган товарлар (хизматлар) учун уларнинг умумий қийматидан мажбурий 15 фоизли олдиндан тўлов тўлаш талаби бекор қилинади;
- электрон тижорат орқали реализация қилинган товарларни етказиб бериш бўйича

1 <https://e-tijorat.uz/uz/page/30/elektron-tizhorat-subektlari-milliy-reestri-azo-blish-tartibi-shartlar-va-imtiezlar>

2 Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Электрон тижоратни жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори



хизматлар кўрсатувчи тадбиркорлик субъектларига учинчи шахслар (товарларни сотувчилар) учун тўловларни кейинчалик уларни белгиланган тартибда инкассация қилиш шарти билан қабул қилиш ҳуқуқи берилади;

- электрон тижорат орқали реализация қилинган товарларни сотувчига ва етказиб берувчига шахсий мулк, ижара ва бошқа фойдаланиш ҳуқуқига асосан тегишли бўлган автомобиль транспортида Ўзбекистон ҳудуди бўйлаб етказиб беришда шаҳар, шаҳар атрофи, шаҳарлараро ва халқаро автомобилда йўловчилар ва юк ташишларни амалга ошириш учун лицензия олиш талаб қилинмайди, қонунчиликда белгиланган ҳолатлар бундан мустасно;

- электрон тижорат орқали дори воситалари ва тиббиёт буюмларини реализация қилиш, фақат сақлаш ва етказиб беришда уларнинг хавфсизлигини таъминлаш тартиби ва талабларига қатъий риоя қилган ҳамда қонун ҳужжатлари талабларини инобатга олган ҳолда амалга оширишга рухсат этилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. <https://e-tijorat.uz/uz/page/30/elektron-tizhorat-subektlari-milliy-reestri-azo-blish-tartibi-shartlar-va-imtiezlar>
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Электрон тижоратни жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори



РИВОЖЛАНГАН МАМЛАКАТЛАРДА ҚЎШИЛГАН ҚИЙМАТ СОЛИҒИ ҲИСОБИ

Полванов Шамсиддин Аслиддин ўғли
Банк-молия академияси талабаси

Аннотация. Мазкур тезисда қўшилган қиймат солиғининг ривожланиш эволюцияси, унинг солиқ тизимида утган ўрни тўғрисидаги муаллифнинг фикр-мулоҳазалари келтирилган. Шунингдек, ҚҚСни жорий этиш бўйича ривожланган хорижий мамлакатлар амалиёти таҳлил қилиб ўтилган.

Калит сўзлар: билвосита солиқлар, бевосита солиқлар, ҚҚС, акциз, солиқ маъмурчилиги, унификация

Бир нечта хорижий мамлакатларда ҚҚСнинг хусусиятларини ва ундан фойдаланиш амалиётини кўриб чиқамиз. Германияда қўшилган қиймат солиғи шахсий фойдаланиш учун мўлжалланмаган барча хизматлардан ва Европа Иттифоқида аъзо давлатлардан ташқарида олиб кириладиган товарлардан ундирилади, яъни у қуйидаги турдаги тижорат операцияларидан ундирилади:

- Европа Иттифоқи ҳудудига товарларни олиб кириш;
- Европа Иттифоқи давлатларидан Германияга товарлар сотиб олиш ва хизматлар учун тўлов;

- Германияда товарлар етказиб бериш ва хизматлар кўрсатиш.


Германияда ҚҚС объекти тижорат операцияси давомида олинган даромад қийматига тенг саналади. Асосий ставка 19% ни ташкил этади, шу билан бирга 7% пасайтирилган ставка мавжуд бўлиб, у қуйидаги фаолият турларига нисбатан қўлланилади:¹

- зарурий товарларни сотиш;
- озиқ-овқат маҳсулотларини сотиш;
- қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари;
- матбаа нашрлари;
- кўнгилочар тадбирлар учун чипталар;
- меҳмонхона ва меҳмонхона хизматлари ҳамда бошқалар.

Экспорт операциялари 0% ставкада солиққа тортилади. Шунингдек, фермерлар (5,5% миқдорида) ҳамда ўрмончилик хўжалиги (10,7%) учун алоҳида ставкалар ишлаб чиқилган.²

Канада амалиётида ҚҚСнинг вазифасини савдо солиғи бажаради. Ягона солиқ ставкаси 7% ни ташкил қилади, аммо алоҳида ставкалар маҳсулот ва хизматларнинг айрим турлари учун қўлланилади, масалан, алкогольли ичимликлар учун тариф 12% деб белгиланган.

Бундан ташқари, мазкур солиқ туридан озод этилган бир қатор фаолият, товар ҳамда хизматлар белгилаб қўйилган. Хусусан, истеъмол саватида асосий ўринни эгаллайдиган озиқ-овқат маҳсулотлари, таълим хизматлари ва бошқалар шулар жумласидандир (1-расм).



1-расм. Канадада савдо солиғи ундирилмайдиган товар ва хизматлар³

1 Лыкова Л. Н., Букина И. С. Налоговые системы зарубежных стран: учебник для бакалавриата и магистратуры. М.: Издательство Юрайт, 2017 – 429 с.

2 Лыкова Л. Н., Букина И. С. Налоговые системы зарубежных стран: учебник для бакалавриата и магистратуры. М.: Издательство Юрайт, 2017 – 429 с.

3 Анискина А.А. Зарубежный опыт администрирования НДС // Молодой ученый [Электронный ресурс] - Режим доступа: <https://moluch.ru/archive/130/36054/>



Худудлар кесимида чакана савдо учун алоҳида йиғимлар мавжуд. Мажбурий тўловлар бир вақтнинг ўзида икки шаклда мавжуд бўлиши керак. Бу ўз навбатида худудий йиғимларни унификация қилиш ва уларни федерал тўловларга мослаштириш имконини беради. Канададаги савдо солиғи давлат бюджетига ҳар йили катта қисмдаги молиявий даромадлар тушумини таъминлайди. Кенгайтирилган база ва анча паст фоиз бозор бузилишларини минималлаштириш ва мамлакат иқтисодиётини ташкил қилишни янада самарали қилиш имконини беради.

Қўшилган қиймат солиғи даромадларни мувофиқлаштириш вазифасини ҳам бажаради. қўшилган қиймат солиғи орқали аҳолининг бой қатлами қўлидаги пул маблағларини марказлашган пул фондларига жалб этиш орқали биринчидан, иқтисодиётда пул маблағларининг ҳаракати бошқарилишига ижобий таъсир этилса, иккинчидан бюджетнинг даромадлар қисмини қўпайтириш имконияти юзага келади. қўшилган қиймат солиғининг бу хусусияти асосан акциз солиғи орқали намоён бўлади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Лыкова Л. Н., Букина И. С. Налоговые системы зарубежных стран: учебник для бакалавриата и магистратуры. М.: Издательство Юрайт, 2017 – 429 с.
2. Анискина А.А. Зарубежный опыт администрирования НДС // Молодой ученый [Электронный ресурс] - Режим доступа: <https://moluch.ru/archive/130/36054/>



ДАВЛАТ БОШҚАРУВИДА СТРАТЕГИК РЕЖАЛАШТИРИШДА ФОРСАЙТ АМАЛИЁТИ

Кумушев Санжар Жасур ўғли
Банк-молия академияси талабаси

Аннотация. Мазкур тезисда турли стратегик режалаштириш ҳужжатларини ишлаб чиқишда услубий ёндашувлардаги жиддий номувофиқликлар, айрим ҳолларда энг муҳим стратегик ҳужжатларнинг йўқлиги ва бошқа ҳолларда уларнинг ортиқчалиги аниқланди. Мақоланинг якуний қисмида стратегик режалаштириш тизимини такомиллаштириш бўйича батафсил таклифлар шакллантирилади.

Калит сўзлар: *стратегик ривожлантириш, стратегик режалаштириш, бош режа, SWOT таҳлил, форсайт*

Форсайт бу инглизчадан таржима қилинганда “келажакка назар”, деган маънони англатиб, бирон бир воқеа, жараён, ҳодисани бир неча йил олдинга назар ташлаган ҳолда келажакдаги ҳолатини кўздан кечириш дегани.

Форсайт тушунчаси ва унинг илк маротаба қўлланилиши С.В.Крюковнинг «Форсайт: прогноздан келажакни шакллантиришгача» номли илмий мақоласида келтирилишича, 1950 йилларда АҚШнинг RAND корпорациясида илк маротаба учратиш мумкин. 1970 йилларга келиб эса бугун дунёнинг етакчи мамлакатларидан бири ҳисобланадиган Япония томонидан бу ғоя амалиётда қўлланила бошланади.¹

Прогноз-режалаштириш бу бугунги кундан келажакка бўлган ҳаракат. “Форсайт”, аксинча, келажакдан ҳозирги кунгача бўлган ҳаракатдир. Фарқ аслида уларнинг мафкуравий жиҳатида. Прогнозлаш, айтилик, келажакни тахмин қилиш, ҳозирги ҳолатга асосланган ва мумкин бўлган, мавжуд имкониятлардан келиб чиқиб ишлаб чиқилади, аммо, кўп ҳолларда ривожланишлар доирасига кескин тарзда таъсир ўтказа олмайди.

“Форсайт”нинг вазифаси эса келажакни тахмин қилиш эмас, балки қарор қабул қилувчилар ва етакчи экспертларнинг фикрлари билан консенсус асосида келажакни “мақсадли” кўришни шакллантириш ва асосий муаммоларга жавоб бериш ҳамда тегишли мақсадларга эришиш учун узоқ муддатли ҳаракатлар дастурини ишлаб чиқишга киришишдир.

2025 ва 2030 йилларга мўлжалланган Россия илмий ва технологик ривожланиш прогнозлари ҳам аслида “форсайт” методидан фойдаланиб тузилган бўлса-да, аммо кўп йиллик “режалаштириш” иборасидан фойдаланиш натижасида унга ҳам баъзан шундай ном берилмоқда.

“Форсайт” таҳлилини олиб боришнинг энг асосий жиҳати бу эксперт-мутахассисларнинг ёрдамидан фойдаланиш. Шу сабабдан бугунги кунда ҳатто Россия Федерациясида ҳам бундай тадқиқотлар олиб бориш учун етарли мутахассислар тақчиллиги кузатилмоқда.

Россия Статистика тадқиқотлари институти директорининг маълумотларига кўра, Россия Федерациясида айни кунда форсайт таҳлили билан шуғулланувчи 150 нафар атрофида мутахассислар бор. Улар асосан ёш кадрлар бўлиб, уларнинг деярли барчаси Ғарб мамлакатларида малака ошириб келган. Мутахассислар сонини ошириш учун ҳар йили махсус дастурлар асосида ўқишни ташкил этиш билан бирга, хорижий давлатлардан таклиф этиладиган олимлар иштирокида инглиз тилидаги “Governance of Science, Technology and Innovation” номли дастурлар ишлиб чиқилиб, ўқитиш ишлари йўлга қўйилмоқда.²

Аммо АҚШда бу жараён бироз бошқача: Қўшма Штатларда иқтисодий ривожланишнинг расмий интеграциялашган стратегик режалари ишлаб чиқилмаган. Иқтисодий ривожланишнинг миллий устувор йўналишлари давлат раҳбарининг маърузаларида ўз аксини топади. Миллий устувор йўналишлар доирасида ҳудудларда (штатлар кесимида) турли даражаларда кўплаб дастурлар ишлаб чиқилиб, ҳаётга таъбиқ этилмоқда. Бу борада АҚШ ҳукумати 6 мингдан ортиқ иқтисодий ривожланиш дастурларини амалга оширади. Бундай дастурларни

¹ Богданов А.А., Скворцов-Степанов И.И. Курс политической экономии. Санкт-Петербург: Знание, 1910-1920. 4 т.; 25. Т.1. 1910. XII, 403 с.

² Согрин В.В. История США. М.: Международные отношения, 2019. С. 339-345



ишлаб чиқиш учун асос – прогнозларни ишлаб чиқиш бўйича ихтисослашган агентликлардир.

Умуман олганда “форсайт”дан фойдаланишдан аввал бевосита савол беришимиз муҳим: биз қандай келажакни хоҳлаймиз? Шу орқали форсайтнинг тегишли усуллари танлаб олиниб, амалий ҳаракатларни бошлаш мумкин. Айрим давлатлардаги мисолларни БМТ томонидан чиқарилган “Форсайт–ривожланаётган мамлакатлар учун стратегик узоқ муддатли режалаштириш воситаси сифатида» номли қўлланмадан кўрсак, масалан, Бразилия. 1998 йилда Бразилия форсайт бўйича ўзининг биринчи тажрибасини амалга оширди. 1996 йилда Ҳиндистон ҳукумати ҳам ушбу дастурни амалга оширишга киришди. У “Технология 2020” деган ном билан аталиши ва ҳар икки мамлакат мисолида ҳам 23-25 йиллик режаларнинг форсайт усули ва унинг моделларида фойдаланган ҳолда шакллантирилганлиги бугунги кундаги ушбу давлатларнинг амалдаги ривожланиш босқичларидан ҳам билиб олишимиз мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Атаниязов Ж., Алимардонов Э. «Халқаро молия муносабатлари» – дарслик – Т.: Ўзбекистон файлсуфлари джамийати нашириёти, 2014, 433 б.
2. Д.Р. Вахитов, Г.Н. Белицкая, Г.Т. Гафурова “Финансы” учебно-практическое пособие. – Казань, Институт экономики, управления и права, 2013г, 158 стр.



ЎЗБЕКИСТОНДА ИНФЛЯЦИОН ТАРГЕТЛАШ РЕЖИМИГА ЎТИШ ИМКОНияТЛАРИ

Султанова Муниса

Банк-молия академияси талабаси

Телефон: (90) 982-00-50

ziyo2020@mail.ru

Аннотация. Мазкур тезисда Ўзбекистонда инфляцияни таргетлаш режимига ўтишнинг монетар ва фискал аҳамияти ҳамда зарурияти тушунтириб ўтилган. Шунингдек, мазкур режимга ўтиш учун мавжуд имкониятлар ҳамда унинг самарадорлиги таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: *инфляция, инфляцион таргетлаш, пул-кредит сиёсати, пул агрегатлари, валюта курси, пул-кредит инструментлари*

2017 йилда бошланган иқтисодий либераллаштириш ва бозор механизмлари ролини оширишга қаратилган иқтисодий ислохотларнинг янги босқичи ўрта муддатли истикболда банк тизими ва пул-кредит сиёсатини ривожлантиришнинг устувор йўналишларини белгилаб берди.

Ички бозорда нархлар барқарорлигини таъминлаш вазифаси пул-кредит сиёсатини амалга оширишнинг аниқ стратегияси ва батафсил режаси бўлишини ҳамда мақсадли кўрсаткичларга эришиш учун самарали инструментлар ва механизмларни талаб этади.

Валюта курси шаклланишида тамомила янги ёндашувдан фойдаланилиши, ўз навбатида, Марказий банкнинг асосий эътиборини ички бозордаги нархлар барқарорлигига қаратиш асносида пул-кредит сиёсатини такомиллаштириш имкониятини беради.

Айни вақтда валюта бозорини либераллаштириш борасидаги ислохотларнинг муваффақиятли амалга оширилиши кўп жиҳатдан пул-кредит сиёсатини такомиллаштириш, тижорат банклари фаолиятини мустақамлаш ҳамда банк тизимини ривожлантириш чоралари самарадорлиги билан чамбарчас боғлиқ.

Шундан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Валюта бозорини либераллаштириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони эълон қилинишидан кўп ўтмай Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Пул-кредит сиёсатини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори қабул қилинди ва Пул-кредит сиёсатини 2017-2021 йилларда ривожлантириш ва инфляцион таргетлаш режимига босқичма-босқич ўтиш бўйича чора-тадбирлар Комплекси тасдиқланди.

Пул-кредит сиёсатининг инфляцион таргетлаш режимда марказий банк томонидан инфляциянинг ўрта муддатли мақсадли даражаси эълон қилинади ва пул-кредит инструментлари ушбу инфляциянинг мақсадли кўрсаткичига эришишга йўналтирилади.

Пул-кредит сиёсатини амалга оширишнинг мазкур усули кўпгина ривожланган ҳамда ривожланаётган мамлакатларда кенг қўлланилиб келинмоқда. Инфляцион таргетлаш режими инфляция даражасининг ўзгарувчанлиги ва инерцион давомийлигини камайтиришнинг самарали усули ҳисобланиб, ўрта муддатли истикболда барқарор ва мувозанатли иқтисодий ўсишга эришиш учун қулай шароитларни яратади.¹

Инфляцион таргетлаш режими дастлаб 1989 йилда Янги Зеландияда амалиётга жорий қилинган. Бугунги кунга келиб дунёнинг 30 дан ортиқ давлатлари, жумладан, Австралия, Аргентина, Бразилия, Буюк Британия, Грузия, Исроил, Ҳиндистон, Канада, Польша, Туркия, Швеция, Япония, Чехия каби давлатлар пул-кредит сиёсатининг мазкур режимдан фойдаланиладилар.

МДҲ мамлакатлари орасида Арманистон ва Россияда инфляцион таргетлаш режими қўлланмоқда. Қозоғистон ва Беларусь Республикаси марказий банклари томонидан ўрта муддатли истикболда инфляцион таргетлаш режимига ўтиш режаси ва дастурлари эълон қилинган.

Пул-кредит сиёсатини юритишда инфляцион таргетлаш режимининг танланилиши ушбу режимнинг афзалликлари билан бир қаторда валюта курси ёки пул агрегатларини таргетлаш

¹ Маехл Н., Монетар сиёсатни қўллаш: Ривожланаётган монетар режимларга эга мамлакатлардаги операциялар масалалар (ХВФ).



режимларида кузатилган қатор муаммолар билан изоҳланади.

Инфляцион таргетлаш режимида инфляция бўйича мақсадли кўрсаткичларга эришишда аҳоли ва бизнес вакилларининг инфляцион кутилмалари муҳим аҳамият касб этиши туфайли олиб борилаётган пул-кредит сиёсатига жамиятнинг ишончини мустаҳкамлаш долзарб вазифалардан бири ҳисобланади.

Бунда марказий банк фаолиятининг шаффофлиги ҳамда аҳоли билан мулоқот тизимининг кучайтирилиши юқоридаги вазифалар ижросини таъминлашга хизмат қилади. Хусусан, марказий банк доимий равишда статистик маълумотларни чоп этиб, мақсадли кўрсаткичларга эришиш юзасидан кўрилаётган чоралар тўғрисида жамият ва иқтисодиётнинг реал сектори иштирокчиларини хабардор қилиб боради.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Пул-кредит сиёсатини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори, www.lex.uz сайти
2. Пул-кредит сиёсатини амалга ошириш Концепцияси, <https://cbu.uz/uz/monetary-policy/concept/>
3. Маехл Н., Монетар сиёсатни қўллаш: Ривожланаётган монетар режимларга эга мамлакатлардаги операцион масалалар (ХВФ).



ЎЗБЕКИСТОНДА ДАВЛАТ МОЛИЯСИНИ ИСЛОҲ ҚИЛИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ

Мирзаахмедов Улуғбек Равшанбек ўғли
Банк-молия академияси талабаси

Аннотация. Мазкур тезисда сўнги йилларда Ўзбекистонда амалга оширилаётган давлат молиясини ислоҳ этиш чора-тадбирлари ҳамда уларнинг молиявий-иқтисодий самарадорлиги таҳлил этилган. Шунингдек, келгусида давлат молиясининг самарадорлигини ошириш, мамлакат иқтисодий салоҳиятини оширишга қаратилган таклиф ва тавсиялар берилган.

Калит сўзлар: давлат молияси, молиявий назорат, бюджет ижроси, консолидациялашган бюджет, бюджетдан ташқари жамғармалар

Ўзбекистон мустақилликка эришгандан сўнг иқтисодий ислохотларнинг босқичма-босқич амалга оширилиши жараёнида солиқ сиёсати, ижтимоий-иқтисодий устувор йўналишлар давлат томонидан тартибга солиниб натижалар рағбатлантиришга қаратилган бўлиб, бу соҳадаги ислохотлар ўзининг ижобий самарасини бермоқда. Президентимиз Ш.Мирзиёев шундай фикр юритган: “Барчамиз сўзсиз тушунамиз, иқтисодий ислохотлар ва ижтимоий ўзгаришларни муваффақиятли амалга ошириш энг аввало иқтисодий ва молиявий органларнинг фаолияти самарадорлигига боғлиқдир. Улар яқин ва узоқ истикболга мўлжалланган, мамлакатимиз иқтисодий кудратини мустаҳкамлашга доир стратегик вазифаларни нафақат ишлаб чиқиши, балки амалга оширишни таъминлаши зарур”.¹

Сўнги йилларда Ўзбекистонда кенг кўламли ислохотлар амалга ошириб келинмоқда. Молия тизими шаффофлигини таъминлаш орқали фуқароларнинг ишончини оширишга алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Ўзбекистон амалиётида биринчи марта давлат харажатлари шарҳида таъкидланганидек, бюджет шаффофлигини оширди, давлат молиясини бошқаришни такомиллаштиришга эришди, солиқ тизимини соддалаштирди ва солиқ юкини камайтирди. Бу дадил чора-тадбирлар ижобий натижалар ҳамда сезиларли самарага эришиш имконини берди.

Маълумки, яқин вақтгача давлат молияси бўйича маълумотлар мавжуд эмас эди. Бу фуқароларнинг солиқлари, бюджетнинг бошқа маблағлари қандай сарфланганлигини тушунишни қийинлаштирар эди. Вазиятни ўзгартириш учун расмийлар Халқаро валюта жамғармасининг (ХВФ) ХВФ томонидан қўлланиладиган Кенгайтирилган умумий маълумотларни тарқатиш тизимини (e-GDDS) жорий этиш бўйича тавсияларига амал қилдилар. Шу орқали, давлат молияси маълумотлари миллий статистика идораси веб-сайтида ҳам, ХВФ веб-сайтида ҳам эълон қилиниши таъминланди.

Бюджет лойиҳасини ишлаб чиқишда фуқаролар иштирокини ошириш, бу борадаги меъёрий-ҳуқуқий базани ривожлантиришга қаратилган чора-тадбирлар эса янада қувонарли ҳол бўлди. Хуллас, 2018 йилдан бошлаб Ўзбекистон Молия вазирлиги “Фуқаролар учун бюджет”ни нашр этишни бошлади. Хужжат очиқ шаклда жамоатчиликка ҳукуматнинг устувор вазифалари, давлат ресурслари таркиби ва келгуси календар йили учун жами давлат харажатларини тушунтиради.

2019 йилда мамлакат ҳукумати ўрта муддатли макроиқтисодий ва фискал прогнозлар тўпламини тақдим этиш, шунингдек, ҳукумат эътиборини талаб қиладиган фискал рискларни баҳолаш орқали мисли кўрилмаган қадам ташлади.

Бугунги кунда 2020 йилги бюджетда 23 та бюджетдан ташқари жамғармалар, жумладан, Ўзбекистон тикланиш ва тараққиёт жамғармаси (ФРЖЖ) консолидациялаштирилди. Бу сезиларли ютуқлардан далолат беради, бироқ бу ўзгартириш қўшимча вақт талаб этади, чунки 25 га яқин бюджетдан ташқари жамғармалар ҳамда бюджет ташкилотларининг (вазирликлар, идоралар, таълим муассасалари, шифохоналар ва бошқалар) 20-30 мингга яқин бюджетдан ташқари ҳисоб рақамлари ўз фаолиятини давом эттирмоқда.²

Бюджет доирасида амалга харажатларни қисқартириш бўйича чора-тадбирлар тўғри

¹ Мирзиёев.Ш.М. (2016) «Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз» Т.:Ўзбекистон, Б22

² Ivailo Izvorski. Совершенствование сферы государственных финансов в Узбекистане: Повышение прозрачности, улучшение бюджетирования и снижение налогов, <https://blogs.worldbank.org/>, 03 марта 2020 г.



йўналишдаги кадамдир, аммо бу борада кўп қилиниши керак бўлган ишлар мавжуд. Хусусан, мамлакатимизда давлат харажатларининг учдан бир қисмидан ортиғи ҳамон бюджетдан ташқари жамғармалар ва бюджетдан ташқари ҳисобварақлар ҳисобидан амалга оширилмоқда. Бундан ташқари, халқаро молия институтларининг инвестициялари ҳамон бюджетга, шунингдек, давлат корхоналарининг квазфискал харажатларига киритилмаган.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Мирзиёев.Ш.М. (2016) «Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини бир-галикда барпо этамиз» Т.:Ўзбекистон, Б22
2. Ivailo Izvorski. Совершенствование сферы государственных финансов в Узбекистане: Повышение прозрачности, улучшение бюджетирования и снижение налогов, <https://blogs.worldbank.org/>, 03 марта 2020 г.



ТИЖОРАТ БАНКЛАРИНИНГ ЖАҲОН МОЛИЯ БОЗОРЛАРИДАГИ ФАОЛИЯТИ ТУРЛАРИ

Отабоев Улугбек Мирзахамдамович
Банк-молия академияси талабаси

Аннотация. Мазкур тезисда тижорат банкларининг халқаро молия бозоридаги аҳамияти, фаолият турлари ва ўрни хусусидаги муаллифнинг шахсий фикр-мулоҳазалари келтириб ўтилган.

Калит сўзлар: молия бозори, капитал бозори, евробондлар, облигациялар, эмиссия, эмитент, қимматли қозғозлар, дериватив

Жаҳон иқтисодиётига интеграциялашув шароитида тижорат банкларидан халқаро молия бозорларида иштирокларини фаоллаштириштириш талаб этилмоқда. Динамик иқтисодий ўсишни ривожланган банк секторисиз тасаввур этиб бўлмайди. Тижорат банкларининг энг муҳим ва фойдали банк фаолиятларидан бири ташқи иқтисодий фаолияти эканлиги таъкидланади. Ривожланаётган мамлакатлардаги банклар оддий тижорат банки функцияларини бажаришдан ташқари, уларнинг иқтисодий ривожланишида самарали рол ўйнайди. Бундай мамлакатларда аҳолининг аксарияти камбағал, ишсиз ва анъанавий қишлоқ хўжалиги билан шуғулланади. Тижорат банклари пул яратмайди - улар шунчаки пул маблағларини капитал бозорларидан корхоналар ва муассасаларга ўтказувчи воситачилар ҳисобланади. Тижорат банклари ўз ресурсларини бизнес субъектлари ҳисоб рақамларидаги маблағлари, аҳолининг омонат маблағлари, депозит сертификатлари сотиш ва бошқа манбалардан жалб қилинган маблағлардан ташкил топади. Тижорат банклари савдони молиялаштириш, лойиҳаларни молиялаштириш, иш ҳақи, валюта ва савдо, инкассо сейфлари ҳамда умумий корпоратив молиявий хизматлар каби хизматларни таклиф қилади.

Тижорат банкларининг халқаро молия бозоридаги операцияларининг бошқа белгиси бу уларнинг қай мақсадга йўналтирилганлигидир. Бу жиҳатдан халқаро молия операцияларини қуйидаги турларга ажратиш мумкин:

Халқаро молия операцияларининг бошқа белгиси бу уларнинг қай мақсадга йўналтирилганлигидир. Бу жиҳатдан халқаро молия операцияларини қуйидаги турларга ажратиш мумкин:

пул ўтказмалари операциялари;
инвестицион операциялар;
спекулятив (чайқовчилик) операциялар;
капиталнинг юқори даромад келтирувчи қобилятини сақлаб қолишга қаратилган операциялар.¹

Тижорат банкларининг халқаро молия операцияларининг таснифланиши:

1) Конверсион валюта операциялари (нақд ва нақдсиз валюталарни сотиш ва сотиб олиш (чекланган конверсион валюталар ҳам шулар жумласидан)):

турли мамлакатларда жойлашган савдо ташкилотларининг ўзаро ҳисобкитоблари;

Халқаро кредит-жамғарма операциялари.

2) Экспорт ссудалари (технология ва тайёр маҳсулотнинг экспортини қўллабқувватлашга йўналтирилган молиялаштириш);

Халқаро ссудалар (саноат товарлари, технологиялар ва ресурслар импортини қўллабқувватлашни кредитлаш);

Ташқи инвестицион кредитлаш (чет эл инвестицияларини қўллабқувватлашга қарз бериш);

Боғланмаган кредитлар (ривожланиб бораётган иқтисодиётли мамлакатларда ташкилий ислохотларни амалга ошириш учун ҳукуматга ёки мамлакатнинг бошқа ташкилотларига тақдим этиладиган моддий ёрдам);

Асосий молиялаштиришнинг вақтинчалик босқичида ажратиладиган қисқа муддатли кредитлар(қисқа муддатли молиявий-иқтисодий операцияларни таъминлаш учун ривожланиб

¹ Атанязов Ж., Алимардонов Э. «Халқаро молия муносабатлари» – дарслик – Т.: Ўзбекистон файлсуфлари джамийати нашириёти, 2014, 433 б.



бораётган иқтисодиётли мамлакатларнинг ҳукумат ташкилотларига бериладиган ссудалар);

Қайта молиялаш (ривожланиб бораётган иқтисодиётли мамлакатлар бошқа мамлакатлар ёки халқаро кредит ташкилотлари олдидаги қарзини қайтаришга қарор қилганда ҳукумат ташкилотларига бериладиган ссудалар);

Улушли иштирок (қўшма компаниянинг акционерлик капиталига маблағ киритиш);

Кафолатлар (тижорат банкларининг кредит кафолатлари ва давлат облигациялари бўйича кафолатлар).¹

Офшор операциялари ҳам халқаро молия операцияларининг яна бир тури ҳисобланади. Офшор молиявий операциялари компанияларнинг савдо ва молиявий операциялари асоси бўлиб хизмат қилади. Уларнинг рўйхати солиқ порти мақомига эга мамлакатлар ҳудудида олиб борилади. Офшор халқаро молия операциялари самарали молиявий инструмент бўлиб, солиқ ставкасининг пастлигини ва тижорат сирини сақлашни кафолатлайди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Атаниязов Ж., Алимардонов Э. «Халқаро молия муносабатлари» – дарслик – Т.: Ўзбекистон файлсуфлари джамийати нашириёти, 2014, 433 б.

2. Д.Р. Вахитов, Г.Н. Белицкая, Г.Т. Гафурова “Финансы” учебно-практическое пособие. – Казань, Институт экономики, управления и права, 2013г, 158 стр.

¹ Д.Р. Вахитов, Г.Н. Белицкая, Г.Т. Гафурова “Финансы” учебно-практическое пособие. – Казань, Институт экономики, управления и права, 2013г, 158 стр.



БЮДЖЕТДАН ТАШҚАРИ ЖАМҒАРМА ДАРОМАДЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ МАСАЛАЛАРИ

Шокиров Феруз Баходирович
Банк-молия академияси талабаси

Аннотация. Мазкур тезисда бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари жамғармаларини фаолиятининг назарий асослар, уларни ташкил этишнинг ҳуқуқий-меъёрий асослари тўғрисида тўхталиб ўтилган. Шу билан биргаликда, ривожланган хориж амалиётида бюджетдан ташқари жамғармаларни ташкил этиш ҳамда уларнинг фаолиятини такомиллаштириш амалиёти таҳлил этилган.

Калит сўзлар: *бюджет ташкилотлари, бюджетдан ташқари жамғармалар, консолидацион бюджет*

Мамлакатимизда бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари жамғармалари – қонун ҳужжатлариданазарда тутилган манбалар ҳисобидан бюджет ташкилоти тасарруфига келиб тушадиган маблағлар ҳисобланади.¹ Шу сабабли ҳозирги кунда бюджетдан маблағ олувчиларнинг бюджетдан ташқари даромадларини ошириш орқали бюджет маблағларини оптималлаштириш ҳамда ушбу маблағларни бошқа соҳаларга йўналтирилишини таъминлашга ҳаётга тадбиқ этиш ушбу тадқиқот ишининг долзарблигини белгилаб беради.

Хорижий мамлакатлар молия тизимида махсус фондлар муҳим ўрин тутати. Хорижий мамлакатлардаги махсус (давлат) фондларига турли хил автоном ва бириктирилган бюджетлар, бюджетдан ташқари фондлар, махсус сметалар ва ҳисоблар киради. Улар биринчи навбатда иқтисодий ва ижтимоий функциялар учун масъулдирлар. Маблағлар ҳисобидан давлат ишлаб чиқариш жараёнига аралашади, корхоналарга субсидиялар ва кредитлар, шунингдек, ташқи кредитлар беради, аҳолига ижтимоий хизматлар кўрсатади.

АҚШ махсус жамғармаларни молия тизимига жуда кенг жалб қилади. Сабаби иқтисодиётнинг беқарорлиги ва давлатнинг катта харажатлар кўлами билан изоҳланади. Россияда эса махсус жамғармалар аниқ ва ўзига хос мақсадга асосан ташкил этилади. Бундан жамғармалар асосан ижтимоий, илмий, иқтисодий, кредитлаш соҳаларини ўз ичига олади.

Муҳим ўрин ижтимоий фондларга берилади. Асосий ва энг йирик маблағлар: кексалик, ногиронлик ва боқувчисини йўқотишдан суғурта қилиш, муҳтожларга ёрдам бериш, давлат хизматчиларининг суғуртаси саналади.

Илмий тадқиқотларни молиявий таъминлаш учун илмий фондлар тузилади, бу маблағлардан илмий марказларни сақлаш, фанни ривожлантириш, илмий тадқиқотларни амалга ошириш ва бошқалар учун маблағлар ажратишда фойдаланилади. Қўшма Штатларда иккита йирик илмий жамғармалар мавжуд бўлиб, улар Миллий фан жамғармаси ва Стандартлар бюроси илмий жамғармаси саналади.²

Иқтисодий жамғармалар иқтисодий фаолиятни тартибга солиш учун мўлжалланган. Ушбу фондлардан бири марказий бюджет маблағлари ҳисобидан шакллантириладиган ва хусусий саноат компанияларининг банк операцияларини суғурта қилишдан иборат бўлган иқтисодиётни қайта куриш ва ривожлантириш жамғармаси саналади.

Кредит фондлари қишлоқ хўжалиги, турар-жой бинолари қурилиши, ташқи иқтисодий алоқалар каби энг муҳим тармоқлардаги фаолиятни тартибга солиш учун мўлжалланган. Шундай фондлардан бири қишлоқ хўжалигини кредитлаш мақсадида ташкил этилган фермер хўжалиги кредитини бошқариш жамғармасидир.

Қўшма Штатлар учун ҳарбий-сиёсий жамғармалар муҳим аҳамиятга эга - булар президент ихтиёрида бўлган захиралардир. Ушбу маблағлар алоҳида аҳамиятга эга бўлган қўшимча тадбирларни молиялаштиради. Ушбу маблағлар федерал бюджетнинг махфий маблағларини ўз ичига олади. Жамғарманинг харажатлари бюджетнинг харажат қисмига киритилган, лекин моддаларнинг аниқ мақсади йўқ, улар ноаниқдир. Кўпинча бундай маблағлар ҳисобидан давлатнинг махфий лойиҳалари молиялаштирилади.

¹ Ўзбекистон Республикаси “Бюджет кодекси”, қонун ҳужжатлари тўплами. 52 (I) сон.

² Комлов И.А ва Чинова А.А. Финансирование общеобразовательных учреждений в условиях перехода в автономный режим «Экономика и социум» [url:www.iupr.ru](http://www.iupr.ru)



Германияда махсус жамғармалари мамлакат давлат бюджетидан кейин иккинчи ўринда туради. Махсус жамғармаларга қуйидагилар киради:

- ижтимоий суғурта жамғармаси;
- пенсия жамғармаси;
- урушнинг салбий оқибатларини камайтиришга қаратилган жамғарма.

Асосий фонд ижтимоий суғурта фонди ҳисобланади. У суғуртанинг айрим турларини қамраб олувчи қўп сонли автоном фондларни ўз ичига олади: ногиронлик, ишсизлик, корхоналарни қайта ташкил этиш муносабати билан, бахтсиз ҳодисалардан суғурта қилиш, касаллик суғуртаси, ишчилар ва хизматчиларни, иш билан банд бўлмаган шахсларни пенсия суғуртаси ва бошқалар. Мазкур фонд даромадлари Федерал бюджетдан субсидиялар, ихтиёрий тўловлар ва мажбурий бадаллар ҳисобидан шакллантирилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси “Бюджет кодекси”, қонун ҳужжатлари тўплами. 52 (I) сон.
2. Комлов И.А ва Чижова А.А. Финансирование общеобразовательных учреждений в условиях перехода в автономный режим «Экономика и социум» [url:www.iur.ru](http://www.iur.ru)



МАҲАЛЛИЙ БЮДЖЕТ ДАРОМАДЛАРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

Рахимов Хамза Низомиддинович
Банк-молия академияси талабаси

Аннотация. Мазкур тезисда маҳаллий бюджет даромадлари базасини кенгайтириш ва янги турдаги даромадларни тақдим этувчи давлат хизматларини жорий этишнинг ҳуқуқий асослари талқин этилган.

Калит сўзлар: *маҳаллий бюджет, маҳаллий даромадлар, даромадлари базаси, давлат хизматлари, ҚҚС, билвосита солиқлар, Акциз*

Бугунги кунда давлат молиясини шакллантириш жараёнидаги муаммолардан бири маҳаллий бюджет даромадларини шакллантириш ва уларнинг барқарорлигини таъминлаш бўлиб, бу борада иқтисодчи олимлар маҳаллий бюджет молиявий барқарорлигини таъминлашда солиқларнинг аҳамиятини оширишга боғлиқ эканлигини эътироф этади.

Республикамизда иқтисодий ислохотлар чуқурлаштирилаётган ва иқтисодий эркинлаштиришни янги bosқичида ҳудудий ва маҳаллий ҳокимият органларини ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий томондан бошқаришдаги ролини кўтариш асосий масалалардан бири ҳисобланади. Биринчидан марказий бошқарув органлари маълум даражада ортиқча ташвиш ва вазифалардан ҳоли бўлади, иккинчидан, маҳаллий ҳокимият органларини ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишидаги маъсулияти ошади, учинчидан, ушбу ҳудуддаги муаммоларни тез ечиштиришга келади.

Маҳаллий ҳокимиятларни маҳаллий бюджетларни шакллантириш ва бажарилишини ташкил этиш, уларни ўз ҳуқуқ-мажбуриятлари Конституциянинг 100-моддасида акс этган:

- қонунийликни, ҳуқуқ-тартиботни ва фуқароларнинг ҳавфсизлигини таъминлаш;
- ҳудудларни иқтисодий, ижтимоий ва маданий жиҳатдан ривожлантириш;
- маҳаллий бюджетни шакллантириш ва уни ижро этиш, маҳаллий солиқлар ва йиғимларни белгилаш, бюджетдан ташқари жамғармаларни ҳосил қилиш;
- маҳаллий коммунал хўжаликка раҳбарлик қилиш;
- атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, фуқаролик ҳолати актларини қайд этишни таъминлаш;
- норматив ҳужжатларни қабул қилиш ҳамда Ўзбекистон Республикаси қонунларига зид келмайдиган бошқа ваколатларни амалга ошириш.

Бу қайд этилган ҳуқуқ ва мажбуриятлар орасида учинчи бандда белгиланган вазифа ижтимоий-иқтисодий моҳияти жиҳатидан алоҳида мавқега, хусусиятга ва маъсулиятга мойил вазифалардан бири ҳисобланади. Чунки, маҳаллий солиқлар ва йиғимлар маҳаллий ҳокимиятларнинг молиявий ресурсларга бўлган эҳтиёжларини қоплашда энг муҳим восита ва манбаа бўлиб ҳисобланади. Бинобарин, маҳаллий ҳокимиятларнинг зиммасига ваколатидаги бошқа вазифаларни тўлақонли бажариш, кўпинча молиявий ресурсларнинг мавжуд миқдорига бевосита боғлиқ бўлади.

Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 2 сентябрдаги “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги 913-сонли қонунга асосан маҳаллий ҳокимиятлар ўзларининг бюджет ва бюджетдан ташқари фондларини тузиш ҳуқуқига эга. Бугунги кунда эса ушбу ҳуқуқларнинг моддий асосини яратиш варивожлантирилиши зарур.

Бу қонунга мувофиқ, Қорақолпоғистон Республикаси давлат ҳокимияти органлари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари бюджет тизимини бошқариш соҳасида тегишли равишда маҳаллий бюджетларни қабул қилади, шунингдек, уларнинг ижроси тўғрисидаги ҳисоботларни тасдиқлайди.¹

Мазкур қонунга мувофиқ эса маҳаллий солиқлар, йиғимлар, тўловлар бўйича имтиёзлар ўрнатиш маҳаллий ҳокимият вакиллик органлари томонидан ушбу имтиёзларни белгилаш ҳуқуқи берилган. Ушбу солиқлар бўйича имтиёзлар ҳокимликлар томонидан маҳаллий бюджет даромадларига тушадиган маблағлар даражасида берилган. Имтиёзлар энг аввало ҳудуднинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишидаги муаммоларни ечишга ижобий ёрдам

¹ Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 2 сентябрдаги “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги 913-сонли Қонуни



бериши керак. “Маҳаллий солиқлар бўйича имтиёзлар берилиши маҳаллий бюджетларнинг даромадларини шакллантиришда даромадларни тушиши камайишига олиб келади. Аммо, бу камайиш ўз навбатидасолиқ тўловчиларнинг молиявий аҳволини яхшиланиши ҳамда юзага келган муаммоларни ечилиши билан боғланиши зарур. Солиқлар бўйича маҳаллий ҳокимликлар томонидан енгилликлар берилиши республика (давлат) бюджети даромадлар қисмига салбий таъсир қилмаслиги лозим”¹.

Маҳаллий солиқлар ва йиғимлар белгиланиш усулига кўра Ўзбекистон Республикасининг қонунлари билан жорий этиладиган маҳаллий солиқлар ва йиғимлар, маҳаллий ҳокимият идоралари томонидан жорий этиладиган маҳаллий солиқлар ва йиғимларга бўлинади. Маҳаллий бюджет даромадлари ёки бириктирилган даромадлар, тўлиқ ҳамда қатъий белгиланган улушда бевосита маҳаллий бюджетга тушадиган маблағлардан иборат.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 2 сентябрдаги “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги 913-сонли қонуни
2. Касимова Г.А, Шаакрамов К.К Маҳаллий бюджетлар. – Т.:Молия, 2012. -260б.

¹ Касимова Г.А, Шаакрамов К.К Маҳаллий бюджетлар. – Т.:Молия, 2012. -260б.



БАНК ТИЗИМИДА РАҚАМЛИ МОЛИЯВИЙ ХИЗМАТЛАРНИНГАҲАМИЯТИ

Собиров Элдорбек Козимжон ўғли
Банк-молия академияси талабаси

Аннотация. Мазкур тезисда Ўзбекистонда сўнгги йилларда рақамли молиявий хизматларининг ривожланиш тенденцияси, унинг илмий-назарий асослари билан яқиндан танишиб чиқилган. Шунингдек, рақамли молиявий хизматларнинг банк тизимидаги ўрни, мижозларнинг кундан-кун рақамли молиявий хизматларга ошиб бораётган талаблари таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: рақамлаштириш, рақамли молиявий хизматлар, масофавий банк хизматлари, *m-banking*, банк маҳсулотлари, инновация, трансформация

Ўзбекистон амалиётида “рақамли банк” атамаси илк марта Марказий Банк Бошқарувининг 2018 йилда “Банкларни рўйхатга олиш ва фаолиятини лицензиялаш тартиби”га ўзгартишлар киритиш тўғрисида”ги қарорида киритилди. Мазкур ҳужжатга кўра “рақамли банк” - инновацион технологиялар ёрдамида масофадан туриб банк хизматларини кўрсатувчи банк ёки унинг таркибий бўлинмасига нисбатан қўлланилиши кўрсатиб ўтилган. Хусусан, инновацион банк технологиялари орқали масофавий банк хизматлари кўрсатишни такомиллаштириш Марказий банкнинг асосий вазифаларидан бири сифатида белгилаб олинди.¹

Таъкидлаб ўтиш керакки, 2020 йилга қадар Ўзбекистонда банкларни рақамлаштириш даражаси паст бўлган ва мамлакатимизда битта ҳам тўлиқ рақамли банк мавжуд эмас эди. 2020 йил январь ойида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Грузиянинг ТБС Банкига Тошкент шаҳрида ўз шўъбасини очиш учун дастлабки рухсатнома берди ҳамда апрель ойида эса ТБС Банк акциядорлик тижорат банки банк фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқи учун лицензия олди. Шунингдек, 2020 йил март ойида Марказий банкнинг Банк назорати қўмитаси Тошкент шаҳрида “Анор Банк” рақамли банкни ташкил этиш учун дастлабки рухсатнома беришга қарор қилди.

Қисқа вақт ичида банклар фаолиятини рақамлаштириш инқилоб даражасида ижобий тенденцияларга эришди. Ҳозирги кунда мижозлар мобил телефон орқали товарлар учун тўловни иловани босиш орқали тўлаши ёки банк балансини текшириши одатий ҳолга айланиб улгурди. Илғор технологиялар мижозларнинг эҳтиёжларини ўзгартиришига, янада мураккаб амалиётларни ҳам масофавий каналлар орқали амалга оширишга бўлган талабларини шакллантиришга олиб келди.

“Best Bank Awards 2020” танлови доирасида Asiamoney бизнес наشري “Агробанк”ни “Ўзбекистондаги энг яхши рақамли банк” деб тан олди. Ҳозирда Агробанк томонидан 260 000 га яқин мижозлари унинг мобил иловасидан, 52 118 таси эса бизнес-иловасидан фойдаланмоқда, бу эса уларга онлайн тарзда мурожаат қилиш ҳамда кредит олиш имконини беради. Агробанк амалиётида банк микрокредитларини бир неча дақиқада тасдиқлаши имкони яратилганлиги эътирофга лойиқдир.

Рақамли технологиялар мунтазам такомиллашиб боргани сайин, табиийки, соҳанинг қонунчилик асослари ҳам мустаҳкамланиб бораверади. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 19 февралдаги “Ахборот технологиялари ва коммуникациялари соҳасини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони мамлакатимизда рақамли банк трансформацияси учун муҳим асос ҳамда таянч вазифасини бажарди.²

Тижоратбанкларининг фаолиятларининг инновацион технологиялар орқали ташкиллаштиришга, мижозларга қулай банк хизматлари кўрсатишга катта урғу бериб келмоқдалар. Мазкур инновацион хизматларни тўловларни амалга ошириш воситларини такомиллаштириш тадбирлари орқали кўришимиз мумкин.

1 Постановление Правления Центрального банка Республики Узбекистан. «О внесении изменений и дополнения в положение о порядке регистрации и лицензирования деятельности банков». [Зарегистрировано Министерством юстиции Республики Узбекистан 31 июля 2018 г. Регистрационный № 2014-13].

2 Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 19 февралдаги “Ахборот технологиялари ва коммуникациялари соҳасини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони



Таъкидлаш жоизки, мобилъ тизимларнинг функционал имкониятларини кенгайтириш, ўз навбатида, идентификация қилиш тизимларини ривожлантириш заруриятини юзага келтиради. Масофадан идентификация қилиш банк хизматларини соддалаштиришган ҳолда, банк операцияларини назорат қилиш талабларини таъминлайди. Мижозлар учун эса банк хизматларидан қоғоз ҳужжатларни қайта тақдим қилмаган ҳолда фойдаланиш, банкнинг бир филиали мижози билан бўла туриб, бошқа филаллари ва келажакда бошқа банк хизматларидан фойдаланиш имкониятини беради.

Ўз навбатида, масофавий идентификация қилиш банк хизматлари таннархи камайиши натижасида янги мижозларни жалб қилиш ҳамда молия бозорида рақобатни ривожлантириш имкониятини беради. Натижада бу ишларни йўлга қўйиш банк даромадларини оширишга ҳам туртки бўлади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Постановление Правления Центрального банка Республики Узбекистан. «О внесении изменений и дополнения в положение о порядке регистрации и лицензирования деятельности банков». [Зарегистрировано Министерством юстиции Республики Узбекистан 31 июля 2018 г. Регистрационный № 2014-13].

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 19 февралдаги “Ахборот технологиялари ва коммуникациялари соҳасини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони



“КОРПОРАТИВ БОШҚАРУВ МОДЕЛЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШДА ОПТИМАЛЛАШТИРИШ МОДЕЛЛАРИНИНГ ЎРНИ”

Мадрахимов Бахтиёржон Абдувоҳид ўғли,
Ўзбекистон Республикаси банк-молия
академияси магистранти
Телефон: +998(91) 788 85 00
madraximovbaxtiyor667@gmail.com

Аннотация: Мазкур диссертацияда ишлаб чиқариш фаолиятидаги маҳсулотларнинг оптималлаштириш модели орқали мақбул вариантыни, яъни корхона ишлаб чиқарувчи барча турдаги маҳсулотлари ичида самараси юқори бўлган маҳсулотларга хом ашё сарфини йўналтириб, корхона фаолиятига ишлаб чиқарилиши натижасида молиявий томонлама зарар етказувчи маҳсулот турларини салмоқини камайтириш ёки бутунлай тўхтатиш масаласи кенг ёритилган. Бундан ташқари оптималлаштириш модели орқали объект ёки тизим ҳақида маълумот тўплаган ҳолда келгуси ҳаракатларни прогнозлаш ва бунинг натижасида оптимал ечим яратишдаги келиб чиқадиган муаммо ва зиддиятли ҳолатлар атрофлича таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: модел, функция, алгоритм, интеграция, оптималлаштириш модели, апраксемация, математик дастурлаш, оптимал алгоритм, чизиқсиз тенгламалар системаси, Ньютон – Рафсон усули, Хук – Дживс оптимал алгоритм усули

Abstract: This dissertation covers the optimal option of products in production activities through an optimization model, that is, the issue of reducing or completely stopping the absorption of financially damaging types of products as a result of production into the activities of the enterprise, directing the consumption of raw materials for products with high efficiency in all types of production of the enterprise. In addition, through the optimization model, a thorough analysis of the problem and conflict situations arising in the forecasting of future actions and, as a result, the creation of an optimal solution was carried out, collecting information about the object or system.

Keywords: model, function, algorithm, integration, optimization model, approximation, mathematical programming, optimal algorithm, system of nonlinear equations, Newton-Raphson method, Hooke-Geeves optimal algorithm method

Кириш

Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида ўзгарувчан рақобат муҳити ва бозор шароитини илғаб олиш, уларнинг ривожланиш қонуниятларини чуқур таҳлил қилишда иқтисодий-математик усуллар ва моделлардан фойдаланиш ёрдамида тақчил иқтисодий ресурсларни оптимал тақсимлаш, кўп вариантли муқобил ечимларни ишлаб чиқиш, таваккалчилик ва ноаниқлик шароитида оптимал иқтисодий қарорлар қабул қилиш, кейинчалик, бу қарорлар бажарилишини компьютер технологиялари орқали мониторинг қилиш масалаларининг назарий ва амалий томонларини ўрганишда “Корпоратив Бошқарув жараёнларини иқтисодий математик моделлаштириш” фани муҳим аҳамият касб этади.

Иқтисодий таҳлилда қўлланилаётган математик усуллар ривожланиб бораётган бозор иқтисодиётининг талабларига мос равишда шаклланаётган иқтисодиётнинг турли муаммоларини тўғри ва аниқчешига қаратилган бўлиб бошқариш, режалаштириш, тижорат, бухгалтерия ҳисоби ва статистика ҳамда башорат қилишда ва бошқа кўп ёъналишларда фойдаланилмоқда.

Ҳар бир замонавий ишлаб чиқариш корхонасида энг юқори фойда олишга интилиб, чегараланган ишлаб чиқариш ресурсларидан оптимал фойдаланиш ёъллари қидириб топилмоқда. Натижада эса ишлаб чиқаришга сарфланаётган харажатлар миқдори камайиш эвазига, соф фойда миқдори ошиб бормоқда.

Кўплаб корхона раҳбарларига ва менежерларга ишлаб чиқариш кўрсаткичларининг келгусидаги ҳолати қандай бўлиши муҳим ҳисобланади. Чунки бозордаги ноаниқлик ва таваккалчилик уларни максимал фойда олиш учун қайси ресурсдан қанча миқдорга эга бўлишини, бозор баҳоларининг ҳолати қандай ўзгаришини олдиндан билишга мажбур этади.

Рақобат шароитида корхона ва фирмаларни бошқариш ва режалаштириш жараёнида,



иктисодчи қуйидаги хусусиятларга эга бўлган масалаларга дуч келади:

- 1) изланаётган миқдорларга жуда кўп чекланишлар қўйилади;
- 2) масала чексиз кўп ечимга эга бўлиб, улардан энг яхшисини танлаб олиш керак бўлади.

Масаланинг бундай қўйилиши иқтисодчи ёки менежер учун катта қийинчиликлар туғдиради.

Аниқ иқтисодий масалани ечиш учун масалани математика тилида ифодалаш (бошқача қилиб айтганда, иқтисодий масала шартини математик модель билан ифодалаш) керак бўлади. Бу жараён икки босқичдан ташкил топади:

1. Изланаётган мақсад, изланаётган миқдорлар бирор боғланиш кўринишида берилади (ишлаб чиқарилган маҳсулотларни сотишдан келадиган фойда, ишлаб чиқаришга сарфланадиган молиявий ресурслар, юкларни ташишга кетадиган харажатлар ва бошқалар). Ҳосил бўлган ифода мақсад функция ёки мазкур масаланинг функционали дейилади.

2. Изланаётган миқдорларга қўйиладиган чекланишлар (чегаравий шартлар) миқдорий ифодаланади. Улар ресурсларнинг миқдори, маълум талабларни қондириш зарурати, технология шароити ва бошқа иқтисодий ҳамда техникавий омилларнинг ишлатилишидан келиб чиқади. Одатда бундай чегаравий шартлар тенгсизликлар ёки тенгламалар орқали ифодаланади. Математик кўринишда ифодаланган бундай чегаравий шартлар, мазкур масаланинг чекланишлар системаси дейилади.

Агар мақсад функция мусбат иқтисодий омилни ифодаласа (масалан, фойда ёки даромад), у ҳолда мақсад функциянинг максимум қиймати изланади, харажатларни камайтириш масалаларида эса мақсад функциянинг минимумини излаш керак бўлади. Номаълумларнинг сонли қийматлари тўпламини масаланинг режаси дейилади. Чекланишлар системасини қаноатлантирувчи ҳар қандай режа мумкин бўлган режа дейилади. Мақсад функцияга максимум (ёки минимум) қиймат бера оладиган мумкин бўлган режа, оптимал режа дейилади. Шундай қилиб, математик дастурлаш масалани ечиш мумкин бўлган барча режалар орасидан оптималини топиш демакдир.

Агар мақсад функция ҳамда чекланишлар системасига кирадиган ифодалар чизиқли бўлса, у ҳолда чизиқли дастурлаш дейилади. Агар мақсад функция ёки чекланишлар системаси чизиқсиз ифодалардан ташкил топса, у ҳолда чизиқсиз дастурлаш дейилади. Математик дастурлаш ҳар икки ҳолни ҳам ўз ичига олади. Амалиётда чизиқли дастурлаш кенг тарқалган бўлиб, ушбу синфга кирувчи масалаларни ечишнинг усуллари мукамал ишлаб чиқилган.

Адабиётлар шарҳи. Оптималлаштириш масаласининг функцияларни максимум ва минимумини топиш билан боғлиқ усуллари кўплаб олимлар томонидан назарияда амалий мисоллар орқали татбиқ этилган ва бу ўз самарасини берганлигига ҳозирги кунда ўзимиз гувоҳ бўлиб турибмиз. Ҳозирги кунда чуқур ўрганилиши натижасида аниқлиги ошган бу моделлаштириш тури кенг миқёсда қўлланилиб келмоқда. Дастурлаш маълум нуқтаи назардан қабул қилинган мезонга асосан оптимал бўлади. Математик дастурлашга фан сифатида нобел мукофотининг лауреате, академик Л.В.Канторович асос солди. Оптималлаштириш моделининг тадқиқотчилари сифатида Ньютон – Рафсон, Хук – Дживс, Пауэлл ва бошқа олимларни мисол қилиб келтиришимиз мумкин. Бу олимларнинг тадқиқотлари натижасида маълум бир турдаги усул сифатида оптимал алгоритмни ташкил этади. Шундай қилиб Ньютон – Рафсон усули оптимал алгоритми мазмун моҳияти шундан иборатки, кўплаб вазиятларда турли даражадаги ихтиёрий кўринишдаги системани ечиш схемаси мавжуд бўлмайди, яъни номаълумлар сони кўп бўлиб, система ягона ечимга эга бўлмаса, системани ечиш қийин ҳисобланади, ихтиёрий кўринишдаги системани ечиш схемаси мавжуд бўлмаганлиги сабабли бу системани ечиш учун тақрибий усуллардан бири-Ньютон – Рафсон усулини қўллашимиз мумкин. Бу усул чизиқсиз тенгламалар системасини сонли ечиш усулидан иборатдир.

Бу усулдан ташқари юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, Хук – Дживс оптимал алгоритм усули ҳам ҳозирги кунгача амалда қўлланилаётган усуллардан бири бўлиб ҳисобланади. Бу рекурсив йўналишидаги ихтиёрий тўланма тўлаш усули оддий усулдан биридир. Стратегик қидирувнинг бир ёки бир неча йўналишлари ҳар қайси интеграцияда аниқланади ва мақсадли функциянинг глобал қидирув тугинига имкон беради. Қаралаётган соҳанинг қидирув тугинини аниқлаш учун ҳар иккала ҳолда ҳам тизимининг чизиқлилигидан фойдаланиб $f(x)$ функциянинг берилган аниқланиш соҳасида базис ҳосил қилиши лозим.



Уч ўзгарувчили оптимум функцияни қидиришни икки йўналишда олиб бормаслик керак. Бу ердан кўриниб турибдики, қаралаётган қидирув тизими Н - векторнинг ўлчами бўлганда қўлланилади. Кўплаб қидирув тизимида Рекурсив танлашнинг элементар усули бу ҳар доим битта ўзгарувчини силлиқ ўзгартириш усулидир.

Қидирув тизимларининг кўп ҳолларида фазода бошқариладиган ўзгарувчан масалалар координаталар йўналиши танлаб олинади. Кейин ҳар қайси координаталар йўналиши кетма - кетлигида оптимум нуқтаси бир ўзгарувчили оптимум масалани ечиш усулида қидирув олиб борилади. Агар мақсадли функция сферик симметрия. хоссаларини номоён қилса . бундай қидирувда агар функциянинг чизик сатҳи. эгилган ёки чўзилган бўлса итерация чексиз камаювчи қадамга айланади ёки қидирув натижа бермайди. Пауэлл методининг оптимал алгоритми функциялар апраксемацияланади, минимум нуқталар танлаб олиниб улар ҳам апраксемацияланади ва шундан сўнг ҳар бир ечимга олиб боровчи йўл қадам-қадам шакллантирилади. Агар олинган функциянинг қиймати ва олдинги кичик қиймати билан фарқи берилган аниқликдан кичик бўлса алгоритм тўхтайдди. Алгоритм бу қадамда тўхтамаса у ҳолда функциянинг катта қиймати бўлган нуқта ташланади ва бундан олдинги қадамга ўтилади. Агар аниқлик э жуда ҳам кичик қийматга эга бўлса а, п, ж , ф (а), ф (п), ф ж) бир- бирига жуда яқин жойлашади ва с ни ҳисоблаш масаласи мураккаблашади ёки с ни ҳисоблаб бўлмайди.

Методология. Ушбу иш ҳозирги кунда долзарб муаммолардан бири бўлиб ҳар қандай ишлаб чиқариш жараёни борки шу моделлаштириш усули орқали янада ривожлантирилиши мумкин. Бунда биз биринчи навбатда долзарб деб билган муаммойимизни таҳлилий натижаларга тайёрлаймиз, яъни муаммойимизнинг қай даражадаги муаммо ва у қай даражада таъсирга эга эканлигини ўрганамиз. Турли ечиш йўллари ва йўналишлари ўрганилиб чиқилади. Шундан сўнг бу муаммони ечиш давомида турли камчиликларга юзланамиз, шундай вазиятда биз каби бу ишимиз бўйича тадқиқот ўтказган олимлар борасида фикр ва мулоҳазалар юритамиз, уларнинг иш фаолиятига назар ташлаймиз ва ўрганамиз. Етарлича билим, кўникма ва мулоҳазага эга бўлганимиздан сўнг тўпланган билим кўникмаларимизни муаммо сифатида олган ишимизга қаратиб таҳлилий натижаларга киришамиз. Бу жараён қанчалик жозибадор бўлиши объектимизнинг тузилиши, кўрсаткичларига боғлиқ. Бу жараёнда биз объект танлаймиз ва уни ўрганиб кўрсаткичларини моделимиз асосида таҳлилий натижаларни келтириб чиқарамиз ва шу кетма-кетликда хулосалаймиз. Хулосалаш албатта жозибадорликка ва аниқликка асосланган бўлиши лозим.

Таҳлил

1-жадвал

Фотон АЖ ишлаб чиқарувчи диод турлари ва унинг таркиби жадвали

	Паст частотали	Юқори частотали	Туннель	Варикап	Генератор	Стабилитрон	Захира
Германий	10	11	7	14	3	16	1000
Кремний	3	5	5	3	11	4	1000
Фосфор	7	6	5	5	2	9	1000
Силикон	3	4	8	4	15	3	1000
Галюм	8	12	11	8	5	3	1000

Акциядорлик жамияти ишлаб чиқараётган маҳсулот 4 та турдаги хомашёни аралаштириш асосида ишлаб чиқарилади. Амалда эса бундан ташқари бошқа хомашёлар ҳам маҳсулот таркибини ташкил этади, аммо бу 4 турдаги хом ашё бир негизга эга бўлган маҳсулотларни ташкил этади ва буни биз оптималлаштириш модели асосида қайси турдаги маҳсулот компания ишлаб чиқариши учун кўпроқ фойда беришини исботлаймиз.



1-жадвал

Фотон АЖ ишлаб чиқарувчи диод турлари ва унинг таркибини оптималлаштирувчи модели

	Паст частотали	Юкори частотали	Туннель	Варикап	Генератор	Стабилитрон	Захира	Ишлатилган захира
Германий	10	11	7	14	3	16	1000	61
Кремний	3	5	5	3	11	4	1000	31
Фосфор	7	6	5	5	2	9	1000	34
Силикон	3	4	8	4	15	3	1000	37
Галюм	8	12	11	8	5	3	1000	47
Фойда	20000	70000	65000	90000	75000	115000	MAX	
Микдор	1	1	1	1	1	1		
Фойда микдори	20000	70000	65000	90000	75000	115000	435000	

Бу жадвалда келиб чиқиб айтадиган бўлсак, модель **max** фойда оладиган маҳсулотга нисбатан олинсин деб айта оламиз.

1) Мақсад функцияси

2) $\Phi(x)=20000x+70000y+65000z+90000q+75000p+115000n$ ақуидаги чегаравий шартларга риоя қилиш зарур :

$$x_j \geq 0, (j = \overline{1, n})$$

$y=1,2,3$

$$\sum_{i=1}^m \sum_{j=1}^n c_{ij} x_{ij} \rightarrow \min(\max)$$

$$\sum_{\text{хиж}} \text{аижхиж} \leq \text{биж},$$

$$\text{хиж} \geq 0.$$

2-жадвал

Фотон АЖ ишлаб чиқарувчи диод турлари ва унинг таркиби оптимал ечими

	Паст частотали	Юкори частотали	Туннель	Варикап	Генератор	Стабилитрон	Захира	Ишлатилган захира
Германий	10	11	7	14	3	16	1000	1000
Кремний	3	5	5	3	11	4	1000	824
Фосфор	7	6	5	5	2	9	1000	580
Силикон	3	4	8	4	15	3	1000	996
Галюм	8	12	11	8	5	3	1000	436
Фойда	20000	70000	65000	90000	75000	115000	MAX	
Микдор	0	0	0	0	56	52		
Фойда микдори	0	0	0	0	4200000	5980000	10180000	

Демак, жадвалдаги ечимга асосланадиган бўлсак, Фотон АЖ учун бу турдаги диодларни ишлаб чиқариш фойда келтириш нуқтаи назаридан камроқ таъсирга эга экан. Жадвалдаги маълумотга асосланадиган бўлсак, Генератор, Стабилитрон диодлари бу акциядорлик жамияти учун бошқа бир турдаги диодлардан кўра фойда келтириш омили юқорироқ натижа бермоқда. Бу турдаги диодларни ишлаб чиқариш корхона ривожига ва истиқболли фойдаларни таъминлайди. Ечимдан бизга маълум бўладики, 1-турдаги хом ашёгина тўлиқ сарфланган, қолган хом ашёлар омборда қолган. 2 турдаги диод ишлаб чиқариб, 10 180 000



сўм фойда олиш жадвалдан маълум. Бундан ташқари хом ашё ҳам омборда қолган бундан кейинги ишлаб чиқариш жараёнларида қатнашади.

Хулоса

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, ушбу ишимиз ўз ниҳоясигача аниқ ва мукаммал тарзда ишланган маълумотлар билан таҳлил қилинди, унга кўра танлаган объектимиз ишлаб чиқариш жараёнини оптимал усули ёрдамида моделлаштирилса, ҳозирги ҳолатданда самаралироқ ишлар эди. Юқорида кўриб ўтдик ва маълумотларга асосланадиган бўлсак, танлаган объектимиз ўз фаолияти давомида маҳсулот ишлаб чиқарарди ва бу самарадорлиги қайсидир маҳсулот тури эвазига пастроқ натижани берарди. Ушбу ҳолатни моделлаштиришимиз орқали ўша камчиликни кўрсатиб математик усуллар ёрдамида исботлаб бердик.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналари фаолиятини таҳлил қилишда фойдаланиладиган иқтисодий-математик модель, текширилаётган иқтисодий масаланинг барча талаб ва шартларини тенгламалар ёки тенгсизликлар системаси кўринишида ифодалайди. Бу ерда масалани ечишда иқтисодий мақсадни ифодаловчи функциянинг хусусиятини аниқлаш асосий талаблардан бири бўлиб, у моделнинг омиллари билан миқдорларнинг қийматларини математик нуқтаи назардан боғловчи вазифасини бажаради.

Иқтисодий-математик моделлар ечилаётган иқтисодий масалани бузмасдан уни имкон борича тўғри ифодалаб, эҳм ёрдамида энг муқобил, яъни оптимал ечимини топиб бериши керак ва бу олинган натижани кичик бизнес ва хусусий корхоналари фаолиятини ўрганишда ҳамда амалиётга қўллашга қулай бўлиши керак.

Математикадан иқтисодиётда фойдаланиш устида гап кетганда турли иқтисодий ҳисоблашлар устида эмас, балки математикадан иқтисодий қонуниятларни ўрганиш, яъни назарий хулосалар чиқариш назарда тутилади.

Математиканинг афзаллиги, текширилаётган объект ўрнини маълум маънода эгаллаши мумкин бўлган математик моделлар билан алмаштириш мумкинлигидадир. Иқтисодий жараёнларнинг асосий хусусиятларини математик муносабатлар ёрдамида акс эттирувчи иқтисодиётнинг математик моделлари мураккаб иқтисодий муаммоларни текширишда самарали восита ва математик моделлаштиришнинг қўлланишини ЭҲМларнинг ривожланишидир.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. X.M. Shodimetov, N.A. Asqarov, B.N. Abduqayumov “iqtisodiy-matematik usullar va modellar “2010-yil
2. Iqtisodiy matematik usullar va modellar: o'quv qo'llanma./Habibullaye,' I.: O'zbekiston Respublikasi Oliy va o'rta maxsus ta'lim vazirligi. -Toshkent: «Tafakkur-Bo'stoni», 2012. 112 b.
3. [Http://uz.Denometr.Com/docs/769/index-109139-5.Html?Page=9](http://uz.Denometr.Com/docs/769/index-109139-5.Html?Page=9)
4. [Http://tami.Uz/matnga_qarang.Php?Id=101](http://tami.Uz/matnga_qarang.Php?Id=101)
5. [Http://library.Ziyonet.Uz/ru/book/5989](http://library.Ziyonet.Uz/ru/book/5989)



**“КОРПОРАТИВ БОШҚАРУВ ЖАРАЁНЛАРИНИ ИҚТИСОДИЙ МАТЕМАТИК
МОДЕЛЛАШТИРИШ ОРҚАЛИ КОРПОРАТИВ БОШҚАРУВ МОДЕЛЛАРИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ”**

Мадрахимов Бахтиёржон Абдувоҳид ўғли,
Ўзбекистон Республикаси банк-молия
академияси магистранти
Телефон: +998(91) 788 85 00
madraximovbaxtiyor667@gmail.com

Аннотация: Мазкур диссертацияда оптималлаштириш модели орқали объект ёки тизим ҳақида маълумот тўплаган ҳолда келгуси ҳаракатларни прогнозлаш ва бунинг натижасида оптимал ечим яратишдаги келиб чиқадиган муаммо ва зиддиятли ҳолатлар атрофлича таҳлил қилинган. Шу билан бирга ушбу диссертацияда ишлаб чиқаришнинг назарий ва ҳукукий асослари, статистик маълумотлар таҳлили ҳамда ишлаб чиқариш самарадорлигини такомиллаштириш бўйича илмий, амалий хулоса ва таклифлар берилган.

Калит сўзлар: модел, функция, алгоритм, интеграция, оптималлаштириш модели, математик дастурлаш, оптимал алгоритм.

Abstract: This dissertation analyzes in detail the problem and conflict situations arising from the forecasting of future actions and, as a result, the creation of an optimal solution by collecting information about an object or system through an optimization model. At the same time, this dissertation provides theoretical and legal foundations of production, analysis of statistical data and scientific, practical conclusions and proposals for improving production efficiency.

Keywords: model, function, algorithm, integration, optimallashtirish models, mathematician dasturlash, optimal algorithm.

Кириш

Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида ўзгарувчан рақобат муҳити ва бозор шароитини илғаб олиш, уларнинг ривожланиш қонуниятларини чуқур таҳлил қилишда иқтисодий-математик усуллар ва моделлардан фойдаланиш ёрдамида тақчил иқтисодий ресурсларни оптимал тақсимлаш, кўп вариантли муқобил ечимларни ишлаб чиқиш, таваккалчилик ва ноаниқлик шароитида оптимал иқтисодий қарорлар қабул қилиш, кейинчалик, бу қарорлар бажарилишини компьютер технологиялари орқали мониторинг қилиш масалаларининг назарий ва амалий томонларини ўрганишда “Корпоратив Бошқарув жараёнларини иқтисодий математик моделлаштириш” фани муҳим аҳамият касб этади.

Иқтисодий таҳлилда қўлланилаётган математик усуллар ривожланиб бораётган бозор иқтисодиётининг талабларига мос равишда шаклланаётган иқтисодиётнинг турли муаммоларини тўғри ва аниқчишга қаратилган бўлиб бошқариш, режалаштириш, тижорат, бухгалтерия ҳисоби ва статистика ҳамда башорат қилишда ва бошқа кўп ёъналишларда фойдаланилмоқда.

Ҳар бир замонавий ишлаб чиқариш корхонасида энг юқори фойда олишга интилиб, чегараланган ишлаб чиқариш ресурсларидан оптимал фойдаланиш ёъллари кидириб топилмоқда. Натижада эса ишлаб чиқаришга сарфланаётган харажатлар миқдори камайиш эвазига, соф фойда миқдори ошиб бормоқда.

Кўплаб корхона раҳбарларига ва менежерларга ишлаб чиқариш кўрсаткичларининг келгусидаги ҳолати қандай бўлиши муҳим ҳисобланади. Чунки бозордаги ноаниқлик ва таваккалчилик уларни максимал фойда олиш учун қайси ресурсдан қанча миқдорга эга бўлишини, бозор баҳоларининг ҳолати қандай ўзгаришини олдиндан билишга мажбур этади.

Рақобат шароитида корхона ва фирмаларни бошқариш ва режалаштириш жараёнида, иқтисодчи қуйидаги хусусиятларга эга бўлган масалаларга дуч келади:

- 1) изланаётган миқдорларга жуда кўп чекланишлар қўйилади;
- 2) масала чексиз кўп ечимга эга бўлиб, улардан энг яхшисини танлаб олиш керак бўлади.

Агар мақсад функция мусбат иқтисодий омилни ифодаласа (масалан, фойда ёки даромад), у ҳолда мақсад функциянинг максимум қиймати изланади, харажатларни камайитириш масалаларида эса мақсад функциянинг минимумини излаш керак бўлади. Номаълумларнинг сонли қийматлари тўпламини масаланинг режаси дейилади. Чекланишлар системасини



қаноатлантирувчи ҳар қандай режа мумкин бўлган режа дейилади. Мақсад функцияга максимум (ёки минимум) қиймат бера оладиган мумкин бўлган режа, оптимал режа дейилади. Шундай қилиб, математик дастурлаш масалани ечиш мумкин бўлган барча режалар орасидан оптималини топиш демакдир.

Агар мақсад функция ҳамда чекланишлар системасига кирадиган ифодалар чизикли бўлса, у ҳолда чизикли дастурлаш дейилади. Агар мақсад функция ёки чекланишлар системаси чизиксиз ифодалардан ташкил топса, у ҳолда чизиксиз дастурлаш дейилади. Математик дастурлаш ҳар икки ҳолни ҳам ўз ичига олади. Амалиётда чизикли дастурлаш кенг тарқалган бўлиб, ушбу синфга кирувчи масалаларни ечишнинг усуллари мукаммал ишлаб чиқилган.

Оптималлаштириш масаласининг функцияларни максимум ва минимумини топиш билан боғлиқ усуллари кўплаб олимлар томонидан назарияда амалий мисоллар орқали татбиқ этилган ва бу ўз самарасини берганлигига ҳозирги кунда ўзимиз гувоҳ бўлиб турибмиз. Ҳозирги кунда чуқур ўрганилиши натижасида аниқлиги ошган бу моделлаштириш тури кенг миқёсда қўлланилиб келмоқда. Дастурлаш маълум нуқтаи назардан қабул қилинган мезонга асосан оптимал бўлади. Математик дастурлашга фан сифатида нобел мукофотининг лауреате, академик Л.В.Канторович асос солди. Оптималлаштириш моделининг тадқиқотчилари сифатида Ньютон – Рафсон, Хук – Дживс, Пауэлл ва бошқа олимларни мисол қилиб келтиришимиз мумкин. Бу олимларнинг тадқиқотлари натижасида маълум бир турдаги усул сифатида оптимал алгоритмни ташкил этади. Шундай қилиб Ньютон – Рафсон усули оптимал алгоритми мазмун моҳияти шундан иборатки, кўплаб вазиятларда турли даражадаги ихтиёрий кўринишдаги системани ечиш схемаси мавжуд бўлмайди, яъни номаълумлар сони кўп бўлиб, система ягона ечимга эга бўлмаса, системани ечиш қийин ҳисобланади, ихтиёрий кўринишдаги системани ечиш схемаси мавжуд бўлмаганлиги сабабли бу системани ечиш учун тақрибий усуллардан бири- Ньютон – Рафсон усулини қўллашимиз мумкин. Бу усул чизиксиз тенгламалар системасини сонли ечиш усулидан иборатдир.

Хулоса

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналари фаолиятини таҳлил қилишда фойдаланиладиган иқтисодий-математик модель, текширилаётган иқтисодий масаланинг барча талаб ва шартларини тенгламалар ёки тенгсизликлар системаси кўринишида ифодалайди. Бу ерда масалани ечишда иқтисодий мақсадни ифодаловчи функциянинг хусусиятини аниқлаш асосий талаблардан бири бўлиб, у моделининг омиллари билан миқдорларнинг қийматларини математик нуқтаи назардан боғловчи вазифасини бажаради.

Иқтисодий-математик моделлар ечилаётган иқтисодий масалани бузмасдан уни имкон борича тўғри ифодалаб, эҳм ёрдамида энг муқобил, яъни оптимал ечимини топиб бериши керак ва бу олинган натижани кичик бизнес ва хусусий корхоналари фаолиятини ўрганишда ҳамда амалиётга қўллашга қулай бўлиши керак.

Математикадан иқтисодиётда фойдаланиш устида гап кетганда турли иқтисодий ҳисоблашлар устида эмас, балки математикадан иқтисодий қонуниятларни ўрганиш, яъни назарий хулосалар чиқариш назарда тутилади.

Математиканинг афзаллиги, текширилаётган объект ўрнини маълум маънода эгаллаши мумкин бўлган математик моделлар билан алмаштириш мумкинлигидадир. Иқтисодий жараёнларнинг асосий хусусиятларини математик муносабатлар ёрдамида акс эттирувчи иқтисодиётнинг математик моделлари мураккаб иқтисодий муаммоларни текширишда самарали восита ва математик моделлаштиришнинг қўлланишини ЭҲМларнинг ривожланишидир.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. X.M. Shodimetov, N.A. Asqarov, B.N. Abduqayumov “iqtisodiy-matematik usullar va modellar “2010-yil
2. Iqtisodiy matematik usullar va modellar: o'quv qo'llanma./Habibullaye,' I.: O'zbekiston Respublikasi Oliy va o'rta maxsus ta'lim vazirligi. -Toshkent: «Tafakkur-Bo'stoni», 2012. 112 b.
3. [Http://uz.Denometr.Com/docs/769/index-109139-5.Html?Page=9](http://uz.Denometr.Com/docs/769/index-109139-5.Html?Page=9)
4. [Http://tami.Uz/matnga_qarang.Php?Id=101](http://tami.Uz/matnga_qarang.Php?Id=101)
5. [Http://library.Ziyonet.Uz/ru/book/5989](http://library.Ziyonet.Uz/ru/book/5989)



ЎЗБЕКИСТОНДА БЮДЖЕТ ТИЗИМИ БЮДЖЕТЛАРИНИНГ ҒАЗНА ИЖРОСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Нормўминов Жуманазар Равшанович

Ўзбекистон Республикаси

Банк-молия академияси магистранти

ТЕЛ: 998 97 351 84 00

АННОТАЦИЯ: Мазкур диссертация ишида Давлат бюджети Ғазна ижросини таҳлил ва мониторинг қилиш тартибини такомиллаштириш, бюджет маблағлардан оқилона фойдаланиш бўйича олиб борилган тадқиқотлар баёни келтирилган. Унда дунёнинг кўплаб ривожланган мамлакатлари амалиётида қўлланилаётган Ғазна ижросида бюджет маблағларининг сарфланиши устидан мониторинг қилиш юлларини такомиллаштириш, таҳлил ва мониторинг қилиш турлари, шакллари ва самарадорлигини баҳолашни усуллари, шунингдек, илмий ва амалий таклиф ҳамда тавсиялар берилган.

Калит сўзлар: Давлат бюджети, давлат бюджети ғазна ижроси, Ғазначилик тизими, Ғазначиликда назорат ва мониторинг, давлат харидлари, харидлар жараёни.

ANNOTATION: In this dissertation, a statement of researches on improving the procedure of analysis and monitoring of State Budget Treasury execution, rational use of budget funds is given. It contains scientific and practical proposals and recommendations for improvement of the ways of monitoring over the use of budget funds in the practice of many developed countries of the world, methods of analysis and evaluation of types, forms and effectiveness of monitoring.

Key words: State budget, state budget treasury execution, Treasury system, Treasury control and monitoring, state procurement, procurement process.

КИРИШ.

Хозирги кунда Ўзбекистонда барча соҳаларда улкан ислохотлар амалга оширилмоқда. Президентимиз бюджет маблағларидан оқилона ва мақсадли фойдаланилишини таминлаш учун кенг қўламли ишларни амалга оширмоқдалар.

Айни вақтда Ўзбекистонда Давлат бюджети маблағларини касса ижросини амалга ошириш, бюджет ташкилоти шартномалари ва нақд пулларни бошқариш каби фаолият турлари айнан ғазначилик томонидан бажарилиб келинаётганини инобатга олсак, Ўзбекистон Республикасида ғазначилик фаолиятини янада такомиллаштириш жараёнида назоратнинг устунликлари ва халқаро тажрибаларининг ижобий жihatларидан самарали фойдаланишга эътибор қаратиш, ғазначилик операцияларини назорат қилишни такомиллаштириш, таҳлил ва мониторинг қилиш тартибини янада такомиллаштиришнинг истиқболли юналишларини излаб топиш бугунги кундаги долзарб масалалардан бири ҳисобланади.

Таҳлил ва натижалар муҳокамаси.

Давлат бюджети ижросининг ғазначилик тизими жуда кўплаб ривожланган мамлакатларда бюджет ижроси жараёнини тўлиқ автоматлаштириш яъни бюджет ижроси жараёнига информацион технологияларни тўлиқ жалб қилиш орқали кечадиган тизим ҳисобланади.

У жаҳоннинг кўплаб ривожланган мамлакатларида мавжуд бўлишига қарамасдан уларнинг ҳеч бири бир-бирини айнан такрорламайди.

Ғазначилик органлари иш фаолиятини бошқариш тизимини яхшилашни қуйидаги икки йўналишда олиб бориш мақсадга мувофиқ:

1) бошқарув тузилмасини соддалаштириш, таҳлил қилиш ва башорат қилиш усуллари-нинг жорий этилишини назарда тутувчи бошқарув шакллари ва усуллари такомиллаштириш;

2) молиявий-иқтисодий ахборотларга ишлов бериш учун АКТни қўллаш йўли билан бошқарув шакллари ва усуллари макбуллаштириш.

Ғазначилик тизими ўзгарувчан бўлиб, у доимий равишда ривожланиш ва модификацияланиб туриш хусусиятларига эга (А.С.Костюченко 2010).

Ғазначилик деб аталадиган органлар давлат молиясини бошқаришга тааллуқли турли вазифаларни бажарадилар. “Ҳукумат томонидан молиявий операцияларни бошқаришдаги



унинг асосий вазифалари этиб қуйидагилар белгиланган¹:

1. Давлат молиясини бошқариш.
2. Бюджетни ижро этиш.
3. Бухгалтерия ҳисоб-китобини юритиш.
4. Назорат қилиш ва баҳолаш.

Давлат молиясини бошқаришни ўзи турли йўналишларга эга:

а) Накд маблағларни бошқариш.

Бюджет даромадларини ижросидаги бу фаолиятни йўналишлари қуйидагилардан иборат:

- солиқларни ва бошқа тушумларни йиғиш;
- даромадларнинг тушумларини тушишини назорат қилиш;
- тушумларни йиғишда банк билан бўладиган муносабатларни амалга ошириш;
- давлат бошқарув органларининг турли даражалари ўртасида даромадларни тақсимлаш;
- ресурсларни тақсимлаш ёки лимитларни белгилаш;
- харажатларни молиялаштириш учун талабномаларни тасдиқлаш ва уларни тўлаш.

б) Молиявий режалаштириш.

Давлат харажатларини молиялаштириш учун керак бўладиган ғазначиликнинг ягона ҳисобрақамига тушадиган тушумларни тахминлаштиришни кўзда тутати.

в) Давлат қарзларини бошқариш.

г) Давлатнинг молиявий активлари устидан назорат қилиш.

Биз мазкур бобда давлат тузилиши турлича бўлган АҚШ, Франция, Австралия, каби мамлакатлар мисолида ғазначиликнинг функцияларини қандай тақсимланишини таҳлил қилиб кўрамиз.

Америка Қўшма Штатларида давлат бюджетини ишлаб чиқиш ва ижросини амалга ошириш тизими билан қуйидагит ташкилотлар шуғулланади.

ХУЛОСАЛАР:

1. Электрон дўкон орқали харид қилиш жараёнида товар ва иш хизматларнинг тегишли бўлмаган харажат моддаларидан харид қилинганлик ҳолатларини олдини олиш учун махсус платформада харажатлар моддалари танланиш ҳолатини такомиллаштириш.

2. Танлов орқали ўтказиладиган давлат харидлари жараёнини тўлиқ автоматлаштирган ҳолда инсон омили аралашувини тўлиқ бекор қилиш. Бунда танлов ғолибини дастурнинг ўзи автомат тарзда танлаш тизимини жорий этиш.

3. Бюджет ташкилоти бош ҳисобчиларининг давлат харидлари бўйича молиявий саводхонлигини ошириш учун семинар - тренингларнинг тез тез ташкил этиб турилиши.

Ўзбекистон Республикасининг Қонунлари.

1. Ўзбекистон Республикаси Бюджет кодекси. 26 декабр 2013 йил (ўзгартириш ва қўшимчалар билан).

2. Ўзбекистон Республикасининг “2020 йил учун Ўзбекистон Республикасининг давлат бюджети тўғрисида”ги қонуни. 2019 йил 9 декабр.

3. Ўзбекистон Республикаси “Давлат бюджети ғазна ижроси тўғрисида”ги қонун 2004 йил 26 август.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарлари

1. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. Тошкент, “Ўзбекистон”. 2017 йил.

2. Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш-юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. Тошкент, “Ўзбекистон”. 2016 йил.

¹ Тереза Тер-Минасян, Педро П. Паренте, Педро Мартинес-Мендес. Создание казначейства в странах с переходной экономикой. МВФ. 1995г.



ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ ДАРОМАДЛАРИНИ ШАКИЛЛАНТИРИШДА СОЛИҚЛАРНИНГ ТУТГАН ЎРНИ ВА АҲАМИЯТИ

Отажонов Нейматжон Аминбой ўғли
Ўз.Р. БМА Магистранти

Аннотация: Мазкур тадқиқотда республика давлат бюджети даромадларини шакллантиришда солиқ органлари фаолиятини янада автоматлаштириш орқали солиқ назоратини такомиллаштириш йўллари ўрганиб чиқилган. Шунингдек, мавзуга оид адабиётлар шарҳи ва айрим ҳуқуқий жиҳатлари баён этилган. Давлат бюджети даромадларини шакллантирилиши уларга таъсир этувчи омиллар ҳамда дастурий маҳсулотларни такомиллаштириш орқали олдини олиш имкониятлари ёритилган. Амалга оширилган тадқиқотлар натижасида ҳулосалар шакллантирилиб, тегишли илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: Бюджет даромадлари, солиққа назорати, ахборот-коммуникация технологиялари, маълумотлар базаси, интеграция, маҳаллий бюджет, солиқ тўловчилар, республика бюджети

Annotation: In this study, ways to improve tax control by further automating the activities of tax authorities in the formation of state budget revenues of the republic have been studied. Also, a literature review on the topic and some legal aspects are described. The factors affecting the formation of state budget revenues and the possibilities of prevention by improving software products are highlighted. As a result of the conducted research, conclusions were formed, appropriate scientific proposals and practical recommendations were developed.

Keywords: Budget revenues, tax control, information and communication technologies, database, integration, local budget, taxpayers, republican budget

КИРИШ

Давлат бюджети – мамлакат иқтисодий ва ижтимоий соҳасининг ривожланишига таъсир этувчи асосий воситадир. Унинг ёрдамида давлат миллий даромад ва бойликни қайта тақсимлаш орқали ижтимоий ишлаб чиқаришнинг таркибини ўзгартириши, хўжалик юритувчи субъектлар самарадорлигига таъсир этиши, ижтимоий ислохотларни амалга ошириши мумкин. Бошқача қилиб айтганда давлат бюджети – давлатнинг иқтисодиётни бошқаришдаги асосий воситасидир.

Давлат ўз функциясини бажариши чоғида кўплаб ҳаражатлар қилинади (сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий мақсадларда қилинган ҳаражат гуруҳларига ажратиш мумкин). Ушбу ҳаражатларни қоплаш учун давлат бюджети даромад (солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар, давлат активларини жойлаштириш, фойдаланишга бериш ва сотишдан олинган даромадлар, мерос, ҳадя ҳуқуқи бўйича давлат мулкига ўтган пул маблағлари, юридик ва жисмоний шахслардан, шунингдек чет давлатлардан тушадиган қайтарилмайдиган пул тушумлари, резидент-юридик шахсларга берилган бюджет ссудалари, кредит линиялари ва чет давлатларга ажратилган кредитлар маблағларини қайтариш ҳисобига тўловлар, шунингдек улар бўйича фоизли тушумлар, қонунчиликка мувофиқ бошқа даромадлар) манбаларига эга бўлиб, уларнинг орасида солиқдан келадиган даромад манбалари салмоқли ўрин эгаллайди.

Асосий қисим:

Республикамиз иқтисодиётининг барқарор суръатларда ўсишига, кенг кўламли ислохотларни амалга оширишда солиқлар асосий таъсир этувчи омиллардан бири ҳисобланади.

Шу сабабли, амалга оширилаётган ишларда энг аввало самарали солиқ тизимини, тадбиркорларга солиқ юқининг тенг тақсимланишини ҳамда солиқ тўловчилар сонининг оширилишини ва солиқларни яширувчи тадбиркорларни ўз вақтида аниқлаб, уларга солиқларни ҳисоблашини таъминлаш лозим.¹

Мамлакатимизда бюджет даромадларини шакллантиришда солиқларнинг тутган ўрни ва

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 26 июндаги “Давлат солиқ хизмати органлари фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3802-сон



аҳамияти ошириш учун аввало давлат бюджети даромадларини шакллантиришнинг назарий асослари, уларнинг турлари ва таркиби бўйича адабиётлар шарҳини амалга ошириш лозим бўлади.

4-жадвал

Хоразм вилояти бўйича ВМнинг 445-сонли қарори ижросининг 2022 йил 1 январь ҳолатига мониторинг маълумоти¹

МИНГ.СЎМ

Солиқ тури	Аниқланган қўшимча манбалар			Ундирилган қўшимча манбалар		
	Мулк қиймати/майдони	солиқ тўловчилар	солиқ суммаси	Мулк қиймати/майдони	солиқ тўловчилар	солиқ суммаси
Мол-мулк солиғи	584 959 185	4 515	1 198 122	423 344 891	3 855	899 417
Ер солиғи	6 228 396	3 782	783 034	4 906 708	3 782	783 034
Якка тартибдаги тадбиркорлар	-	4 938	9 664 632	-	4 078	7 020 822
Умумовқатланиш корхоналари	-	137	1 200 038	-	90	769 425
Бозор ва савдо комплексларидан қўшимча ҳисобланган солиқ суммаси	-	116	155 450	-	17	38 469
Бошқа фаолиятлар бўйича қўшимча ҳисобланган солиқ суммаси	-	310	327 895	-	103	110 106
Жами	591 187 581	13 798	13 329 171	428 251 599	11 925	9 621 273

Хоразм вилояти молия бошқармасининг ҳисоботи бўйича қўшимча солиқ базасини аниқлашда 2022 йил 1 январь ҳолатига 13 798 та солиқ тўловчилар аниқланган бўлиб умумий солиқ базаси 591 187 581 минг.сўмни ҳамда солиқ суммаси 13 329 171 минг.сўмни ташкил этиб ундирилган сумма 11 925 та солиқ тўловчидан 9 621 273 минг сўм давлат бюджетига йўналтирилган.

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети даромадлар параметрларининг сўзсиз бажарилишини таъминлаш ва маҳаллий бюджетларнинг даромадлар базасини кенгайтириш чора-тадбирларини амалга ошириш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Маҳаллий бюджетларнинг даромадлар базасини кенгайтириш захираларини аниқлаш ишларини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида” қарори²нинг ижросини таъминлаш ҳисобланади.

Бундан ташқари, давлат ва маҳаллий бюджет даромадларини диверсификациялашда бир қатор ишлар амалга оширилиши мақсадга мувофиқдир. Туман ва шаҳарлар маҳаллий бюджетларининг базавий йилда аниқланган қўшимча даромад манбаларидан қатъий назар, ўрта муддатли бюджетга солиқ ва бошқа мажбурий тўловлардан ажратмалар нормаларини бириктириш, маҳаллий бошқарув органларига маҳаллий бюджетларнинг қўшимча маблағларини тижорат банклари депозитларига қўйиш ва лотереяларни ташкил этиш ҳуқуқини бериш қўшимча даромад манбаларини шакллантириш имкониятларини беради. Натижаси сифатида бюджет даромадлари таркиби диверсификацияланади.

ХУЛОСАЛАР

-Давлат бюджет даромадлари барқарорлигини таъминлашда албатта белгилаб олинган вазифалардан асосийси давлатнинг ҳақиқий солиқ потенциалини аниқлаштириб олишдир. Ҳозирги кунда давлатнинг ЯИМга нисбатан яширин иқтисодиёт улуши 40-50 фоизни

¹ Муаллиф томонидан Қашкадарё вилояти молия бошқармаси маълумотлари асосида тузилган.

² Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Маҳаллий бюджетларнинг даромадлар базасини кенгайтириш захираларини аниқлаш ишларини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2017 йил 29 июльдаги 445-сонли қарори.



ташкил этишини ҳисобга олган ҳолда солиқ базасини яна 40-50 фоизга қадар ошириш имкониятларига эга эканлигимизни таъкидлаш мумкин. Бунда, ушбу яширин иқтисодийни камайтириш бўйича чора-тадбирларни амалга оширишни жадаллаштириш давлат бюджети даромадларини ошириш имкониятларини яратади. ВМнинг 445-сонли қарори ижросини таъминлашда тегишли ваколатли органлар фаолиятини кучайтириш, иш самарадорлигини оширишда рағбатлантирувчи инструментлардан кенг фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга. Аниқланган қўшимча солиқ базаси ва ундирилган солиқ суммасидан келиб чиққан ҳолда ходимларни рағбатлантириш жамғармаси ташкил этиш мақсадга мувофиқ.

-Маҳаллий даромадлар базасини кенгайтиришда даромадларни диверсификациялаш амалиётини кенг жорий қилиш, бунда фақатгина солиқ базасини кенгайтириш билан чекланмасдан, қўшимча даромад олиш бўйича фаолият турларини аниқлаштириш, ҳудудий маҳаллий бюджетлар мустақиллигини таъминлашга қаратилган чора-тадбирларни қўллаб қувватлаш ҳамда бу фаолиятларни рағбатлантиришда тегишли бошқарув органларига мустақилликни бериш мақсадга мувофиқдир.

-Бундан ташқари, маҳаллий бошқарув органларига маҳаллий бюджетларнинг қўшимча маблағларини тижорат банклари депозитларига қўйиш ҳуқуқларини бериш

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси, 2020.
2. Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси, 2019.
3. Азимов С.С. Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси. Молия ва банк иши электрон илмий журнали.v-сон. Сентябрь-октябрь, 2019 йил
4. А.Усанов, Р.Джалилов “ Солиқ сиёсати” журнали, “Ўзбекистон иқтисодий ривожланишида Камерал назоратнинг тутган ўрни” УДК 336.225, 2019 йил.
5. Перм Давлат унверситети профессори Шешукова Т.Г.нинг «Экономика и бизнес» журнаliga берган “об использовании информации из внутренних и внешних источников при проведении налоговых проверок” номли мақоласи, 2016 й. 4 бет.



ЙЎЛ ФОНДЛАРИ МОЛИЯВИЙ РЕСУРСЛАРИДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШ

Ф.Г.Пардаев

Ўзагросервис АЖнинг Ички аудит
хизмати бош мутахассиси
Тел: 90-326—09-44

Аннотация. Мақолада йўл фондларининг молиявий активларини бошқаришда молиявий рискларни бошқаришнинг асосий сабаблари ва муаммолари ҳақида маълумот берилди. Мақолада рискларнинг турлари ва шакллари таҳлил қилинган. Бундан ташқари, хатарларни башорат қилиш, ўлчаш ва бартараф этиш йўллари таҳлил қилинган.

Таянч сўз ва иборалар: Мақсадли фонд, нодавлат мақсадли фондлар, молиявий активлар, молиявий риск, стресс-тест, хавф, даромад, инвестициялар.

Abstract. The article provides information on the main reasons and problems of financial risk management in the management of financial assets of non-state pension funds. The article analyzes the types and forms of risks. In addition, methods of forecasting, measuring and mitigating risks were analyzed.

Key words: Pension fund, pension fund, non-state pension fund, financial assets, financial risk, stress test, risk, income, investment.

Кириш

Бугунги кунда хорижий мамлакатлар йўл фондлари амалиёти шуни кўрсатмоқдаки, уларнинг молиявий даромадларини оширишда жамғарма маблағларини инвестицион фаолиятини шакллантириш ва уларни самарали бошқариш механизмларини ишлаб чиқишни тақозо қилмоқда.

Уларни бошқариш қобилияти жамғармаларни яхшилашга имкон беради ҳамда унинг иштирокчилари олдигаги мажбуриятларини бажариш ва рентабелликни оширишни кўзда тутди.

Адабиётлар шарҳи

Молиявий операцияларни амалга оширишда рисклар мавжуд экан, уларни ўрганиш, назорат қилиш, баҳолаш ва бошқариш доимо муҳим бўлиб қолаверади. Рискларнинг иқтисодий категория сифатида юзага келишида иқтисодий муносабатларнинг ривожланиши муҳим роль ўйнайди. А.Смит «Халқлар бойлигининг табиати ва сабабларини тадқиқ қилиш ҳақида» асарида риск ва фойда ўртасидаги ўзаро пропорционаллик тушунчасини ойдинлаштиришга ҳаракат қилган.

Пропорционаллик бу фойда ва риск ўртасида жуда муҳим рол ўйновчи тушунчадир. А.Смитнинг ёзишича, «қонун бўйича рискли ҳолатлар юқори бўлган ҳолатда даромад кичик бўлади, ўз навбатида, кутилаётган даромад даражасини кўпайтириш учун назорат усуллариининг салмоғи янада ортади».

А.К.Солодов (2018) ўз тадқиқотларида молиявий рискларни ташкилот маблағларини шаклланиши ва ишлатилишини, ташкилотнинг молиявий ресурслари ҳажми ва тузилишини ва натижада унинг молиявий ҳолатини абадий ўзгартириши мумкин бўлган вазиятлар (ходисалар), деб баҳолайди.

Унинг фикрича молиявий рисклар (хатар)лар қоида тариқасида, ташкилотнинг пул маблағлари жамғарма фонди, захира фондлари, истеъмол фонди ва бўш пул қолдиқларини (таксимланмаган фойда) ташкил этадиган пул оқимларини бошқариш билан боғлиқ омиллар ва қарорлар туфайли юзага келади.

М.Л.Кричевский (2012) нинг фикрича молиявий рискларни бошқариш ўзига хос хусусиятларга эга. Макроиқтисодий беқарорлик турли мамла-катларнинг миллий бозор типидagi иқтисодиётларида ҳамда халқаро

миқёсда асосан молия секторидаги жиддий камчиликларга асосланган.

Бундай нуқсонларнинг оқибатлари ҳақиқатан ҳам катта ва улар иқтисодий ўсишни секинлаштириши, самарасиз молиявий воситачилик ва аҳолининг молия бозорларига бўлган ишончини йўқ қилишда ифодаланади.

В.В.Хмиров (2013)нинг таъкидлашича, нодавлат пенсия фондлари бошқа барча иқтисодий институтлар сингари, ўз фаолиятлари учун асосан ноаниқ ва хавфли бўлган ташқи муҳитда



иш олиб боришларини таъкидлаш мумкин.

Жамғарма учун ташқи ва ички омилларнинг таъсиридан келиб чиққан НМФ хавфини пенсия мажбуриятларини тўламаслик эҳтимоли сифатида изоҳлаш мумкин.

И.А.Юрьева ва Н.Н.Масюк (2013) ларни фикрича молиявий хатарлар-бу бозорнинг ноқулай шароитлари ёки эмитент (қарз олувчи) ҳолатининг ёмон-лашиши ёки фонднинг активлари қийматининг пасайишига олиб келадиган бошқа нохуш ҳодисанинг келиб чиқиши натижасида фонд маблағларининг бир қисмини ёки бир қисмини йўқотиш эҳтимолини англатади.

Тадқиқот методологияси.

Бугунги кунда молиявий таваккалчиликни бошқариш қонунчилик базасидаги ўзгаришлар билан узвий боғлиқдир. Қонунчилик базасини такомиллаштириш рискларни бошқариш бўйича тармоқ стандартларини шакллантиради, бу фондларда рискларни бошқаришни ташкил қилишнинг турли усуллари белгилаб берди. Ушбу стандартлар, шунингдек, рискларни бошқариш жараёнида қўлланиладиган турли талаблар, методикалар ва қоидаларни ўз ичига олади. Нодавлат мақсадли фондларининг молиявий рискларини бошқариш усуллари-нинг иқтисодий моҳияти ва турлари хусусида иқтисодий адабиётларда турли туман фикр ва мулоҳазалар мавжуд.

Бироқ, уларнинг шакли ва шамойили турли-туман бўлгани билан мазмун битта мақсадга қаратилган. Шу жиҳатдан ушбу масалага яна бир бор ойдинлик киритиш мақсадида: “Нодавлат мақсадли фондлари рискларини бошқариш усуллари-бу жамғарманинг ўз олдига қўйган мақсадига эришиш учун рискларни бошқариш, уларнинг хавфсиз даражасини таъминлан-ганлигини баҳолашга хизмат қиладиган ёндашув ва тенгликлар мажмуидир” деб таъриф берилган.

Маълумки, нодавлат фондлари рискларни бошқариш усуллари ички ва ташқи омиллар таъсирида тизимли ва стихияли равишда ривожланган. Хусусан, жамғармаларнинг операциялари ва хизматлари турининг ортиб бориши, шунингдек молиявий инструментларнинг кенг қўлланилиши ва кредит муассасалари ўртасидаги рақобатнинг кучайиши молиявий рискларини бошқаришнинг турли усуллари вужудга келишига сабаб бўлади.

Уларни қуйидагича тизимлаштириш мақсадга мувофиқ. Рискларни бошқаришнинг норасмий усуллари деганда нодавлат фондлари аналитиклари ва экспертлари томонидан маҳаллий ва халқаро молия бозорларида кечаётган

жараёнларни кузатиш ва таҳлиллар асосида шакллантирилган мантиқий хулоса ва тавсиялар назарда тутилади. Бундай усуллар таркибига дельфий таҳлили, морфологик таҳлил, сценарий таҳлили, коэффициент таҳлили ва бошқа таҳлил усуллари киритиш мумкин.

Таҳлил ва натижалар

Нодавлат мақсадли фондларида хатарларни бошқариш (рискларни бошқариш) қуйидаги тадбирларни ўз ичига олиши мумкин:

- хатарларни биринчи ўринга қўйиш;
- хатарларни башорат қилиш бўйича дастур тизимини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;
- таваккалчиликларни олдини олиш тизимини яратиш;
- хавфни камайтириш ва нодавлат фондларнинг инқироздан чиқиб кетиши механизмларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш.

Хулоса ва таклифлар

Юқорида айтиб ўтганимиздек, йўл фондларнинг маблағларини ишлатилишига қараб иқтисодий, ижтимоий, шахсий ва мол-мулкни сугурталаш, илмий-тадқиқот, харбий-сиёсий, халқаро фондларга бўлинади. Иқтисодий фондларнинг маблағлари хусусий компаниялар ва кам рентабелли давлат корхоналарини, асосан, иқтисодиётни ривожланиш цикллари-нинг кризис пайтида молиялаштириш учун йўналтирилади.

Шундай қилиб, хулоса шуки, ўрганилган халқаро тажриба, шунингдек, йўл фондларини хорижий инвесторлар, хорижий менежерларни жалб қилишни рағбатлантириш мақсадида тақдим этилган ташкилий-ҳуқуқий шакли бўлмаган корпоратив тузилмалар ўз ташкилий-ҳуқуқий шаклини акциядорлик жамиятига ўзгартиришлари мумкин.



Фойдаланилган адабиётлар руйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги фармони. ПФ-4947-сон, 2017 йил 7 февраль. – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. 2017 й., 6-сон, 70-модда.
2. Механизм инвестиций: международный опыт в контексте Узбекистана// Экономическое обозрение. – Т., 2007, №7. –С. 16.
3. Левентис, С., Вейтман, П., ва Караманис, (2005) Аудиторлик ҳисоботи кечикишининг сабаблари: Афина фонд биржасининг далиллари асосида. Халқаро аудит журналы,
4. Вахобов А. Бозор муносабатлари тизимидаги ижтимоий фондлар. Т.: Шарк. 2003. №7. -117 б.
5. Ишмухамедов А.Э., Раҳимова М.Р., Ишмухамедова Л.А. Минтақавий иқтисодиёт. Дарслик. – Т.: ТДИУ. 2007

Интернет сайтлар

www.biznes-daily.uz
www.gov.uz
www.stat.uz



ECONOMIC ANALYSIS AS AN INTEGRAL PART OF AUDIT

Oripova Gulira'no Nodirovna,

a graduate student of Master's degree

Tel.: +998977181208

E-mail: grahmatova19968@gmail.com

Abstract: this article describes the methods of economic analysis used in the audit. The article describes practical examples of applying the methods of economic analysis at various stages of the audit.

Key words: audit, audit activity, economic analysis, methods of economic analysis, methods of economic analysis in audit.

An audit of the financial statements of an organization implies not only checking the correctness of the reflection of accounting data in the statements, but also confirming or not confirming the continuity of the organization's activities, i.e. the fact that during the next financial year the enterprise will not be closed [1]. Moreover, in the course of analytical procedures, auditors analyze the causes of the most significant changes in financial statement items. In addition, auditors can offer clients ways to optimize the organization's costs, predict future values of indicators for audit purposes. For achievement of the specified purposes, and also for performance of some analytical procedures auditors often resort to methods of the economic analysis.

The application of methods of economic analysis begins long before the audit procedures. As a rule, if an audit company plans to get a new client from an industry unfamiliar to it, in this case the auditor primarily studies the industry in which the company operates: the number and size of companies operating in the industry, the market for the industry's products, average income, expenses, profits, the existing economic conditions for the functioning of enterprises (for example, the presence of economic sanctions on the activities of companies in the industry), possible prospects for the development of the industry, etc. As a rule, to complete the picture, it is necessary to calculate or study the dynamics of economic indicators, such as the profitability of the industry, the size of the industry, the total output of the industry. It is impossible to calculate and interpret these indicators without knowledge of the basics of economic analysis. In addition, such an analysis of the economic environment of the operation of the enterprise is carried out not only for newly arrived clients, but also for regular ones, in order to confirm the absence or presence of significant changes in the economic sector of the client. At this stage of the analysis, a general conclusion is made about the economic state of the industry and its development prospects. Accordingly, already at the initial stage, we see that the role of economic analysis in the audit is very important.

The introduction of IFRS 16 “Leases” and the requirements introduced by it to reflect an asset in the form of a right of use on the balance sheet led to a more active use of such a method of economic analysis as building models of future cash flows. Building a model of future cash flow consists in discounting all payments at a market rate, which is usually taken equal to the rate of a possible loan in rubles for the acquisition of a similar asset at the date of conclusion of a lease agreement or the key rate of the Bank of Russia plus one percent, the sum of all discounted payments is the amount of initial recognition right-of-use asset or the amount of initial recognition of the lease liability. In order to verify the correct amounts of initial recognition of an asset and a liability and interest expense, auditors calculate future cash flows. After initial recognition, the right-of-use asset continues to be accounted for under property, plant and equipment accounting principles, and the lease liability continues to be accounted for as a financial liability with interest expense at the effective interest rate, respectively, interest expense recognized in the Statement of Financial Performance will not equal interest expense reflected in the Statement of Cash Flows due to different values interest rates. When concluding a lease agreement for a period of less than or equal to one year, discounting is not applied.

The composition of the auditor's report includes key aspects of the audit of financial statements as the most risky areas of responsibility of the auditor to the users of the statements. These zones are determined, among other things, by applying the methods of economic analysis during the audit.



Thus, we see that the methods of economic analysis are widely used at all stages of the audit. They help in determining the current state of the economic sector of the client of the audit organization, forming a judgment on the continuity of the client's activities, calculating the level of materiality of financial statements, and implementing many analytical procedures on the merits.

References:

1. Международный стандарт аудита (МСА) 570 (пересмотренный) «Непрерывность деятельности». Приказ Минфина России от 09.11.2016 № 207н.
2. Алборов Р.А, Концева С.М. Практический аудит. М.: Издательство «Дело и сервис», 2011. 304 с.
3. Власова И.Е., Девятова Т.Ю., Маслова Л.И. Финансовый анализ банковской деятельности [Текст]: учеб. пособие и практикум. Стандарт третьего поколения / Е.И. Власова, Т.Ю. Девятова, Л.И. Маслова. Под общ. ред. Л.И. Масловой. Екатеринбург: Издательский дом «Ажур», 2019. с. 284. ISBN 978-5-91256-461-1.
6. Володина И.Г. Анализ и оценка уровня финансовой безопасности предприятия [Текст]. Проблемы и перспективы экономики и управления: материалы II Междунар. науч. конф. (г. Санкт-Петербург, июнь 2013 г.). СПб.: Реноме, 2013. С. 101-104.



КОМПАНИЯНИНГ ИНВЕСТИЦИЯ ҚИЙМАТИНИ БАҲОЛАШ УСУЛЛАРИ

Озатбекова Озодахон Нодирбек кизи

Студент Ташкентского государственного
транспортного университета,
e-mail: ozoda.ozatbekova@mail.ru

Озатбеков Юсупхон Фарход ўғли

Ассистент Ташкентского государственного
транспортного университета
e-mail: yusuf.ozodbekov@mail.ru

Гуламов Абдулазиз Абдуллаевич

Проректор по учебной работе
Ташкентского государственного университета транспорта

Аннотация: Мақолада инвестиция қиймати тушунчасининг маъноси ва инвестиция қиймати ва бозор қиймати ўртасидаги фарқлар кўриб чиқилади. Инвестиция қиймати баҳолашнинг фойдали, қиммат ва қиёсий каби усуллари ҳам кўриб чиқилади.

Калит сўзлар: инвестиция қиймати; бозор қиймати; харажатлар усули; даромадлар усули; қиёсий усул.

Компаниянинг инвестиция қиймати аниқлаш инвестицияларни жалб қилишда муҳим рол ўйнайди, чунки инвесторнинг сармоя киритишга ёки сармоя киритмасликка тайёрлиги инвестиция қийматига боғлиқ. Инвестиция қиймати компания ёки умуман бизнес қийматидан фарқ қилади.

Инвестиция қиймати-белгиланган ёки белгиланган инвестиция мақсадларига ега бўлган муайян investor ёки инвесторлар гуруҳи учун мол-мулк қиймати. Ушбу субъектив концепция маълум бир мулк объектини маълум бир investor, инвесторлар гуруҳи ёки инвестиция учун маълум мақсадлар ва/ёки мезонларга ега бўлган ташкилот билан боғлайди. [1]

Инвестиция қиймати хўжалик юритувчи субъектнинг молиявий ҳолатини ва баҳолашнинг молиявий мақсадларини акс эттиради. Ушбу қиймат кўпинча инвестицияларнинг даромадлилигини аниқлаш учун ишлатилади. [2]

Инвестиция қиймати ва бозор қиймати ўртасидаги асосий фарқ шундаки, у объект маълум бир инвестиция лойиҳасида белгиланган мақсадларда фойдаланилганда аниқланади, яъни бу қиймат биржада емас, балки фойдаланишда. [3]

Инвестиция қиймати аниқлашда жуда кўп турли хил усуллардан фойдаланилади, масалан: фойдали, қиёсий ва харажат усуллари.

Инвестиция қиймати инвесторнинг мақсадларига боғлиқ бўлганлиги сабабли, ҳар бир investor учун қиймат ноёбдир. Турли хил инвесторлар бир хил баҳолаш усулларида фойдаланишлари ва турли хил инвестиция қийматларини таклиф қилишлари мумкин. Инвесторлар активнинг инвестиция қиймати аниқлашда бир нечта баҳолаш усуллари танлашлари мумкин. Енг кўп ишлатиладиган инвестиция чоралари қуйида келтирилган:

1. Даромад ёндашуви доирасида қуйидаги усуллар қўлланилади:

* Даромадларни капиталлаштириш. Ушбу услуб келажакдаги пул оқимларини ҳисоблашни назарда тутаяди, агар даромад барқарор бўлса ва прогноз қилинган ўсиш суръатига ега бўлса ва тижорат кўчмас мулкнинг бозори ва инвестиция қиймати аниқлашнинг кенг тарқалган усули бўлса.

* Пул оқимларини дисконтлаш. У прогноз қилинган даромадлари амалдаги даромадлардан сезиларли даражада фарқ қилиши мумкин бўлган ва жорий санадаги нархларга мувофиқ пул оқимларини кейинчалик созлаш билан ҳисоб-китобларни талаб қиладиган компаниялар учун ишлатилади. Дисконтланган пул оқими модели соф жорий қийматни, ички даромад ставкасини ҳисоблаш ва капитал тўпланишини таққослаш учун ишлатилади.

2. Харажат ёндашуви соф активлар усулидан фойдаланишни ўз ичига олади, унда бизнеснинг инвестиция қиймати баҳолаш санасида тузатилган корхонанинг барча активлари ва мажбуриятларининг баланс қиймати ўртасидаги фарқ сифатида аниқланади.

3. Қиёсий ёндашув қуйидаги усуллардан фойдаланишни ўз ичига олади:

* Капитал бозори.



* Битимлар.

* Саноат коэффициентлари.

Қиёсий концепция доирасида баҳоланаётган бизнес ўхшаш лойиҳалар билан таққосланади ва агар керак бўлса, таққосланаётган компаниялар ўртасидаги аниқланган фарқларга мувофиқ харажатлар бўйича тузатишлар киритилади. [4] [5]

Инвестиция қиймати кўп ҳолларда қўлланилиши мумкин. Масалан, фонд биржаларида акцияни сотишда ёки сотиб олишда базис нарх инвестиция қийматини белгилайди, яъни харидор акцияни сотиб олиш учун у ёки бу суммани инвестициялашини ҳисобга олади. Фонд биржаларида савдонинг муваффақияти тўғри ҳисобланган акция нархига боғлиқ. Шунинг таъкидлаш кераки, инвестиция қийматини ҳисоблашда дисконтланган пул оқими усули кенг қўлланилган.

Фойдаланлган адабиётлар рўйхати:

1. Мулкни баҳолаш бўйича Ўзбекистон Республикасининг миллий стандарти (НСОИ 3-сон). Давлат мулкни бошқариш Давлат қўмитасининг 01/19-21 июндаги 14-2006-сонли қарори билан тасдиқланган

2. Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги директорининг "Ўзбекистон Республикасининг ягона Миллий баҳолаш стандартини тасдиқлаш тўғрисида"ги буйруғи. [Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 4 йил 2020 июнда рўйхатга олинган рўйхатга олиш рақами 3239]

3. Баҳолаш фаолиятида қиймат турлари. [Электрон ресурс] //URL: http://www.c-a.ru/vidy_stoimosti_v_ocenochnoj_dejatelnosti

ЎЗБЕКИСТОНДА ИЛМИЙ ТАДКИКОТЛАР: ДАВРИЙ АНЖУМАНЛАР: 9-ҚИСМ

Масъул мухаррир: Файзиев Шохруд Фармонович
Мусахҳиҳ: Файзиев Фаррух Фармонович
Саҳифаловчи: Шахрам Файзиев

Эълон қилиш муддати: 31.08.2022

Контакт редакций научных журналов. tadqiqot.uz
ООО Tadqiqot, город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000